

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ**

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАРИХ” КАФЕДРАСИ

**СИЁСАТШУНОСЛИК
ФАНИДАН**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент – 2010

Ушбу маърузалар матнлари Политология фани асосларидан дастлабки назарий ва амалий илмлар беришга ҳаракат қилади. Унда жамият сиёсий тизими, сиёсий ҳаёти, сиёсий ва давлат ҳокимияти, унинг бошқарув тизими, сиёсий партия ва ҳаракатлар, ички ва ташқи сиёсат ҳамда халқаро сиёсий жараёнларда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар билан боғлиқ масалалар асослаб берилган.

Маърузалар матни 4 бўлим ва 9 бобдан иборат бўлиб, уларда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлар, сиёсатнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти, қадимги, ўрта асрлар даври ва ҳозирги давр Ғарб ва Шарқдаги илғор сиёсий қарашлар, фикрлар бугунги куннинг муҳим сиёсий воқеалари билан боғлиқ равишда таҳлил қилинган ва ёритилган.

Маърузалар матнлари университет талабалари, бакалавр ва магистрлар, аспирантлар ҳамда сиёсий масалалар билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

ТУЗУВЧИЛАР:

**Сиёсий фанлар номзоди доцент
“Тарих” кафедраси ўқитувчиси**

**Ш. Акмалов
А. Мансуров**

ТАҚРИЗЧИЛАР:

**Тарих фанлар доктори, профессор
Фалсафа фанлари номзоди, доцент**

**С.Агзамходжаев
Б.Валиев.**

К И Р И Ш

Мустақилликнинг ўтган ўн тўққиз йил мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Янгилаш, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш жараёни барча соҳалар каби ижтимоий фанларни ўқитиш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаблари асосида қайтадан ўзгартириш вазифасини қўйди. Президент И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади. Бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай изчил ва қатъият билан боришдир”.¹

Собиқ шўро даврида ижтимоий фанларни ўқитиш марказлашган тартибда амалга оширилганлиги ва шу асосда дарслик, ўқув қўлланмалари ҳам асосан рус тилида бўлиб, уларнинг баъзиларигина ўзбекчага кўр-кўрона «марказ сиёсати» рамкасида ташқарига чиқмасдан, миллий хусусиятларимизни ҳисобга олмасдан, бевосита таржима қилинарди. Мустақиллик туфайли унинг асрларга тенг ўн тўққиз йили даврида бу камчиликлар тузатилиб, миллий тафаккурга кенг йўл очилиб, ижобий ўзгаришлар қилинди. Ўзбекистонлик сиёсатшунослар, файласуф ва социолог олимлар томонидан жамият сиёсий ҳаёти, сиёсий муносабатларида рўй берган ўзгаришларни чуқур, муфассал ёритиш ҳамда жаҳон сиёсатшунослигининг илғор назарий ва амалий тажрибаларидан кенг фойдаланиш асосида дарслик, ўқув қўлланмалари яратилмоқда.

Лекин, XX аср охири ва XXI аср бошларида икки қутбли дунёдан кўп қутбли дунёга ўтиш, инсон онги ва қалби учун кураш жараёни ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимизни кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам «бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Ва шу курашда энгиш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда»². Политология фани миллий истиқлол мафкураси тамойилларига таянган ҳолда ана шу сиёсий жараёнларни, сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабатлар соҳасида мавжуд бир қатор долзарб муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилади, ўрганади. Зеро, «кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, - деган эди Президентимиз Ислом Каримов, - инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими - уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»³.

Ушбу қисқача маърузалар матнлари ҳозирги замон Ғарб ва Шарқ сиёсатшунослигининг назарий ва амалий тажрибаларидан фойдаланиш ҳамда жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларда, жаҳон сиёсатида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни мамлакатимиз мисолида ўрганиш асосида ёзилган. Тавсия этилаётган ушбу ўқув қўлланма ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда тузилган. Унда замонавий сиёсий фаннинг энг муҳим, устувор мавзулари ҳозирги замон талаблари асосида кўриб чиқилган. Муаллифлар ўқув қўлланмасини яратишда, хусусан, «Политология асослари» (Тошкент: «Университет», 1992), Ф.Шариповнинг «Политология» (Тошкент: «Ўзбекистон», 1992), И.Рамазонов, Э.Мўминовларнинг «Политология» дарслиги (Тошкент: «Адолат», 1997), С. Отамуродов, И.Эргашев, И.Акрамов, А.Қодировларнинг «Политология» (Тошкент:

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 34 – б.

² Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т 8 – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 466-бет.

³ Ўша жойда, 504-бет.

«Ўзбекистон», 1999), Политология курси бўйича маърузалар матни, 1–2-қисмлар (Тошкент: М.Улугбек номидаги ЎзМУ, 2000), «Политология. Маърузалар матни» (Тошкент, 2000), О.Машарипов, Т.Р.Ҳошимов, Ф.А.Рафиқовларнинг «Политология» (Тошкент: ТошДИУ, 2000), Политология. Ўқув қўлланма. Т.: (А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. «ЎАЖБНТ» маркази, 2002) В.П.Пугачев, А.И.Соловьевларнинг «Политологияга кириш» (Т.: «Янги аср авлоди», 2004), В.В.Дубковнинг «Политология». (Т.: «Меҳнат», 2004) йил каби дарслик, ўқув қўлланмаси ва маъруза матнларидан кенг фойдаланди. Шунингдек, мазкур ўқув қўлланмаси яратилишида унинг муаллифлари томонидан Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ва Низомий номидаги ТошДПУ талабаларига «Политология» фанидан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказиш жараёнида тўплаган тажрибалари қўл келганлигини ҳам айтиш жоиздир. Буни ўқув қўлланмасидаги бир қатор назарий масалаларнинг амалий мисоллар асосида баён этиб берилганлиги аниқ кўрсатиб турибди.

Албатта, мазкур маърузалар матнларида барча муаммолар ўз ечимини топган, деб бўлмайди. Унда баъзи бир камчилик ва нуқсонлар бўлиши табиий. Шу боисдан қўлланма муаллифлари, таклиф-истакларини билдирган ўртоқларга чуқур миннатдорчилик изҳор этади.

I-МАВЗУ. СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИ МАВЗУИ, УСЛУБИ ҲАМДА УНИНГ СИЁСІЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

1.1. Политология фани, предмети, мавзуи, мақсад ва вазифалари

Политология - юнонча *politika* – давлат ёки ижтимоий ишлар ҳамда *Logos* - таълимот сўзларининг бирикишидан ташкил топган бўлиб, сиёсат ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Унинг сиёсий моҳияти жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш билан белгиланади. Ҳеч бир ижтимоий-сиёсий фан бу масалаларни «Политология» фани сингари чуқур ва мукамал ўрганмайди. Политологиянинг сиёсий фан сифатидаги роли ва аҳамияти унинг сиёсий моҳиятга эга бўлган воқеа-ҳодисаларни алоҳида олинган бир мамлакат доирасида эмас, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида сиёсий муаммоларни ҳал қилишда эришилган натижалар билан белгиланади. Бундай амалий натижалар Политология фанида умумлаштирилади ва унга асосланган ҳолда муҳим сиёсий қоида ва ҳулосалар ишлаб чиқилади. Политология бошқа ижтимоий-сиёсий фанлардан ўзининг предмети, мазмуни, қонуниятлари, вазифалари ва бошқа томонларига кўра фарқ қилади. Политологиянинг мазмунини ташкил этувчи масалаларнинг бир бутунлиги ёки яхлитлиги мисолида унинг предмети таърифланади. Унинг қонуниятлари, категориялари, усуллари ва вазифалари сиёсатни амалда тўғри қўллашга хизмат қилади.

У ёки бу сиёсат юритилиши турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар, миллат ва элат ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш фаолиятига боғлиқ бўлиб, унинг марказида давлат туради. Ана шу давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, сақлаб қолиш, ундан самарали фойдаланиш бош масаладир. Сиёсат юритилишидаги энг муҳим ва моҳиятли йўналиш – давлат ҳокимиятини қуришдир. Сиёсат деганда давлат ишларида қатнашиш, давлат фаолиятини йўналтириш, унинг шакллари, вазифалари ва мазмунини белгилаб беришни тушунамиз. Демак, **сиёсат** – бу давлат, давлат – бу куч ва пул, пул – бу иқтисод.

Политологиянинг предмети: Жамият сиёсий системасининг шаклланиши, унинг амал қилиши ва ривожланиши, шахс, ижтимоий гуруҳлар, миллат ва элатлар, халқлар ва давлатлар тўғрисидаги фандир. Демак, сиёсатшунослик – сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий фаолият ва сиёсий ҳокимиятни ўрганувчи фандир, деб таърифлаш ҳам мумкин.

Политология – сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, халқаро тизимлар, унинг механизми ва воситалари ҳамда амалиётини ўрганадиган фандир. Демак, сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривож, сиёсий маданият ва мафкура, халқаро тизимлар ҳамда умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганиш сиёсатшунослик фанининг асосий йўналишларидир.

Политология – жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсат, сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлган турли ижтимоий гуруҳлар, фуқароларнинг ўрни ва роли, ҳокимиятга муносабати, уни сақлаб туриш механизми ва воситалари, жараёнлари ҳамда амалиётни ўрганадиган фандир.

Яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида сиёсатнинг моҳиятини ёритиш политологиянинг предметиدير.

Политология фани ўрганадиган мавзулар тизимида сиёсий ҳокимият марказий ўринни эгаллайди. Сиёсий ҳокимият негизида давлат ҳокимияти назарда тутилади.

Политологиянинг объекти. Унинг объектини жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий институтлар ва турли гуруҳлар ташкил қилади. Унинг **предметини эса** сиёсат, сиёсий муносабатлар ва ҳокимиятнинг ривожланиш қонуниятлари ташкил қилади. Фан сифатида политология 2,5 - 3 минг йиллик тарихга эга бўлиб, у сиёсий тафаккурнинг илк кўринишлари шаклида пайдо бўлган. Кейинчалик у мустақил фан сифатида юзага келди. У ўз шаклланиш жараёнида бошқа мавжуд ижтимоий фанлар каби мустақил ўрганадиган

ўз масалалари доирасини ҳам вужудга келтирди. Политологиянинг **асосий мавзуи** ҳокимиятни, сиёсат ҳокимиятни ўрганишни назарда тутди.

Политология фани муайян вазифаларни, яъни **функцияларни** амалга оширади. Уларга асосан қуйидаги: 1) назарий; 2) методологик; 3) амалий ва 4) башорат қилиш вазифаларини киритиш мумкин.

1. Политологиянинг назарий функциясига, унинг предметида келиб чиққан ҳолда, сиёсатни ўрганиш асосида асосий назарий концепцияларни, қоидаларни ишлаб чиқиш назарда тутилади. Буни сиёсатшунослик фан сифатида амалга оширади. Сиёсий ҳаёт ва жараёнлар муайян сиёсий қоидаларга таянади ва унга эҳтиёж сезади. Бугунги сиёсий қарашлар ва қоидаларнинг ягона мафкурага асосланиш ғояси асоссиз ва сиёсий фикр ривожига зид эканлигини кўрсатади. Сиёсий институтлар хилма-хиллиги, сиёсий плюрализм, авторитаризм ва тоталитаризм ғоясига зид равишда, аҳолининг жамият сиёсий ҳаётига кенгроқ иштирок этишини таъминламоқда.

2. Политологиянинг методологик функцияси: унинг моҳияти сиёсий ҳаётни тўғри англаш, баҳолаш ва билиш услублари билан қуроллантиришдадир. Сиёсий ҳаёт, сиёсий жараёнларни амалга оширишда турли қатламлар, гуруҳларнинг иштирокини ва ўрнини дифференциал таҳлил этиш; турли хил сиёсий институтларнинг фаолиятини таркибий-функционал таҳлил этиш; сиёсий тузилмалар даражаларини, сиёсий жараёнлар элементларининг ўзаро алоқаларини тизимий ва яхлит ҳолда ўрганиш, сиёсий башоратни амалга ошириш орқали муҳим методологик вазифани бажаради.

3. Политологиянинг амалий функцияси: унинг амалий характери ҳамда ҳокимият билан бўлган муносабатида ўз ифодасини топади. Унда бошқарувда маърифий-буйруқбозлик услубидан воз кечиш, бошқаришда демократик тамойилларга асосланиш, сиёсий институтлар ва мафкуралар хилма-хиллигига асосланиш турли манфаатлар уйғунлигини таъминлайди.

4. Башорат функцияси: башоратни амалга ошириш жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Сиёсий қарорлар қабул қилишда, сиёсий жараёнлар ва муносабатларни моделлаштиришда алоҳида ўрин тутди. Бу политологиянинг сиёсий ҳаёт билан узвий боғлиқлигини таъминлайди, амалийлигини оширади.

1.2. Политология фани қонун, тушунча, категориялари ҳамда унинг бошқа сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва роли

Фалсафа фанининг методлари барча ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар методи бўлганлиги боисдан сиёсатшунослик фани методлари ҳам унинг методлари ҳисобланади. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) Диалектик метод.
- 2) қиёсий таққослаш методи.
- 3) Эмперик-социологик метод: сўров, анкета, математик таҳлил ва ҳ.к.
- 4) Умумантикий метод (Унда анализ ва синтез, абстракциялаш, умумийлик ва ўзига хослик, сиёсий жараёнлар моделини излаб топиш ҳамда янгисини яратиш ва ҳ.к.).
- 5) Назарий метод. (Унда фикрлаш, абстракцидан конкретликка ўтиш).
- 6) Ахлоқий метод. (Айрим гуруҳ ёки шахслар хулқини кузатиш, анализ қилиш, анкеталар тарқатиш орқали сўраб ўрганиш).
- 7) Изоҳлаш методи (қабул қилинган фармон, қонун, қарорларни изоҳлаб бериш).
- 8) Сиёсий прогнозлаш методи. (Бу билан ижтимоий тўкнашувлар олди олинади).
- 9) Ахборот-информацияларни умумлаштириш методи (Фан ютуқларидан фойдаланиш).

Политологиянинг методологик асоси:

1. Фалсафий таҳлил.
2. Назарий таҳлил.
3. Ижтимоий борлиқни ўрганиш.

Политология фани қонуниятлари.

Давлат ҳокимияти ва жамият сиёсий ҳаётида қонунларнинг ҳаракат қилиши учун шароит яратиш, уларнинг ҳар бири доирасида ва ўзаро алоқаларида уйғун ҳаракат қилиш жараёнини вужудга келтира билиш, ўз навбатида ундан кўзланган мақсад йўлида фойдалана билиш сифатида муҳим ўрин тутди. Бу қонунларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Давлат ҳокимияти ва мамлакат ички сиёсий ҳаётида амал қиладиган қонунлар бўлиб, у ўз ичига:

1) жамият сиёсий жараёнларида сиёсий ҳокимият механизмларидан самарали фойдаланиш;

2) жамият сиёсий ҳаётининг демократиялашиши;

3) сиёсий бошқарув жараёнлари;

4) сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт муносабатлари;

5) шахс, жамият ва давлат тизимида инсон манфаатининг устуворлиги ва бошқалар.

2. Бу гуруҳ қонунлари халқаро муносабатларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-маърифий алоқалар билан боғлиқ бўлиб, улар:

1) халқаро хавфсизлик ва ўзаро ишончни ривожлантириш;

2) халқаро ва давлатлараро ихтилофларни бартараф этишнинг сиёсий воситалари;

3) умумбашарий муаммоларни бартараф этишнинг сиёсий йўллари;

4) турли хил сиёсий институтлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги сиёсий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни барқарор ривожлантириб бориш шарт-шароитлари;

5) жамият сиёсий ҳаётида сиёсий етакчининг ўрни ва ролини сиёсий таҳлил этиш билан боғлиқдир.

Шунингдек, Политологиянинг **объектив қонуниятлари** ҳам мавжуд:

1. Сиёсий жараён оқимидаги сиёсий муносабатларга киришаётган томонларнинг ҳар томонлама тўб манфаатдорлиги қонуни.

2. Жамият сиёсий тизимининг уйғун амал қилиш қонуни.

3. Сиёсий муносабатларда сиёсий маданиятнинг зарурлиги қонуни.

4. Иқтисодиёт билан сиёсатнинг диалектик бирлиги ва мутаносиблиги қонуни.

5. Сиёсий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асосларда амал қилиш зарурлиги қонуни.

6. Ички сиёсат билан ташқи сиёсатнинг диалектик бирлиги қонуни.

7. Халқаро муносабатларда янгича сиёсий тафаккурнинг амал қилиш зарурлиги қонуни.

Политологиянинг категориялари:

Давлат, сиёсат, сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабатлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва ташкилотлар, сиёсий тизим ва сиёсий жараён, халқаро муносабатлар, сиёсий тизим, сиёсий воқелик, давлат ҳокимияти, демократиялаштириш ва ҳ.к.

Бу категорияларнинг ҳар бири ўз сиёсий мазмунига эга бўлиб, сиёсий жараёнлар тизимида намоён бўлади. Масалан, онг муаммосини социология фанида гуруҳ онг муаммоси сифатида, давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий онг муаммоси тарзида, сиёсатшунослик фанида эса сиёсий онг муаммоси тарзида ўрганилади. Маданиятни - сиёсий маданият тарзида таҳлил этади ва ҳ.к.

Политология фанининг бошқа сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва роли.

Президент Ислам Каримов ижтимоий фанлар ролига ҳамиша юқори баҳо ва эътибор бериб келмоқда. «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, – деган эди И.А.Каримов, – инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими,

психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга»². Бу жиҳатдан қараганда Политология ижтимоий фанлар билан умумий алоқада бўлади. Политология ижтимоий фанларнинг илмий хулосаларидан қандай бўлса, шундайлигича фойдаланмайди, балки жамият, давлат ва фуқаролар ҳаётида бўладиган сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг ҳокимиятга муносабатларини ҳамда бу ўзгаришларни амалга ошириш усуллари, механизмларини ўрганади, сиёсий хулоса, амалий таклифлар беради.

Политология фани бошқа ижтимоий фанлардан фарқли равишда жамиятнинг сиёсий жараёнлари тўғрисида фикр юритади. Жамият ҳаётида сиёсий ҳокимият муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг сиёсий ҳокимияти, бу ҳокимиятнинг моҳияти ва тузилишини аниқлаш, унинг жамиятда тақсимланиши ҳамда унинг механизмларини билиш сиёсатшунослик фанининг муҳим объектидир.

Политологияни сиёсий ҳокимиятни ким, қайси сиёсий ёки ижтимоий гуруҳлар томонидан қандай мақсадлар, манфаатлар ва тамойиллар тизимида амалга оширилиши кизиқтиради.

Политология фани сиёсий ҳокимият, уни амалга оширишда ўрнатилган сиёсий режим фаолияти доираси, шунингдек, муайян гуруҳлар мавқеи ва муносабати, ҳокимият камрови, уни бошқариш усуллари аниқлаб беради.

Политология фанининг ижтимоий-гуманитар фанлардаги ўрнини белгилаб берадиган назарий ва амалий шарт-шароитлар мавжуд. Бу аввало, амалий характердаги эҳтиёжлар, қолаверса, мамлакатда амалга ошаётган демократик жараёнлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, сиёсатшунослик сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда катта имкониятга эга. Сиёсий жараёнларнинг бориши, унда иштирок этаётган сиёсий кучлар, улар томонидан сиёсатнинг идрок этилиши, уларнинг мақсад ва маслаклари, ташаббуслари, фаоллик даражалари сиёсатда ўз ифодасини топади.

Политология фанининг бошқа сиёсий фанлар билан боғлиқлигини яна шу билан изоҳлаш мумкинки, у ижтимоий-сиёсий фанларда ишлаб чиқилган назарий хулосаларга, амалий тажрибаларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Масалан, миллий муносабатлар билан боғлиқ масалалар фалсафа, сиёсий тарих, сиёсий психология, сиёсий социология каби фанларда ҳам ўрганилади. Фалсафа миллатларнинг вужудга келиши ва ривожланишини умумижтимоий қонунлар асосида ўрганса, сиёсий тарихда асосий эътибор, у ёки бу сиёсий партияларнинг миллий муносабатлари соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган назарий ва амалий фаолиятини ўрганади. Социал психологияда эса, миллатларнинг кайфияти, уларнинг давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар олиб борадиган миллий сиёсатга бўлган муносабатлари ўрганилади.¹

Политологияда эса бу масала сиёсий ҳокимият ва унинг фаолияти билан боғлиқ равишда қаралади. Политология бошқа сиёсий фанлардан фарқ қилиб, давлатнинг ижтимоий муносабатларини ташкил этишдаги роли ва аҳамиятини назарий жиҳатдан асослаб беради.

1.3. Мустақиллик ва Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанининг шаклланиши ва ролининг ошиб бориши

1948 йил БМТнинг ЮНЕСКО (Маориф ва маданият, фан масалалари бўйича шуғулланувчи бўлим, 1946 йилда тузилган) ташкилоти гуманитар фанлар қаторига сиёсатшуносликни ҳам киритди. XX асрнинг 40–50- йилларида бу фан шаклланди. Шарқий Европа, АҚШ, Франция, ГФР, Югославия, Чехославакия, Венгрия, Полша, Руминия ва бошқа мамлакатларда махсус институтлар ташкил этилди, олий ўқув юрти дастурларига киритилди. Масалан, Францияда 1945-76 йилларда Бордо, Гренобл, Эксе ва

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8 –Т.: «Ўзбекистон», 2000, 504-бет.

¹ Қаранг: Рафиқов /., Содиқов А., Раҳмонов Б. Сиёсатшунослик фанидан маорוזалар матнлари. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 3–8-бетлар.

бошқа шаҳарларда махсус институтлар тузилди. Буларда бир вақтнинг ўзида студентлар ҳам ўқиб, ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб бора бошлади. Бу институтларни битириб чиққан мутахассисларнинг 20 фоизи ижтимоий секторларда, 65 фоизи корхоналарда ва бошқа соҳаларда ишлайди. 1965 йилдан Францияда 14 олий ўқув юрти фақат сиёсатшунослик соҳаси бўйича мутахассис тайёрлаб келмоқда. 1980 йилларда Франциядаги 72 олий ўқув юртидан 18 университет сиёсатшунослик соҳаси бўйича докторантура тайёрлашга ихтисослаштирилди. 1969 йилда мустақил 6-секция сиёсатшунос ўқитувчилар университети, 1971 йилдан эса Сиёсий фанлар уюшмаси университетлари ташкил топди.

1949 йилда БМТ ҳузурида Халқаро «Политология Уюшмаси» таъсис этилди. 1955 йилда эса Сиёсий фанлар совет уюшмаси тузилди. Бунга собиқ СССР аъзо бўлсада бу фанни тан олмади. Лекин сиёсатшунослик фани дунёда ва бизда ҳам шаклланиб борди. Бу соҳада 1962 йили Москвада илмий марказ ташкил этилди. 1979 йили Москвада Халқаро сиёсий фанлар уюшмасининг Бутунжаҳон XII конгресси бўлиб ўтди. Собиқ шўро мамлакатида буюк империяни сақлаб қолиш учун оддий фуқароларнинг сиёсат билан шуғулланишига ва уни ўргатишга изн берилмади. Негаки кўп миллатли давлат бўлган СССР парчаланиб кетишини олдиндан сезган.

1) Ўзбекистонда дастлаб 1969 йилда ТошДУнинг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) фалсафа факултети таркибида политологлар тайёрлана бошланди. Мустақиллик шарофати билан 1991 йили кузда олдинги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тегишли партия мактаби Политология ва бошқарув институти этиб белгиланди. 1992 йил 23 сентябрдан Ўзбекистон Президенти Фармони билан Политология ва бошқарув институти тугатилиб, унинг базасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди: халқаро алоқалар, халқаро ҳуқуқ, халқаро журналистика факултетлари сиёсатшунослик фанига катта эътибор берилди бошланди. Умуман, мамлакатимизда мустақиллик туфайли сиёсатшунослик фанига кенг йўл очилди. Бу фанни шахсан Президентимиз Ислон Каримов ўз назоратига олди.

Бугунги кунда Политология фанининг аҳамияти ва роли ўсиб бориши куйидагиларга боғлиқ.

1. Биринчидан, Республикамиз Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, жамият сиёсий ҳаётида 2 мафкуравий тузумнинг кураши ва бу курашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қаршилик барҳам топди. Аммо шундан кейин ҳам бизни қуршаб турган дунё, кўплар кутганидек, осойишта бўлиб қолгани йўқ. Ундаги можароларни сиёсий воситалар йўли билан ҳал этишга зарурият кучайиб бормоқда. Бу уни сиёсатшунослик нуқтаи назаридан атрофлича сиёсий таҳлил этиб боришни тақозо этади.

2. Иккинчидан, сиёсатда жаҳон тараққиётининг муҳим омили мамлакатлар ва халқлар манфаатларини уйғунлаштириш билан боғлиқ. Бу мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар сиёсий фаолиятини умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бораётганига қаратиш ва уларни ҳал қилишдаги бирликларни вужудга келтиришга қаратилган сиёсий қарашлар, назария ҳамда таҳлилларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ.

3. Учинчидан, ҳозирги даврда ҳар бир шахснинг сиёсат билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжини англаш, унда онгли фаолият кўрсатишга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши, мавжуд демократик жараёнлар билан белгиланади.

4. Тўртинчидан, ҳозирги замонда сиёсий жараёнларнинг тез ўзгариб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу ўзгаришларнинг дунё ҳамжамияти ва инсон манфаатлари билан уйғун бўлиши учун оқилона сиёсат олиб бориш билан бирга онгли сиёсий фаолият, сиёсатга онгли муносабатда бўлиш зарур. Бу уни атрофлича ўрганишни тақозо этади.

5. Бешинчидан, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш жамият иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда демократик ҳолатнинг олдини олиш учун унинг асосий қафолатларидан бири мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий,

маънавий ва сиёсий фаоллигини ривожлантириш давлат сиёсати даражасида уйғун бўлишидир.

Агар жамият тараққиётига «Инсоният тарихи - ғоялар тарихидир» деган тамойил асосида назар солинса, XX асрда бу жиҳатдан давлатларнинг 3 хил шакли борлигини кўрамиз:

1. Муайян ғоя ва мафкура мутлақлаштирилган (идеологизациялашган) **давлатдир.** Бунда бирон бир синф, партия ёки қатламга оид мафкура мутлақ ҳукмронлик даражасига кўтарилади, бошқа мафкура ва қарашларга йўл қўйилмайди. Ўзгача қарашдаги кишилар йўқ қилинади, уларга хос ғоя ва мафкуралар таъқиқланади. Собиқ иттифок, баъзи социалистик мамлакатлар ва фашизм ҳукмрон бўлган давлатлар бунга мисол.

2. Юқоридаги ҳолнинг халқлар ва давлатлар бошига ниҳоятда катта кулфат-лар келтиргани, фашизм ва коммунизмнинг моҳиятан бир хил, аммо бир-бирига қарама-қарши мамлакатлар ҳаётини бутунлай қамраб олгани, охир-оқибат 2-жаҳон урушини келтириб чиқаргани ғарбдаги кўпгина мамлакатларни бошқа йўлдан бо-ришга мажбур қилди. Бу йўл сиёсат ўз йўлига - ғоя ўз йўлига, мафкура ўз йўлига - давлат ўз йўлига деган қараш (**деидеологизация** - лот бекор қилиш) **асосида шаклланди.** Аммо XX аср 60-йиллари охирига келиб бу ҳам тўғри эмаслиги, ғоя ва мафкурасиз миллат, давлат ва жамият ҳаёти ҳолакатли бўлиши мумкинлиги, жамиятда умумий бир ғоявий тамойиллар лозимлиги аниқ бўлиб қолди.

3. Реидеологизация йўли - тамойили. Демократия, фикрлар ранг-баранг-лиги, виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган жамиятда қандай қилиб умумий мафкуравий тамойиллар бўлиши мумкин? деган савол пайдо бўлди. Демократик давлатларда ғоявий тараққиётнинг бу йўлида бирон-бир мафкура ҳукмрон ва давлат мафкураси даражасига кўтарилмайди. Балки давлат бу соҳада ҳам асосий ислохотчи сифатида иш юритади. Демак, Ўзбекистон ана шу реидеологизация йўлини танланди ва шу йўлдан бормоқда.

Қисқача хулосалар

Демак, қисқача шундай хулосага келиш мумкин:

1. Сиёсат ҳақидаги фан бўлган сиёсатшунослик сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабатлар, сиёсат жараёнларни жаҳон мамлакатлари мисолида атрофлича тадқиқ этади.

2. Политология фани ўз тадқиқот объекти, қонуниятлари ва категорияларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

3. Политология фани жамият ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан ҳал этиш йўллари кўрсатиб беришда, жамият аъзоларининг сиёсий онглилигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Умуман сиёсатшунослик фанининг ўқитилиш сабаблари қўйидагилардан иборат:

1) XX аср 80-йилларининг 2-ярмида бошланган қайта қуриш туфайли жамият ҳаёти сиёсатлашиб борди.

2) Ана шу сиёсатлашувда сиёсий назария, сиёсий маданият даражасининг етарли эмаслиги аён бўлди.

3) Умуммаданий, умуминсоний, умуммиллий қадриятларнинг ўсганлиги.

4) Марксча-ленинча ижтимоий фанларнинг инқирози.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Политология фани нимани ўргатади?

2. Собиқ иттифок даврида сиёсатшунослик фанини ўргатишдаги камчиликлар нималардан иборат эди?

3. Политологиянинг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни нималарда?

4. Политологиянинг қонун ва категорияларини тавсифланг.

5. Политология фани ролининг ошиб бориши сабаблари нимада?

II МАВЗУ. СИЁСІЙ ҚАРАШЛАР, ТАЪЛИМОТЛАР: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

2.1. Қадимги дунё ва ўрта асрлар даврида сиёсий фикрлар

Сиёсат – давлат ишида иштирок этиш, давлат фаолияти шакллари, вазифалари, мазмунини белгилаш, синфлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг ҳокимиятга доир муносабатлари соҳасидир. Ҳар қандай ижтимоий муаммо бирор синф, гуруҳ, қатлам, миллат манфаатлари билан тўқнаш келиб қолса сиёсий маъно касб этади. Шунинг учун ҳам сиёсий ғоялар, қарашлар, таълимотларнинг вужудга келиш жараёни жамиятдаги табақаланиш ва давлат ривожланиши билан узвий боғлиқ.

Дастлабки сиёсий-ҳуқуқий фикрлар барча халқларда, қадимги Шарқда ҳам, антик ғарбда ҳам: афсона, ривоятлар негизида шаклланган. Уларга кўра, ердаги тартиблар умумбашарий, коинот тартибларининг узвий қисми ва келиб чиқиши жиҳатидан – илоҳийдир. Ана шундай тушуниш узоқ давр мобайнида Шарқда, кейинчалик ғарбда ҳам инсонлар, улар ўртасидаги муносабатлар, азалдан белгиланганлигига асосланиб барқарор дунёқарашни шакллантирди. Бу қадимги даврдаги тузум, давлат, сиёсатга доир ифода этилган ғояларни 3 турга ажратиш мумкин:

1. Диний қараш.
2. Юридик қараш.
3. Сиёсий социологик қараш.

Буларда сиёсий ҳодисалар ҳар хил талқин этилган. қадимги Хитойда император ер юзидаги тартибларни илоҳий тартиблар билан боғлаб турувчи ягона шахс деб қаралган. Хитой императори осмоннинг ўғлигига эмас, ўз халқининг отаси ҳам ҳисобланган.

Конфуций (э.р.ав. 551-479) - таълимоти фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий фикр тарихида Сукротдан кейин муҳим роль ўйнаган. Конфуций давлатнинг **патриархал** - патерналистик концепциясини ривожлантирган. Унинг таъкид-лашича, давлат – катта оиладир. Император ҳокимияти гўё оила бошлиғи – отанинг ҳокимиятидек адолатли ва қўл остидагиларига меҳр-шафқатга асосланган. Ҳукмдор ва фуқаролар муносабати - оила аъзоларининг муносабатини эслатади: кичиклар катталар қарамоғида ва уларга итоат қилади. Конфуций одамларни ижтимоий келиб чиқишига кўра 4 қатламга ажратади:

- 1) аслзодалар (ҳар қандай билимга туғилишдан эга);
- 2) билимларга ўқиш-ўрганиш жараёнида эга бўлганлар;
- 3) билимларни қийинчилик билан ўзлаштирувчилар;
- 4) билим олишга интилдиганлар.

Шу тарика одамлар ўртасида тенгсизлик мавжудлиги ва оми одамлар, қўйи табақалар, кичиклар олий насаб аслзода, катталарга бўсунишлари зарурлиги белгилаб берилади. Ҳокимият оқсуяклар қўлида тўпланиши лозимлигига асосланади. Конфуций ҳокимиятнинг адолат ва меҳр-шафқатга асосланиши, фуқаролар эса исёнлардан ўзларини тийишларини уқтиради. Бошқариш – ҳаммани жой-жойига қўйиш демакдир². Давлат ҳокимияти халқ ишончисиз мавжуд бўла олмайди, аммо ҳукмдорлар ҳаммага ўрнак бўлишлари лозим. Конфуций таълимотига кўра «Ҳукмдор халқни ўз фарзандидек севиши, фуқаролар эса ҳукмдорни ўз отасидек ҳурмат қилиб, эъзозлаши лозим» дейилади. Одамларнинг «нажиб» ва паст кишиларга бўлинишини ўзгартириб бўлмайди дейилган. Бу таълимот Хитойда кўп асрлар ҳукмрон идеология бўлиб хизмат қилиб келди.

Қадимги Мисрда эса аллоҳ - ҳукмдор ҳокимиятнинг илк манбаи сифатида қаралган. Ерда ҳам унинг таъсири худди шундай сақланиб қолган. Бу ўзига хос пирамидага қиёс этилган, унинг учи худо ва унинг сайлаб қўйган фиръавнлари, асоси эса оддий халқ деб қаралган. Улар ўртасида руҳонийлар ва задагонлар турган. Жамият ва

² Юсупова Г.Х., Бугаева Г.А. Сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Политология курси бййича маърузалар матни. 1-қисм. Тошкент: ЎЗМУ, 2000, 7–14-бетлар.

давлатнинг хулқ-атвори инсоннинг кўпроқ қайси тоифага тегишлилиги билан белгиланган.

қадимги Ҳиндистонда ҳам жамият ва давлатнинг келиб чиқиши илоҳий, мавжуд тартиб ва қоидалар ҳам шу асосда ўрнатилган, деган ғоялар мавжуд бўлган.

Умуман, дастлабки сиёсий таълимотлар юзага келишида «Авесто» бизга бой маълумотлар беради. Шунингдек, 1) Тўмарис (э.ав. 530–520 йилларда массагет қабиаларига ҳукмронлик қилган); 2) Широқ (э.ав. 509); 3) Спитамен (э.ав. 329–327 йилларда Александр Македон қўшинларига қарши курашган, VII-VI асрлар) ва бошқа афсона ва ривоятларда, халқ қаҳромони эпосларида билдирилган сиёсий фикрлар катта роль ўйнаган.

Сиёсий фикрлар тарихида диний анъаналарнинг энг классик кўриниши Августин (Шимолий Африка, 354–430) сиймосида ўз ифодасини топган. Христиан черковига ҳос белгилар унинг давлатдан устун туришига асосланган. «Черковга бўйсунмаган давлат қасоскорлар тўдасидан фарқ қилмайди» деган ғоя илгари сурилади. Инсонларни эса «илоҳий одам», «ердаги одам»га бўлади.

Антик давр сиёсий фикри Шарқ ғояларини ўзига сингдириб, кейинчалик ривожланган ғарб давлатчилигидаги барча дунёқараш ва мафкураларнинг куртакларини ундирган замин бўлди. Сиёсий фикр афсона ва ривоятлар қобиғидан чиқиб, жамият масалаларини фалсафий талқин қилишга интилди. Демократия антик даврларда тўлиқ намоён бўлиб, аста-секин инсоният ижтимоий-сиёсий қадриятлари ҳазинасидан жой олди.

Антик ғарбдаги сиёсий қарашлар. Феодализм ва капитализмгача бўлган сиёсий қарашларда қадимги файласуфларнинг роли муҳим аҳамиятга эга.

1) Платон - Афлотун (э.ав. 427–347) қадимги юнон файласуфи. Унинг жамият тўғрисидаги фикрларининг қиймати шундаки, у ҳокимият, хусусан давлат ҳокимияти масалалари соҳасида илгари сурган айрим қарашлари бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Сиёсатда («Давлат», «Сиёсатчи», «Қонунлар», «Софист» асарларида) давлат тузилишини 3 табақага ажратади:

- а) давлатни файласуфлар бошқариши керак;
- б) ҳарбийлар давлатни урушлардан ҳимоя қилиши керак;
- в) деҳқон ва қосиблар моддий жиҳатдан таъмин қилиб туришлари керак, дейди.

Платон давлат бошқарувининг 3 шакли, турини кўрсатади:

а) монархия – бир киши ҳокимияти, қонуний ва ноқонуний (тирания) бўлиши керак;

б) демократия – ҳамманинг ҳокимияти, у ҳам қонуний ва ноқонуний бўлиши мумкин;

в) аристократия – озчилик ҳокимияти, баркамол ёки зўрлик асосида қурилган бўлиши мумкин.

Платон «Пифагор» диалогидида давлат бошқарув санъати ҳақида фикр юритади. Давлатни фақат билимдон одамларгина бошқариши мумкин. Адолат – бу ўз ишини малакали, сидқидилдан бажаришдир. Платоннинг «қонунлар» китобида давлат ҳокимиятига чекланмаган назоратсизлик ҳолатини беради. «Республика» асарида коллективизм тушунчасини биринчи бор назарий асослади ва утопик жамият ҳақидаги тушунчалар билан бойитди.

2) Аристотель (Арасту) – (м.а. 384–322) қадимги юнон файласуфи, А. Македонский тарбиячиси. У кишиларни 3 табақага ажратади. Унинг «Сиёсат», «Этика», «Риторика» асарлари мавжуд.

- а) Энг бой табақа.
- б) Ўртача бой табақа.
- в) Энг камбағал табақа.

Шунга кўра одамларнинг ахлоқий фазилатларини 3 турга ажратади. Булардан энг бой ва ўрта табақа энг гўзал фазилатларга эга, камбағал кишиларда ахлоқий фазилатлар йўқ, дейди у.

Давлат – кулдорлар синфининг ўрта табақасида бўлиши лозим. У давлат бошқарувини уч туркумга ажратади:

а) Монархия, акси - тирания.

б) Аристократия, акси – олигархия.

в) Полития, акси - демократия.

Арасту халқни икки йўл билан бошқариш мумкин дейди: 1) қўрқув уруғини сочиб; 2) меҳр-муҳаббат қозониб.

Арасту унинг фикрича, ҳаддан ташқари демократия ҳам бузилган демократиядир. Унинг «Сиёсат» асаридаги қуйидаги саволлари диққатга лойиқ: қайси ҳокимият афзалроқ; баркамол инсонлар ҳокимиятими ёки баркамол қонунлар ҳокимиятими? XVII асрда бу саволга Ш.Л.Монтескье «баркамол қонунлар ҳокимияти» деб жавоб берган эди.

Ўрта асрлар давридаги сиёсий қарашлар. Шарқ мутафаккирлари ўз қарашларида кўпроқ сиёсатнинг ижтимоий ва ахлоқий, маънавий қирраларини ёритганлар. Инсон, у учун муносиб моддий ва маънавий шароитларни яратиш контекстида олиб қаралган.

1) Абу Наср Форобий (873-950) «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари» асарида давлатнинг келиб чиқишини одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган истаги билан боғлайди. Давлатни яхши фазилатли, маърифатли ҳукмдор бошқариши лозим. Давлатнинг зўравонлик ва бебошликка қурилиши қораланади. Ўрта асрларда Форобий биринчилардан бўлиб, жамият ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт таркибини жиддий ўрганиш масаласини қўйди. Ижтимоий ҳаётни ўрганиш соҳасида Форобий бир қатор масалаларни белгилаб берди. Форобийнинг 160 га яқин асари бор. Бевосита сиёсатга оид «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида рисола», «Фуқаролик сиёсати», «Бахтга эришув ҳақида», «Давлат арбобининг афоризмлари», «Намунали шаҳар» асарлари бор. У идеал жамият тузилишини, яъни фазилатли шаҳар аҳолисини беш қисмга бўлади:

а) Файласуфлар – (фозил кишилар - муносиброқ одамлар);

б) нотиклар (ширинсухан кишилар, машшоқ, шоир, ёзувчи, дин хизматчилари.);

в) ўлчовчи (мутахассислар: ҳисобчи, ҳакам, муҳандис);

г) қўриқчилар (жангчилар, посбон, ҳуқуқ тарғиботчилари);

д) бойлар (хўжалик ишлари билан шуғулланувчилар, чорвадорлар, савдогарлар).

Давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари керак. Шундай бошқарув кишиларни бахтга, тинчликка олиб боради. Бундай давлатда бошқарув адолатлидир. Аксинча бахтсизлик, уруш ва қирғинларга олиб борадиган бошқарув адолатсиздир. Бошқарув санъати икки қисмдан иборат:

1) назарий (бошқарувнинг асосий усули ва қонун ҳақида билим);

2) амалий (давлатни идора қилиш).

Ақлли деб шундай кишиларга айтамызки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилатли, яхши ишларни амалга оширадиган, ёмон ишлардан ўзини сақлайдиган инсонлардир.

Форобий давлатнинг келиб чиқишини илоҳиётдан эмас, балки мавжуд жамиятдан излаш кераклигини айтади. Форобий жамоани катта - кичиклигига қараб уч турга бўлади:

1) Буюк жамоа – дунёдаги барча халқларнинг бирлашуви.

2) Ўрта жамоа – бир халқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа.

3) Кичик жамоа – алоҳида бир шаҳар давлатини бирлаштирувчи жамоа.

Одамларнинг энг такомиллашган жамоаси – бу шаҳар давлатидир. қишлоқлар шаҳарлардан кейин турувчи ва шаҳарларни озиқ-овқат билан таъминловчи жамоалар ҳисобланади. Форобий шаҳар давлатини икки тоифага бўлади:

1) Ал-Мадина ал-Фозила; 2) Ал-Мадина ал-Жоҳилия.

Агар барча шаҳар аҳолиси ўзаро биргаликда, иттифокда яшаб, бир-бирларига ёрдам кўрсатсалар бундай шаҳарлар фазилатлидир. Барча халқлар тинч-тотув ва дўстлик асосида яшаса, ер юзида тинчлик бўлади.

Форобий асарларида давлат атамаси ишлатилмайди. Аммо шаҳар жамоалари деганда шаҳар-давлатларни назарда тутаяди. Давлатнинг келиб чиқишини Форобий

одамларнинг жамоа бўлиб яшаш эҳтиёжларидан деб билади. У давлатнинг асосий вазифасини иккига бўлади:

1. Давлатнинг ички вазифаси фуқаронинг бахтли ҳаётини таъминлаш.
2. Ташқи вазифаси ўз аҳолисини ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиш.

Форобий урушларнинг икки хилини айтади:

1. Адолатли урушлар (Адолатсиз урушга қарши олиб борилади).
2. Адолатсиз урушлар (Босқинчилик урушлари).

Форобий давлат шакли масаласига ҳам тўхталади. Тахт отадан болага мерос бўлиб ўтишини қоралайди. Давлат бошлиғи ўз лавозимига мансуб бўлган шахс бўлишини ёқлайди. Унинг фикрича, давлат бошлиғи ҳар томонлама етук бўлиши керак. Форобий ана шу якка ҳокимлик тўғрисида гапирар экан, унинг олдида 12 талабни қўяди. Булар: 1) тўрт мучали соғлом; 2) нозик фаросатли; 3) хотирали; 4) зеҳни ўткир, зукко; 5) фикри тиник, сўзлари чиройли; 6) маърифатли; 7) тамоқ, ичимлик, аёлларга нисбатан очофат бўлмаслиги; 8) ҳақиқатгўй; 9) номусли, ориятли, олийҳиммат бўлиши; 10) бойликка қизиқмайдиган; 11) адолатпарвар; 12) ботир, яъни қўрқоқлик ва ҳадиксирашдан холи бўлиши даркор. Форобий мана шу барча хислатларнинг бир одамда бўлиши қийин, бундай туғма қобилият камдан кам одамларда учрайди ва улар нодир инсонлардир. Баркамол инсон топилмай қолса, унда юқоридаги фазилатлардан 6 ёки 5 таси камол топган инсон ҳам ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шахрига раҳбарлик қила олади, дейди. Фозиллар шахрида бундай одам йўқ бўлганда ана шу имом ёки унинг издошлари чиқарган қонун ва тартибларга амал қилинади. Аввалги имом ўрнига келган кейинги раҳбарда ҳам юқорида айтилган хислатлар ёшлиқдан шаклланган бўлиши лозим. Кейинги имомда яна 6 та фазилат ҳосил қилиниши зарур: 1) донишмандлик; 2) кучли хотира; 3) янги қонунларни ихтиро қилиш; 4) вазиятни тез илғаб оладиган; 5) нотиклик; 6) ҳарбий ишларга моҳирлик, раҳбарлик қилиш. Шу хислатларга эга бўлган шахс топилмаса, 2 киши бирлашиб фозил шахарга раҳбарлик қилиши лозим, дейди.

2) Абу Райхон Беруний (973-1048) - тарихчи, қомусий олим. ғарбда, Францияда уни Алибарон номи билан тилга олишади. «Ҳиндистон» (1031), «Геодезия», «Минералогия», «Ёдгорликлар» каби асарларида исломгача бўлган давр маданияти, маънавий ҳаётини ақс эттирган, зўрлик, босқинчиликни қоралаган. Одамлар ижтимоий адолатли тартиб ўрнатиш учун давлатга бирлашадилар. Давлат шакли – мамлакатни шоҳлар – мутлақ ҳокимлик эмас, балки маърифатпарвар шоҳлар бошқарсин, дейди. Шоҳлар ва қонунлар инсон учун хизмат қилиши керак, уни босқинчилардан ҳимоя қилиши лозим. Инсон фақат ўзи учун яшамаслиги керак, у умумбашарий борлик эканлигини эътироф этади. Беруний: «Юнон файласуфлари авом халқ учун эмас, балки юқори табақалар учун усул ва қоидалар ишлаб чиққанлар». «Давлатни бошқариш, – дейди Беруний, – жабрланувчилар ҳуқуқини зўравонлардан ҳимоя қилиш, бошқарилувчи халқ тинчлигини сақлаш учун ўз тинчлигидан воз кечиш демакдир». У адолатли ҳукмдорнинг асосий вазифаси кучли ва кучсизлар ўртасида тенглик, юқори ва паст даражадагилар орасида адолат ўрнатишдан иборат деб билади.

Йирик ҳинд давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида ёзади: «Беруний ҳинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби фактик материалларни қамраб олиши билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, ўз илм аҳли ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради».

Берунийнинг «Оқ кийимлилар ва қарматийлар тарихи», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Қуёш ҳаракатини аниқлаш йўллари», «Қонуни Масъудий», «Сайдана» каби асарлари ҳам мавжуд.

3. Ибн Сино (1080-1137) – жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган қомусий олим. Авиценна туфайли Франция – Ғарб Аристотель асарларини ўрганди. 200 дан зиёд асар қолдирган. «Тиб қонунлари» ўша даврдаёқ тезда лотин тилига таржима қилиниб, Европа, қатор Шарқ мамлакатларида дарслик бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, унинг

«Нажот китоби», «Донишмандлик китоби», «Ишорат ва танбеҳ» асарлари муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий қарашларида Ибн Сино идеал ҷамият аҳолисида кишиларни бажарадиган вазифасига кўра уч табақага бўлади:

- 1) бошқарувчилар – маъмурий ишлар билан шуғулланувчилар;
- 2) меҳнаткашлар – ишлаб чиқарувчилар;
- 3) ҳарбийлар – жангчилар.

Давлатсиз қонун-қоидалар бўлмайди. Агар одамлар фақат шоҳу султонлардан ёки оддий меҳнаткашлардан иборат бўлса, барчалари ҳалок бўлади. У моддий тенгликни эътироф этади, лекин одамларнинг бойиб кетишлари тарафдори, ҳамма аъзолари учун бир хил бўлган қонун ўрнатилган ҷамиятда адолатсизлик бўлмайди. Адолатсиз кишилар жазога лойиқдирлар. Агар ҳукмдорнинг ўзи адолатсиз бўлса, унга қарши қўзғалишни оқламоқ керак, дейди у.

4. Низомулмулк (Абу Али Ҳасан ибн али Исроқ Низомулмулк – 1017-1092) – Шарқ давлатшунослигининг асосчиларидан бири. У ўзининг «Сиёсатнома» (ёки Сияр ул-мулк) асари билан ўчмас из қолдирган. Эрон шоҳларидан Алпарслон ва кейинчалик Маликшоҳ Салжук салтанатида 30 йилга яқин бош вазир бўлиб ишлаган. Машҳур Исфаҳон расадхонаси унинг маблағи ҳисобига қурилган. «Сиёсатнома» асарида шоҳ, қози, вазир, навқарбоши, элчи, ҳазинабон, сарой амалдорлари, бош қўмондон, лашқарбошилар, девонбеги ҳамда бошқаларнинг вазифалари, ҳунармандлар, савдогарлар, кенг халқ оммаси билан муносабат, қўшин ва қуро-яроғни сақлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, фуқароларнинг арз-додини эшитиш, солиқларни тартибга солиш, унинг ундирилишини назорат қилиш, мамлакат бутунлиги, давлатнинг адлу инсофи, ҳиммат, эҳсон, тўғрилиқ, ҳайрихоҳлик, маърифатпарварлик, инсонпарварлик, раиятпарварлик ҳақида 50 фаслда адолатпеша сиёсатдон сифатида фикр юритади. Ҳатто у айрим ҳикоялари орқали амалдорларни хусусий ишларда, қуллари, хизматкорларини жазолашда ҳам қонунга риоя қилишни уқтирган.

5. Амир Темури (1336-1405) – XIV асрда буюк теурийлар давлатига асос солди. У давлат бошқарувида ўзидан аввал ўтган ҳукмдорлардан фарқ қилиб, давлат ва мамлакатни бошқаришда бир ё икки табақага эмас, балки аҳолининг барча табақаларига суянди. Улар: 1) саййидлар; фозил кишилар; 2) ишнинг кўзини биладиган донишманд кишилар; 3) ҳудожўй, дарвеш, қаландарлар; 4) нўёнлар; 5) сипоҳ ва раият; 6) ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиблар; 8) ҳокимлар, табиблар; 9) тафсир ва ҳадис олимлари; 10) аҳли санъат; 11) сўфийлар; 12) тужжор (савдогар)лар.

Амир Темури эл-юртни ўз тасарруфида ва итоатда тутиш учун 12 тузук тутди. Давлат ишларини 4 омилга боғлаб олиб борди:

1. Салтанат.
2. Ҳазина.
3. қўшин (сипоҳ).
4. Раият (қора халқ).

Амир Темури ўз улкан империясини улус-улус қилиб идора қилган. Моварауннаҳрдан бошқа барча ўлка ва мамлакатларни у 4 улусга бўлди:

1. Қобул, Ғазна ва Қандаҳорни то Син дарёсигача бўлган ерлар билан қўшиб ва 12 минг кишилик қўшин билан тўнғич ўғли амирзода Жаҳонгирга берди. Унинг вафотидан кейин эса (1376) у вилоятларга Балх мамлакатини ҳам қўшиб, Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга инъом қилди.

2. Иккинчи ўғли Умаршайх мирзога Фарғона ўлкаси, сўнг 1393 йили Форс вилоятини берди. Фарғонага уни 10 минг кишилик қўшин билан жўнатди.

3. Учинчи ўғли амирзода Мироншоҳни эса 1380 йили унга 10 минг кишилик қўшин билан Хуросон мамлакатига тайинлади. 1383 йили эса унга ғарбий Ироқ ва Озарбайжонни (маркази Табриз) улус қилиб берди.

4. Хуросонга эса ўша йили (1383) кенжа ўғли амирзода Шохруҳни тайин қилди. Ва 8 минг кишилиқ кўшин билан Ҳиротга жўнатди.

5. Амир Темур салтанатни бошқаришда кенгаш, машварат (маслаҳатлашиш) ва маслаҳатга алоҳида эътибор берган.

Кенгаш – бу яқин ишончли одамлар билан муҳим давлат ишлари юзасидан қилинадиган маслаҳат, йиғилиш. **Машварат** – эса машойих, уламо, фузало, вузаро ва бошқа аркони давлатни тўплаб қилинадиган йиғилиш. «Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса-да, – дейди у, – акли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозим». «Давлат ишларининг 9 улушини, – дейди у, – кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир улушини қилич билан ҳал қилдим». «Тажрибамдан билдимки, кенгаш 2 турли бўлади: Бири тил учида айтилгани, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жо этардим».

6) Алишер Навоий (1441-1501) – XV аср мутафаккири ижодида бир қатор муҳим фикрларни учратамиз. Навоий халққа нисбатан адолатсизлик ва ёвузликни қоралайди. Марказлашган кучли подшолик ҳокимиятини ёқлаб чиқади. Негаки, кучсиз шоҳ порахўр қозилар, зўравон ва таъмагир амалдорларга йўл очиб беради. Кучли шоҳ ҳокимиятида фақат муносиб баркамол шахслар ўрин олади. Зулм учун золимнинг ўзи жавоб беради, негаки, кўмир ташиганнынг кўли қорадир. Инсонлар маънавий камолотга интилишлари лозим. Бунинг асосий шарти эса, А. Навоий фикрича, ҳалол меҳнатдир.

А.Навоий сиёсий ғояларини «Садди Искандарий» достонида асослаб берган. Унда ижтимоий адолатли тузум ғоясини адолатли шоҳ тимсолида баён қилган. Навоий бу муаммони адолатли шоҳ – адолатли давлат – адолатли қонунлар – адолатли тартиб сифатида поэтик тасвирлаган³. Шунингдек, даҳо шоир турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасидаги оқилона, маърифатга асосланган муносабатлар ижтимоий барқарорликка олиб келишини гўзал тимсоллар орқали куйлаган.

Навоий сиёсий қарашларида кўпроқ адолатли қонунларга асосланган маърифатли шоҳ ҳокимиятини орзу қилиб, уни Ҳусайн Бойқаро давридаги вазирлик фаолиятида амалга оширишга уринади. Навоийнинг бу каби илғор сиёсий қарашлари кейинчалик Бобурнинг давлат фаолиятида ва унинг бутун дунёга машҳур «Бобурнома» асарида янада бойитилди.

2.2. XVII–XX асрлардаги сиёсий қарашлар

Уйғониш даври, унинг ғоялари инсоният тарихидаги туб бурилиш палласидир. Инсон кадр-қиммати, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон учун муносиб ҳаёт яратиш ғоялари айнан ғарб мамлакатларида уларнинг давлатчилиги ва сиёсат соҳасидаги амалий изланишлари давомида вақт чиғириғидан ўтиб, реал воқеликка айланди. Ушбу давр сиёсатчилари ва олимларидан энг йирикларини баён этамиз:

1. Никола Макиавелли (1469-1527) – италиялик. Кўп йиллар давлат ишларида ишлаган. «Ҳукмдор», «Флоренция тарихи» асарларини ёзди. Унинг фикрича, «Давлатнинг ўзи инсон бўлиб, унга хизмат қилишнинг ўзи ҳам инсон ҳаётининг асл мақсади, туб моҳияти ва эзгу бахт-саодатини таъминлайди». Давлатнинг одамларни тарбия қилиш вазифасини адо этишни шу пайтга қадар бўлиб келганидек, дин арбоблари кўлида қолдириш эмас, балки давлат елкасига юклатиб қўйиш зарур. Унинг сиёсий орзуси қадимги Рим республикасига айнан тўғри келадиган давлат тизимини қарор топтиришдир. «Давлат – доимий равишда ўзгариб турувчи сиёсий ташкилот». Давлатнинг вужудга келиши қарама-қарши кучлар ҳаракатининг натижасидир, дейди. Макиавелли давлатнинг энг яхши бўлган **республика** шаклини ҳимоя қилиб, давлатни идора қилиш, қаттиқ интизом ўрнатишда яқка ҳокимлик зарурдир. Зўрлик қилмасдан туриб, у эски тартибларни ўзгартириш мумкин эмас, дейди. Яна у давлат ишини черков иши билан қўшмаслик керак,

³ Политология. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002, 31–32-бетлар.

черковни давлатдан ажратиш лозим, дейди. Демак, у давлатчиликнинг **монархиядан республикага** томон ривожланишини олдиндан айтиб берган.

2. Жан Боден (1530-1596) – франциялик. Унинг фикрича, давлат фақат монархия шаклида бўлиши керак. У давлат манфаатлари дин манфаатларидан устунлигини таъкидлайди. Жамиятда виждон эркинлиги қарор топиб, бирор дин қувғинда бўлмасин давлат асосини оила ташкил этади. Давлат – оиланинг муаммоларини ҳал қилувчи, хусусий мулкка асосланган ижтимоий мулкни сақловчи иттифокдир. Мулккий тенгсизлик табиий ва зарурийдир. Давлат ижтимоий масалалар устидан ҳуқуқий ҳокимиятга эга. Унинг ҳокимияти ҳал қилувчидир. **Монарх** – ҳукмдор ҳуқуқ суверенитетининг ягона мутлақ манбаи.

3. Томас Гоббс - (1588-1679) – инглиз файласуфи. «Табиий ва сиёсий қонунлардан парчалар» ва «Фуқаро тўғрисида» китобларида фуқаролар урушлари сабабларини ва уларнинг олдини олиш йўллариини англаш воситаси сифатида биринчи ўринга қўяди. Давлатни эса у худо томонидан эмас, балки унинг бандалари – одамлар томонидан ўрнатилган «сунъий жисм» сифатида баҳолайди. Давлат ва ҳукмрон шахснинг 2 муқаддас бурчи мавжуд:

- 1) Халқ фаровонлигини таъминлаш.
- 2) Мамлакат тинчлигини муҳофиза қилишдир.

Т.Гоббс фуқаролар урушининг олдини олиш учун буржуа диктатураси зарурлигини исботлашга уринади. Давлат ўзида жамланган ягона идора воситасида тинчликни сақлаши, табиий қонунлар бажарилишини таъминлаши, тартибни сақлаши, ҳунармандчиликни ривожлантириши, инсонларнинг диний, маънавий, ахлоқий қарашларига ҳам таъсир этиши керак бўлади.

4. Шарль Луи Монтескье (1689–1755) – франциялик файласуф, тарихчи олим. «қонунлар руҳи тўғрисида», «Форс хатлари», «Румликлар буюклиги ва инқироzi сабаблари тўғрисида» асарлари муаллифи. У «қонунлар руҳи тўғрисида»ги асарида сиёсий-тарихий жараёнларни диний-руҳий талқин қилишга қарши чиқди. Унинг фикрича, иқлим, замин ва замин усти ҳолати халқлар руҳининг шаклланиши ҳамда ижтимоий тараққиёт табиатини белгилаб беради. У мустабид феодал сиёсий ҳукмронлик тизимини аёвсиз танқид қилади. Католик черковининг дунёвий ҳукмронлик қилишга уринишини қоралайди. Шу билан бирга диннинг асосий вазифаларини кўрсатиб беради. Табиий қонунлар жамият вужудга келишидан аввал мавжуд бўлган, қонунлар давлатнинг турига (республика, монархия, деспотия) боғлиқ, бошқарувни эса ижтимоий-иқтисодий, географик ва иқлим каби омиллар белгилайди. «Агар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар бир шахсда ёки бир ташкилотда мужассамлашса, эркинлик бўлмайди. Негаки, бу монарх ёки сенат золим қонунлар яратиб, уларни зулм қилиш учун қўллаши мумкинлиги хавфи мавжуд бўлади. Эркинлик суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан ажратилмаганда ҳам бўлмайди. Агар бирор шахс ёки бирор ташкилот шу учала ҳокимиятни якка ўзида тўпласа, ҳамма нарса ҳалок бўлар эди...»

5. Жан Жак Руссо (1712–1778) – француз файласуфи, социологи, маърифатпарвари. «Одамлар ўртасида тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари тўғрисида мулоҳазалар», «Ижтимоий битим», «Эмилр ёки тарбия тўғрисида» асарлари бор. У буржуа демократияси, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва тенглик ғояларини тарғиб қилган. Тенгсизлик сабаби хусусий мулкдир. Ижтимоий тенгсизликка эркинлик ва ҳуқуқлар тенглигини қарши қўяди. Халқ иродасининг суверенлиги ва бўлинмаслигини тарғиб қилган.

6. Жон Локк (1632-1704) – англиялик. Ўзининг «Бошқариш тўғрисида икки мажмуа» асарининг 1-қисмида қироллик ҳокимияти илоҳий асосда эканлигини айтиб танқид қилади. Англияда 1688-89 йилларда давлат тўнтаришидан кейин ижтимоий-сиёсий тузумни кўради. Унинг фикрича, қонунлар шахс эркинлигини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришнинг зарур шартидир. «қаердаки қонунлар бўлмаса, у ерда

эркинлик бўлмайди». У кишиларни ягона мақсад учун курашишга бирлаштирган давлат сиёсий ҳокимиятини кишилар воситасида амалга оширмоғи лозим», дейди .

7. Томас Мор (1478–1535) – Инглиз ёзувчиси ва давлат арбоби. «Утопия» китобида ҳаёлий Орол аҳолиси яратган тузум ижтимоий-сиёсий тузумлардан энг афзали, энг инсонпарвари, энг демократлашган, энг ақлли, интизом ва эркинлик, тартибот, ташаббускорлик, меҳнат ва роҳат жамиятини тасвирлайди. Хусусий мулкчиликни, тенгсизлик ва адолатсизликнинг асосий сабабчиси сифатида инкор этади. У эрксевар руҳи учун қатл этилади.

8. Томаззо Кампанелла (1568–1639) – Италиялик файласуф, шоир, сиёсий арбоб. У «куёш шаҳри» китобида коммунистик жамиятни тарғиб қилади. Бу фикрларни у тагин «Мессия подшолиги» асарида янада ривожлантиради. Диний подшолик муқаррарлиги ҳаёли билан бойитилади... Меҳнат қилиш барча учун баробар ва 4 соатдан ошмаслиги лозим дейди.

9. Томас Пейни (1737–1809) – Америкалик. У биринчидан тинчлик ғояси моҳиятини тушунтириб берса, иккинчидан урушга қарши тинчлик учун кураш олиб бориш зарур дейди. У Англиянинг шимолий Америкадаги мустамлакачилик сиёсатини қоралайди, Америка халқининг инглиз босқинчиларига қарши курашини инқилобий ҳаракат деб билади. «Уруш сиёсати халқнинг ғзабини кўзғатади ва инқилобга олиб келади» дейди. Унинг «Оқил фикр» тазкирасида подшолик давлати тузилишини қатъий қоралайди ҳамда Буюк Британиянинг шимолий Америкадаги мустамлака ўлкаларини ундан ажратиб мустақиллик бериш зарур эканлиги»ни исботлашга уринади. «Инсон ҳуқуқлари» асарида инқилоб қилиш ҳуқуқини унинг бош, етакчи, асосий ҳуқуқи сифатида таърифлайди.

10. Томас Жефферсон (1743–1826) – америкалик. У ўзининг сиёсий қарашларида монархия бошқарувини рад этиб, демократик сайловларга асосланган республика бошқарувини қўллаб-қувватлайди. 1776 йилда «АҚШ мустақиллиги баёноти»да ўз сиёсий қарашини шундай ёзади: «...ҳамма одамлар тенг қилиб яратилганлар ва уларнинг ҳаммалари ўзларини яратувчи томонидан (туғма ҳамда ажралмас) шак-шубҳасиз ҳуқуқлар билан инъомланганлар, бундай ҳуқуқлар қаторига ҳаёт, эркинлик ва бахт-саодатга интилиш киради».

11. Адам Смит (1723–1790) – инглиз иқтисодчиси ва файласуфи. У ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақида тадқиқот» асарида шундай ёзади: «Буюк миллатлар хусусий шахсларнинг хўжасизлиги туфайли ҳеч қачон камбағаллашмайдилар, балки улар кўп ҳолларда давлат ҳокимиятининг хўжасизлиги ва нодонлиги туфайли камбағаллашадилар». Яна у ёзади: «Мулкка эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этилган инсон фақатгина иложи борица кўпроқ ейиш ва иложи борица камрок ишлашга манфаатдор бўлиши мумкин».

12. Э. Беркка (1729–1797) – Англия консерватори сифатида табиий ҳуқуқларни тан олмаслик ғояси хосдир. Унингча, давлат ва жамият инсоннинг ихтироси эмас, балки табиий ривожланишининг натижасидир. Давлатнинг асосий вазифаси тартиб ва қонунни сақлашдан иборат. У ҳокимиятнинг вакиллик шаклини қўллаб чиқади.

13. А. Токвиль (1805–1858) – «Америкадаги демократия» номли асарида ўзига хос либерал сиёсий назарияни яратди. Уни сиёсий тенглик билан сиёсий эркинлик ўртасидаги муносабат кўпроқ ўйлатади. Сиёсий апатия – сиёсий марказлашув ва ижтимоий бўйсундиришнинг бошланишидир, деб ҳисоблайди. Демократиянинг ижобий ва салбий жиҳатлари бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритади.

Собиқ коммунистик мафкура асосчилари «миллий озодлик ҳаракатлари»ни қўллаган бўлса-да, амалда халқларнинг озодлигини бўғишга қаратилган назарияни яратган эдилар. Шарқда миллий озодлик кураши ўз тарихий илдизларини ўрганишнинг бошланиши билан характерланади. Масалан, **М.Ганди (1869–1948)**, **М. Иқбол (1877–1938)** асарлари нутқ ва чиқишлари Шарқ халқларини уйғотишга даъват этадиган, уларни мустақилликка ундайдиган сиёсий ғоялари билан ажралиб туради. Масалан, М. Ганди (Ҳиндистон)

инглизларнинг урф-одатлари, саноати ютуқлари асосида содир бўлган эрксизлик, карамликка нисбатан бойкот эълон қилди. Халқни маърифий йўл билан мустақил бўлишга чорлайди. **Гандизм** унинг номи билан боғлиқ бўлиб, озодлик учун курашда куч ишлатмаслик тамойилига асосланади. Мустамлакачи ҳокимиятга қарши, ўзаро зиддиятли ҳолатларни ён беришлар, мурося ва консенсус асосида ҳал этишга ундайди. Сиёсатни ахлоқ билан боғлиқ ҳолда талқин этади.

Толстойчилик қарашлари Л.Н.Толстойнинг «Тавба», «Менинг этикодими нимада» «Крейцер сонатаси» асарларида баён қилинган бўлиб, катта ер эгаллиги ва миршаблик давлат ҳокимияти ўрнида озод, тенг ҳуқуқли деҳқонлар уюшмасини яратиш зарурлиги ғоясини илгари суради. Бу таълимотнинг асосий мазмунини жамият сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартириш учун барча одамлар ўртасида меҳр-шафқат муносабатларини ўрнатиш, зулмга қарши куч ишлатмаслик, диний ва маънавий-ахлоқий камолот, солиқлар тўлашдан ва ҳарбий хизматдан бош тортиш ташкил этади. Толстойчиликнинг кенг оммага таъсир кучи бўлганлигини фаҳмлаган чор Россияси сиёсий ҳокимият идоралари кўп ҳолларда черков фатвоси билан унинг тарафдорларини мунтазам таъқиб этганлар ва Сибирга сургун қилганлар.

Бу даврдаги сиёсий қарашларда давлат ва халқлар мустақиллиги, эркинлик, демократия учун ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик ғоялари илгари сурилади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиёдаги маърифий-сиёсий таълимотлар. Бу даврнинг кўзга кўринган шахслари:

1. Огаҳий (1809–1874). Унинг сиёсий қарашлари таржима ва асарларида баён этилди. 19 асарни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. «Юсуф ва Зулайҳа», «Шоҳу гадо» дostonларини ўгирган. 1999 йил декабрида Урганч шаҳрида Огаҳийнинг 190 йиллиги кенг нишонланди. Огаҳийнинг сиёсий қарашларида 2 тенденция мавжуд:

1) Давлатни бошқариш масаласида маърифатпарварлик, инсонпарварлик, демократик қарашлар илгари сурилади.

2) Масалани бир томонлама ҳал қилиб, топиш қийин бўлган идеал маърифатпарвар шахс роли баҳоланади.

2. Аҳмад Дониш (1827–1897)нинг сиёсий қарашлари Бухоро амирлиги давридаги сиёсий тартиблар, ҳаракатлар, давлат бошқаруви ва тузилиши моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. У Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий қарашлари билан Россияни таққослайди. Бу фарқ давлат бошқарувида катта эканлигини баён этади. У ўзи тузган лойиҳада давлат бир гуруҳ кишиларга эмас, балки бутун халқ манфаатига хизмат қилиши керак. Ҳукмдор мамлакатни идора қилишда давлат арбоблари билан маслаҳатлашиб иш қилиши лозим. Ҳукмдор улар гапига кулоқ солиши керак. Чунки бир киши ақлидан кўпчилик ақли устун бўлади. «Кимки ақлсиз бўлса, у одил ҳам эмас... ақл ва давлатни бир-биридан ажратиб бўлмайди, ақлсиз одамлар мамлакатни идора қила олмайдилар» дейди. Аҳмад Дониш сиёсий қарашлари Бухоро амирига ёкмади, у саройдан четлаштирилди.

3. Бердақ (1827–1900) – қорақалпоқ шоири ва мутафаккири. У ўз сиёсий қарашларида Хива хонлиги маъмурий сиёсий идора усулини фoш қилди. Хива хонлиги феодал монархиядан иборат бўлиб, давлат тепасида қўнғирот уруғига мансуб бўлган хон туради. Хон чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, давлат бошқаруви отадан болага мерос бўлиб ўтаверади. Олий давлат бошқаруви, маъмурий лавозимдагилар хоннинг қариндош-уруғлари эди, у судлов ишларида қонунсизликни кўрди. Аҳоли тирикчилиги ер билан, лекин ер хон қўлида, амалдорларга қарашли. Хоннинг солиқ сиёсати даҳшатли, ўлпонларнинг 25 га яқин тури бор. Ана шу ижтимоий адолатсизликни қоралади. Буларни ўзининг «Аҳмоқ подшо» дostonида битди. 1998 йил декабрида қорақалпоқ мумтоз шоири Бердақ таваллудининг 170 йиллиги кенг нишонланди.

4. Фурқат (1858–1909) феодал хонлик тартибларининг мамлакат ривожига ғов эканлигини айтади. Хон ва бекларнинг ўзаро уруш ва низоларини, босқинчиликларини қоралади. «Хонлар – илм-фан, халқ фаровонлиги, мамлакат ривожига ҳақида ғамхўрлик қилиш ўрнига ўзларининг роҳат ва маишатлари билан банд бўладилар», дейди.

Умуман, бу даврда Муқимий (1850–1908), Завқий (1853–1921), Анбар Отин (1870–1914), Аваз Ўтар ўғли (1884–1919) кабилар ҳам маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб қилиб, сиёсий тузумни ислоҳ қилиш тарафдорлари эди.

ХІХ аср охири ва ХХ аср бошларида жадидчилик ғоялари. Бу даврда Туркистон ўлкасида «жадидчилик» ҳаракати пайдо бўлди. Бу ҳаракатнинг халқимиз миллий, ижтимоий ва маданий тарихида ўзига хос ўрни бор. Жадидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўриниши бўлиб, унинг намоёндалари мамлакатни қолоқликдан чиқариш ва миллий тараққиётга эришишнинг маърифий йўлини кўрсатдилар.

Чор Россиясининг чекка ва мустамлака ўлкаси бўлган Туркистонда мактаб-маорифнинг янгилиниши, янги адабиётнинг вужудга келиши, миллий театр, матбуотнинг туғилиши ва йўлга қўйилиши ҳам жадидчилик ҳаракатининг самараларидир.

Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида бир хиллик бўлмаган: идора усулида конституцион монархия ва республикачилик қарашларида ранг баранглик бўлган, баъзи масалаларда жиддий фарқ борлигини инкор қилмаган ҳолда, жадидизм муайян қарашлар тизими сифатида шу давр эҳтиёжларини ифодалар эди.

Жадидчилик ижтимоий-сиёсий қарашларида чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик режимиға қаратилган ғоялар билан бирга иккиланишлар, мўътадиллик ғоялари уйғунлашган эди. Бунда матбуотнинг роли ўсди. Жадидчиларнинг газета ва журналлари ўлкада кенг тарқалиб мусулмон аҳолисининг сиёсий онги ўсишиға таъсир эта бошлади.

1906 йилдан бошлаб Туркистон жадидлари ўзларининг «Тараққий», «Хуршид» номли газеталарини нашр қила бошлади. Унда мўътадиллик, иккиланишлар, журъатсизлик сезилиб турса-да, чоризм сиёсатини кескин қораловчи мақолалар ҳам босилиб турди.

Жадидчилик оқими ташкилий жиҳатдан ўз низом ва дастуриға эға эмас эди. Сабаби у ташкилий жиҳатдан сиёсий ҳаракат даражасиға кўтарилмаганди.

Жадидчиликнинг кўзға кўринган намояндалари:

1. Исмоилбек Гаспринский (1851–1914) – юқори аслзодалар оиласидан. қримда мусулмон диний мактабида таълим олган, асли ўзи Қримнинг Бокчасаройидан эди. Туркистон жадидлари ўз сиёсий дастурини ана шу қрим-татар сиёсий арбобидан олди. У Москвада кадетлар корпусида ҳарбий таълим олган. Туркия ва Францияда 2 йил яшаган. Қрим ярим оролида яшаган аҳолининг 25 фоизини ташкил қилган қрим-татарлари орасида турк тилини сақлаб қолишни ёқлаган. 20 йил «Таржимон» журналини нашр этди. И.Гаспрали 1893 йили Бухоро амири Абдулахадға янги усул мактаблари тузишни таклиф қилиб, рад жавоби олди. У Туркистонға жадидчилик оқимини биринчи бўлиб ёйди. 1910 йили Туркистоннинг турли жойларида 50 га яқин шундай мактаблар ташкил этди. Тошкентда 20, қўконда 16 та шундай марказий жадид мактаблари очилди. И.Гаспрали ҳар бир миллатнинг маориф-маданиятини миллий заминда олиб бориб, миллий тил учун кураш ташкил қилган эди. У туркий халқлар учун ягона тил, имло масаласини ҳимоя қилиб чиқди. И.Гаспрали «Юз йилдан сўнг. 2000 сана» романини ёзди. У синфий кураш назариясига қарши эди. «Маданияти йўқ миллатнинг саноати бўла олмас. Модомики, ул йўқ, ҳали синфий низоларға ҳам эрта. Бизнинг бугунги вазифамиз ҳали маданий ўсувдан, шунга йўл ҳозирловдангина иборат». У ўз романида қонсиз кечадиган инқилоб ҳақида ёзди. Энг яхши орзу ҳам, агар у зўрлик ва куч билан амалға ошадиган бўлса, зулмдир, ҳар хил кўрсатмалар, буйруқ, зўравонликлар бўлса, бундай «мамлакат ва жамият муқаррар равишда қазарма вазиятиға келиб қолади» деган эди.

2. Маҳмудхўжа Бехбудий (1879–1919) – Самарқанд шаҳрида руҳоний оиласида дунёға келди. У ҳаж қилиб Макка ва Мадинаға борди, Миср ва Туркия шаҳарларида бўлди. Петербург, Москва, Қозон, Уфа ва Оренбург каби Россия шаҳарларида бўлди. Бехбудий жадид оқимға қўшилиб, Туркистоннинг Россиядан ажралиб чиқишини ва унинг мустақил давлат сифатида ички ва ташқи сиёсат олиб бориши лозимлигини ҳимоя қилди.

Жадидлар 1917 йил февраль инқилобидан сўнг ўз сиёсий ташкилотларини тузишга киришди. 1917 йил мартда «Шўрои Исломия» ташкилотига асос солди. Мусулмонларни бу ташкилот атрофига бирлаштиришга чақирди. Бехбудий озодликка эришишда маърифатнинг ролига юқори баҳо берди. У «Маориф бўлимида турган мусулмонларнинг бошини силангиз. Мафкурага ёрдам этингиз. Туркистон болаларини илмсиз қўйманг, озодлик йўлини кўрсатинг» деган эди.

3. Мунавварқори Абдурашидов (1878–1931) – Туркистонда жадидизм ҳаракати раҳбарларидан бири, педагог, зиёли оиласида туғилган. Тошкентда Юнусхон мадрасасида таълим олган. 1903 йили жадид мактаблари очиб, ўзи унда дарс берган. Шу мактаблар учун қўлланма, дарслик ёзган. У маҳаллий бойлар кайфиятини ифода қилган. У эски мактабларни ислоҳ қилиб, унда дунёвий илмлар ўқитилиши тарафдори эди. У халқни маърифатга чақирди. «Шўрои Исломия» ташкилоти тузувчиларидан бири эди. Бу ташкилотга маҳаллий бойлар, руҳонийлар кирган. Ташкилотнинг талаби Туркистонда буржуа Россияси таркибида миллий-диний автономия тузиш, маданият ва маориф соҳасида капитализм ривожини учун зарур бўлган баъзи ислохотлар ўтказишдан иборат эди. У 1931 йил 26 апрелда собиқ шўро тузуми тарафдорлари томонидан қатл этилди.

4. Фитрат (1886–1938) – ўзбек ёзувчиси ва олими. У дин ва эски дунё сарқитларига қарши курашган. Самарқанд Педакадемиясида ишлаган. «қиёмат» прессаси, «Заҳронинг имони» (1920), «Қийшиқ эшон» (1930), «Рўзилар» каби драматик асарлари билан феодал тузумига ва динга қарши чиқди. 1938 йил 4 октябрда Тошкентда шўро тузуми тарафидан отиб ўлдирилган.

5. Чўлпон (1893–1937) – ўзбек шоири, таржимон, санъатшунос. У дастлаб мадрасада, сўнг рус-тузем мактабида ўқиган. 1919–20 йилларда «Турк ГОСТА» газетасида муҳаррир, «Қизил байроқ», «Туркистон» каби газеталарда адабий ходим, 1924 йилдан Москва ўзбек драма студиясида, кейин Ўзбекистонда маориф ва театр соҳаларида ишлаган. 1938 йил 4 октябрда Сталин сиёсати туфайли отиб ўлдирилган.

Умуман, жадидчилик ҳаракатининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Жадидчилик ҳаракати Туркистонда сиёсий жараёнлар ривожланишига катта ҳисса қўшди. Маърифатчилик ҳаракати сифатида бошлаган фаолиятларида халқнинг умумий саводи ва маърифатини кўтариш ғоясини илгари сурди.

2. Жадидлар динга қарши курашган эмаслар, балки шариатга қаттиқ риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмлар бериш асосида ислоҳ қилиш зарурлиги масаласини кўтардилар.

3. Жадидчилар ҳаракати Россияда вужудга келган большевиклар партияси билан бир вақтда шаклланди. Истибдод ҳукумати жадидларни дин пешволарига қарши қўйиб ҳаракат қилса, жадидлар маърифат йўли билан халқ онгини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар.

2.3. XX аср сиёсий концепциялари ва янги даврда сиёсий қарашлар

XX аср сиёсий концепциялари, сиёсатшунослик таълимотидаги назариялар қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий дарвинизм ва забт этиш назарияси (Номарксистик).

1) **Людвик Гумилович** – Польша-австралиялик (1838-1909). У «Социология ва сиёсат» асарида бу назарияни асослаб берган. Унга кўра ижтимоий ҳаёт давридан бошлаб одамлар, руҳлар, синфлар, партиялар ва давлатлар ўртасида кураш бўлиб келган. Бу инсониятнинг яшаши учун зарур. 2) **Герберт Спенсер** (1820–1903) – «Социологиянинг асоси» асарида давлат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун тузилади, жамият урушдан тинчлик томон, ҳарбий соҳадан индустриал жамиятга ўзгариб боради. 3) **Франц Оппенгеймер** (1864–1943) – «Социология системаси» китобида «Либерал социализм»ни асослаб, иқтисодий ва сиёсий фаолият ҳақида ўз фикрини баён этади. Ижтимоий-сиёсий иллат манбаи–йирик ер мулкчилигидир, дейди.

2. Юқори табақа назарияси. Элита («Бошқарувчи озчилик», «зодагонлар»). Бу назария асосчилари: 1) **Гаэтано Моска** – (1856–1941) – италиялик адлияшунос, социолог, тарихчи олим. «Сиёсий фандан парчалар» асарида «сиёсий ёки бошқарувчи синф» назариясини ишлаб чиқди. Бу сиёсий ғоя «Зодагонлар назарияси» бир кўринишини ташкил этади. «Жамият барча давраларда: бошқарувчилардан ва бошқариладиганлардан иборат. Бошқарувчилар озчиликни ташкил қилсада, куч, бойлик, уюшқоқлик кадриятларига эга, демократия эса аслида кенгайтирилган аристократиянинг ўзгинасидир», дейди. Элита ҳукмрон синф. Сиёсий тараққиёт бир ҳукмрон элита кўлидан иккинчисига ўтганда юз беради. Ҳокимият ҳеч вақт кўпчилик кўлига ўтмайди. Сайловлар элиталарни янгилаш усули. 2) **Парето Вильфредо** (1848–1923) - италиялик социолог ва сиёсий иқтисодчи. Унинг сиёсий қарашлари ҳам Г.Моска қарашларига яқин. Ҳар бир даврда ўзига хос 2 гуруҳ: элита ва элитага қарши турганлар бўлади. Улар ҳокимият учун курашади. Тарихда элиталар ўзгариб туради. Сиёсий бошқарув қобилияти «зодагонлар» да дейди.

3. Сиёсий партиялар назарияси: Асосчилари: 1) **Моисей Острогорский** (1854–1919). У «Демократия ва сиёсий партияларни ташкил этиш» асарида Англия ва АҚШ сиёсий партиялари фаолиятини таққослаб, уларда а) аристократик; б) сиёсий клублар; в) оммавий ташкилотлар борлигини кўрсатади. Учинчи босқичнинг бюрократлашиб боришини танқид этади. 2) **Роберт Михайльс** (1876–1936) – «Сиёсий партиялар социологияси» асарида партияларни олигархиялаштириш қонунини кашф этади. Агар ҳокимият партия раҳбарларини қўядиган бўлса, бу партия қўғирчоқ партияга айланиб қолади, оддий партия аъзолари бошқарувда иштирок этолмайди. Сиёсий ҳаётни демократлаштириш лозимлигини айтади. «Темир қонунлар оддий фуқаро учун ишонч қолдирмайди», дейди. 3) **А.Бентли** – англиялик, у «Манфаатдор гуруҳлар» назариясини ишлаб чиқди. Унда жамият сиёсий системасини ҳаракатга келтирувчи кучлар ижтимоий синфлар, табақалар, гуруҳлар манфаатлари эмас, сиёсий партиялар эмас, балки шахсий ва уюшган «манфаатдор гуруҳлар» тўдаси ташкил этади, дейди.

4. Макс Вебернинг сиёсатшунослик таълимотлари («Доҳийлик демократияси» таълимоти ҳам дейилади): **М.Вебер** (1864–1920) назарияси ғарб ва дунёнинг XX аср социологиясига ижобий таъсир кўрсатди. У бюрократияни ҳукмрон синф деб ҳисобламайди, балки уни ҳокимиятнинг қўлидаги қурол деб қарайди. У демократия назариясини ишлаб чиқди. Бу назариянинг марказида жамиятдан ўзини алоҳида тутган бюрократик аппарат устидан ижтимоий назорат механизмини ишлаб чиқиш ғояси ётади. У бюрократияни ўзига бўйсундира оладиган сиёсий элитани танлаш техникасига эътибор беришни талаб қилади. М.Вебернинг ҳукмронлик усули бу давлат типологияси ва қонунчилигидан иборат. Ҳукмронлик деб ҳокимиятга танҳо эгалик қилишни, ҳокимият монополияси эса, ўз эркини буйруқлар ёрдами билан ўтказиш қобилиятини тушунади. Ҳукмронлик – бу қонунийлаштирилган зўрликдир. У 3 хил бўлади: анъанавий, содиқлик ва легаллик (очиқлик). Анъанавийлик ҳукмронлик урф-одатларига асосланади, содиқлик сиёсий лидерларга содиқ бўлишга, очиқ ҳукмронлик эса ҳуқуққа асосланади. М.Вебер бошқаришнинг президентлик шаклига ҳам эътибор берибди.

5. «Тоталитаризм назарияси» – (лот.) сиёсий режим тури ҳақидаги таълимотлардан бири бўлиб, давлатнинг барча ҳаётий соҳалари устидан тўла (тотал) назорати, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалда йўқ қилиниши, оппозиция ва ўзгача фикрларга нисбатан қатоғонлар бўлишини баён этади. Уни А.Арендт, К.Фридрих, З.Бжезинский асослаб берганлар. Бунда 1) иқтисодий марказлашган раҳбарлик; 2) ижтимоий соҳа назоратда; 3) сиёсий соҳада бир партиялилик; 4) маънавий соҳада ҳукмрон мафкура; 5) оммавий коммуникация воситалари партия ва давлат кўлида; 6) партия ва давлат кўлида барча қуроллар тўпланadi.

6. «Плюрализм назарияси» (Европа мамлакатларида).

7. «Плюралистик демократия» назарияси (XX аср 20–30-йилларида АҚШда юзага келган).

8. «Конвергенция» назарияси – (ўхшаш, яқинлашиш, индустриал жамият) ва бошқа таълимотлар, назариялар мавжуд. XX аср бошларида ғарб политологиясида технократик таълимотлар кенг тарқалди. Жумладан, «Илмий бошқариладиган жамият» (Г.Саймон), «Постиндустриал жамият» (Д.Белл), «Технотрон жамият» (З.Бжезинский) назариялари ҳозирги тараққиёт ва дунёнинг умуминсоний муаммоларини (экологик, энергетик, озиқ-овқат, уруш, демографик) ечишнинг ягона йўли деб тавсия этишади.

Америка сиёсий фанларининг пайдо бўлиши. АҚШда сиёсатшуносликнинг ривожланишини қуйидаги 3 босқичга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. XIX аср охиридан I жаҳон урушигача бўлган давр.
2. Икки, яъни биринчи ва II жаҳон уруши ўртасидаги давр.
3. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдан ҳозиргача бўлган давр.

Биринчи давр политологиянинг Америкада қарор топиш даври ҳисобланади. Бу даврда АҚШда йирик университетларда сиёсий фанлар бўлимлари ташкил этилди. 1914 йилдан федерал даражада эмпирик тадқиқотлар ўтказишга ихтисослашган марказлар ташкил топди.

Иккинчи даврда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Табиий-илмий билимлар билан яқинлаштирилди.

Учинчи даврда 1) Америка бошқаруви ва сиёсат; 2) қиёсий сиёсат; 3) халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати; 4) сиёсий назария ва фалсафаси; 5) ижтимоий бошқарув ва сиёсат каби йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ч.Мерриам (1874-1953), Г.Лассуэл (1902-1979), Г.Моргентау (1904-1980) каби политологларнинг алоҳида ўрни бор.

Қисқача хулосалар

Демак, қисқача шундай хулосага келиш мумкин:

1. Қадимги Шарқ мамлакатлари, Юнонистон ва Римдаги сиёсий қарашлар, сиёсат, давлатни бошқариш масалаларини ишлаб чиқишда, жамиятдаги ижтимоий, сиёсий муносабатларни ифодалашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2. Ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб мамлакатлари мутафаккирларининг ижтимоий - сиёсий фикрлари сиёсатшунослик фанида янгича йўналишлар, назариялар ҳамда таълимотларни яратишда муҳим асос бўлди.

3. XX аср сиёсатшунослиги сиёсий тизим, сиёсий ҳокимият, сиёсий социология янгича оқимлар шаклланиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

4. Жаҳидчилар ҳаракати XX аср бошларида Туркистонда кенг ёйилиши тасодифий ҳодиса эмас, балки ўлкада етилиб келган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиётнинг қонуний ифодаси бўлди.

5. Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фанлар, хусусан, сиёсатшунослик фанига бўлган муносабат тубдан ўзгарди, бу фан барча олий муассасаларда ўтилмоқда, ёшлар ўз сиёсий ҳуқуқларини мукамал ўрганиб олиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсий қарашлар ва таълимотлар ривожини таҳлил этинг ҳамда босқичларга бўлиб чиқинг.
2. Қадимги Хитой ва Ҳиндистондаги дастлабки сиёсий фикрларни баён этинг.
3. Антик Юнонистон ва Римда қандай муҳим сиёсий фикрлар илгари сурилган?
4. Форобийнинг «Фозил кишилар ҳақида рисола» асарини чуқур таҳлил этинг.
5. Шарқ ва Ғарбдаги сиёсий қарашларни қиёсий таққосланг.
6. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулук» асарида нималар ҳақида фикр юритилади?

7. Ўзбекистонда сиёсий қарашларнинг манбаларини, тарихий, миллий-маънавий илдишларининг ўзига хос жиҳатларини аниқланг?

III МАВЗУ. СИЁСИЙ ҲАЁТ, ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ. СИЁСИЙ ЖАРАЁН ҲАМДА СИЁСИЙ ТИЗИМ

3.1. Сиёсат – ижтимоий ҳодиса сифатида

Сиёсат – ижтимоий ҳаётда кенг тарқалган тушунчалардан бирidir. У кундалик турмушда ҳам, илмий адабиётларда ҳам кўп маънода ишлатилади. Кундалик ҳаётда кишилар кўпинча ҳар қандай мақсадга мувофиқ ижтимоий фаолиятни сиёсат деб аташади. Бу муайян мақсадга бўйсундирилган партия ёки фирма раҳбарининг фаолияти ёхуд эрнинг хотинига, болаларига, бутун оиласига муносабати бўлиши ҳам мумкин. Сиёсат кишиларнинг биргаликда яшаш, имкониятини рўёбга чиқариш санъати, кўп ҳолларда эса «зўравонлик воситаси» сифатида талқин этилади. Илмий адабиётларда сиёсатнинг турли хил таърифлари бўлиб, уларни, асосан 3 гуруҳга: 1) социологик; 2) субстанционал ва 3) фаоллик гуруҳларига бўлиш мумкин.

1) Сиёсатнинг телеологик (юн. ҳодиса-жараёнлар худо томонидан бирор мақсадга йўналтирилади) таърифи: а) фаолиятнинг жамоавий табиати ва б) онгли тури мавжуд.

2) **Сиёсатнинг системали талқини** – сиёсий тизим турли назарияларда асослаб берилган.

Сиёсатнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифалари: Сиёсатнинг ижтимоий табиати, вазифалари ҳақида жаҳон ижтимоий-сиёсий фикрида хилма-хил қарашлар мавжуд:

3) Тоталитар ижтимоий-сиёсий қарашлар.

4) Анархистик ижтимоий-сиёсий қарашлар.

5) Либерал ижтимоий-сиёсий қарашлар.

6) Кейнсиан ижтимоий-сиёсий қарашлар: XVIII-XIX асрларда ғарбда ҳукмронлик қилган либерал қараш Д.М.Кейнс томонидан кўриб чиқилди. Бунда капитализмга ўз-ўзини тартибга солувчи жамият сифатида либерал қарашлардан воз кечиш, бутун жамият ижтимоий тизимининг, унинг барча элементларининг фаровонлиги учун масъулиятни ҳукуматнинг ўз зиммасига олиш зарурлигини асослаб беришдан иборат. **Сиёсат** – жамиятнинг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади. У ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва ролига кўра иқтисодий ва маънавий соҳаларга кўп жиҳатдан ўхшашдир. Сиёсат жамиятда халқ манфаатларини ҳимоя қилади. У ҳам халққа, ижтимоий тараққиётга хизмат қилади. У жамиятнинг иқтисодий ва маънавий соҳаларидан тубдан фарқ қилади. **Сиёсат** – жамиятнинг ижтимоий муаммоларига чуқур кириб борувчи, таъсир ўтказувчи ва уларни ҳал этувчи соҳадир. Бу соҳада барча ижтимоий гуруҳлар, қатламлар учун белгиловчи аҳамиятга эга бўлган, турли йўлни кўрсатиб берадиган қарорлар ишлаб чиқади ва қабул қилинади. Шу билан бирга сиёсат – улар амалда бажариладиган ижтимоий муаммолар ҳал этиладиган ва жамиятнинг бир бутунлиги, ҳавфсизлиги, тинч-тотувлиги ва осойишталиги таъминладиган соҳадир. Демак, у **ижтимоий соҳани**, шунингдек, **иқтисодиётни ҳам** тартибга солиб, юксалтиришга, эски хўжалик юритиш тизими ўрнига янги хўжалик юритиш тизими қарор топишига доир тадбирларни ҳам ишлаб чиқади, амалга оширади. Агар сиёсат иқтисодиётдан устун турса, унинг йиғилиб қолган муаммоларини ҳал этишдан бош тортса, ўз мақсад ва вазифаларини бажара олмайди. Иқтисодиётдан доим устун турган сиёсат ҳақиқий сиёсат бўла олмайди.

Сиёсат жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий соҳасини ҳам бошқаради, тартибга солиб туради. У омманинг, ҳар бир инсон маънавий маданиятини оширишга, унинг табиат, жамият сирларини, ижтимоий ҳаётдаги ўз ўрнини билиб ва англаб олишига доир тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Чунки ижтимоий, иқтисодий соҳаларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларнинг ўзи кутилган

натижаларни беравермайди. Агар иқтисодиёт, маънавият – маърифатда у ёки бу масалани ушбу соҳа доирасида ҳал этилса, сиёсатда эса бутун ҷамиятга, барча ижтимоий гуруҳларга доир масалалар ҳал этилади. **Сиёсат** – бутун ҷамиятга дахлдор бўлган масалаларни ҳал этувчи соҳадир.

Сиёсатнинг бош мақсади – ҷамиятнинг фақат иқтисодий ёки маънавий-маърифий соҳасини ривожлантириш ва моддий, маънавий бойликларни тобора кўпроқ ишлаб чиқариш эмас, балки унинг беистисно барча соҳаларини тараққий эттириш ва мустаҳкам бир бутунлигини, хавфсизлигини, барқарорлигини, тинч-тотувлигини, осойишталигини таъминлашдан иборатдир. Бу улкан мақсадни рўёбга чиқариш учун хилма-хил **назарий ва амалий вазифаларни бажаради**.

1. Назарий вазифаси: ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва ҷамиятнинг хавфсизлигини, барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб бериш, илмий асосланган оқилона дастурларни, қонунларни, қарорларни ишлаб чиқишдир. Бунда пала-партишликка йўл қўймаслик керак. Шунингдек, сиёсат дастурлар, қонунлар, қарорларни ишлаб чиқиш билан бирга уларни қабул қилиш вазифасини ҳам бажаради.

2. Сиёсатнинг асосий амалий вазифаси – қабул қилинган дастурлар, қонунлар, қарорларни ҳаётда изчиллик, қатъият билан амалга ошириш, бутун ҷамиятни турли-туман иллатлардан, хасталиклардан тозалашдир. Чунки бу вазифа ижтимоий ҳаётда амалга оширилмас экан, унда ҷамиятнинг мустаҳкам хавфсизлигига, барқарорлигига, тинч-тотувлигига, бахт-саодатга эришиб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда «сиёсат» тушунчаси ҳам кенг, ҳам тор маънода қўлланилади.

Кенг маънода сиёсат ижтимоий ҳаётнинг объектив манзарасини ифодалайди. У ҷамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни акс эттиради ва уларни **иқтисодий сиёсат, маданий сиёсат, социал сиёсат, ҳарбий сиёсат каби турли тушунчалар орқали** ифодалайди.

Тор маънода эса сиёсат ҷамият ҳаётининг алоҳида бир соҳасида, яъни сиёсий соҳада рўй берадиган ўзгаришларни ифодалайди ва шу соҳанинг ўзига нисбатан қўлланилади. Ҷамиятдаги барча сиёсий ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолияти сиёсатнинг тор маъноси орқали очиб берилади. Халқаро ташкилотларнинг сиёсий фаолияти ҳам сиёсатнинг тор маънодаги ифодасидир. Сиёсат тор маънода давлатларнинг 1) ички ва 2) ташқи фаолияти, халқаро сиёсий муносабатлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ўзида акс эттиради.

Сиёсат ўз тузилишига кўра 2 турга: 1) ички ва 2) ташқи сиёсатга бўлинади.

1. Ички сиёсат – бу сиёсат субъектларининг мамлакат ичкарисида амалга ошириладиган фаолиятдир.

2. Ташқи сиёсат – ташқи турли давлатлар билан олиб борилади. Бу давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари томонидан халқаро майдонда амалга ошириладиган фаолиятдир.

Сиёсий ҳаёт тушунчасини - Давид Лейн (АҚШ) илмий амалиётга киритди.

Сиёсий ҳаётнинг белгилари:

- 1) Сиёсий ҳаёт омманинг манфаатларини юзага чиқиши бўлиб, уни ҳокимият, давлат, партия, сиёсий институтлар амалга оширади.
- 2) Сиёсатнинг фаоллиги инсонларнинг барча соҳаларга таъсирини оширади.
- 3) Сиёсий ҳаётда одамларнинг катта қисми иштирок этади.
- 4) Шахс билан давлат ўртасидаги қўптомонлама ўзаро алоқа.

Сиёсий ҳаёт- сиёсий манфаатлар, сиёсий муносабатлар, сиёсий фаолиятни ўз ичига олади.

Сиёсий ҳаёт икки хил шаклда мавжуд бўлади. Фуқаролар ўз ҳоҳиш иродасини ўзи амалга ошира олмаса, ташқи сиёсий таъсир амалга оширади. Шу халқнинг тафаккури, тарихи, миллий-маънавий қадриятлари, урф одатлари, анъаналари, ижтимоий ҳаёт

кўринишлари билан мослигидир. Ўзбекистонда сиёсий ҳаёт тушунчаси демократия, қонун устуворлиги, эркинлик ва мустақиллик, фуқаролик жамияти қуриш билан узвий боғлиқ.

3.2. Сиёсий жараён ва сиёсий тизим тушунчаси ҳамда унинг тартиб ва турлари

Сиёсий жараён – сиёсий тизим фаолиятининг шакли. У сиёсий тизимнинг вужудга келиши, амал қилиши, янгиланиши ва инқирозли ҳолатларини унинг барча таркибий қисмлари, алоқалари, таъсири ҳаракати жараёнида ўрганиш, аниқ ва яхлит тасаввур қилиш имконини беради.

«Сиёсий жараён» тушунчаси – бирор йўналишга эга ҳаракат, ҳолатларнинг изчил алмашилиши, бирор натижага эришишига қаратилган фаолиятлар бирлигини англатади. Шунингдек, сиёсий жараён тушунчаси ўз навбатида сиёсий ҳолатлар ва ҳодисаларнинг ички боғлиқликка эга занжир, сиёсат субъектларининг ҳокимиятга қаратилган ҳаракатлари ўзаро муносабатлари бирлигидир.

Сиёсий жараён - Жамиятнинг сиёсий ҳаётида турли хилдаги воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериб туриши, объектив қонуниятлар ҳаракати асосида давом этиши ва шу асосда жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиб боришига айтилади.

Жараён – (процесс латинча “олға кетиш”) маълум йўналишга қаратилган мақсадларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган олға юриш ҳолатини англатади.

Сиёсий жараён сиёсий ҳолатлар ва ҳодисаларнинг ички занжири ва сиёсат субъектларининг ҳокимиятга қаратилган ҳаракатларини билдиради. У сиёсий тизим ҳаракати, динамикаси, эволюциясини, макон ва замонда унинг ҳолатларини ўзгаришини очиқ беради.

Сиёсий жараёнга олимлар томонидан турли-хил ёндашувлар мавжуд.

Сиёсат билан бир маънога эга. (**Р.Доуз**). Сиёсий жараённинг ўзига хослиги ёки сиёсий жараён фаолиятининг натижаси. (**Т.Парсонс**). Гуруҳларнинг мақом ёки ресурслар учун кураши динамикаси. (**Р.Дарендорф**). Субъектларнинг ўз манфаатлари ва мақсадларини амалга ошириш чоғидаги ҳулқ-атвор жиҳатларидан (**Ч.Мерман**) излайди.

Сиёсий жараёнлар куйидаги кўринишларда амал қилади:

1) Сиёсий тизим ташкилотларини шакллантириш. Бунда сиёсий тизим таркибида янги ташкилотлар тузилади, улар ўртасидаги меъёрий муносабатлар ўрганилади.

2) Сиёсий тизимни қўллаб-қувватлаш. Унда барқарорлигини анъаналар, тадбирлар, ҳуқуқий ва мафкуравий кўрсатмалар воситасида таъминлаш.

3) Сиёсий қарорларни қабул қилиш ва ижро этиш.

Сиёсий жараён мавжудлигининг тартиблари. Сиёсий жараён ҳокимиятни ҳаракатда ўрганади. Шу туфайли сиёсий жараён мавжудлигининг 3 таркиби ажратилади: турғунлик, ривожланиш, инқироз тартиблари:

1) **Турғунлик тартибида** шаклланиб бўлган сиёсий муносабатлар одатдаги чегараларда тутиб турилади. Бу тартибда сиёсат субъектлари фаолиятида консерватизм ва анъаналарга содиқлик етакчи бўлади.

2) **Ривожланиш тартибида** жамият ичидаги ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришларга мувофиқ равишда сиёсий тизимнинг бошқарув ва амал қилиш услублари ўзгара бошлайди.

3) **Инқирозли тартиби** – сиёсий яхлитликнинг йўқолиши, марказда қочма кучларнинг ортиб бориши, ҳокимият қабул қилаётган қарорларнинг бажарилмаслиги, сиёсий ҳокимият легитимлиги йўқолиб боришини англатади.

Сиёсий жараён турлари: Сиёсий жараёнларни туркумлашнинг бир қанча усуллари мавжуд:

1. **Маданият тури.** Демократик жамиятлар учун маданиятни ўзлаштириш кийинчиликлари мавжуд.

2. Сиёсий жараённинг устувор тури:

1) консенсуслик (келишувли) тури;

- 2) консенсусли, аммо унда муаммоларни ҳал этиш тури;
- 3) давлат муаммоларини баён этиш ва ижтимоий гуруҳ тури;
- 4) муаммоларни қўйишда пассив, лекин долзарб масалаларни ечишда фаол, шунинг учун манфаатли гуруҳлар қаршилигини ечишга асосланган тури.

3. **Ўтиш даврини бошидан кечираётган** жамиятларда сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услубларига кўра 3 турга бўлинади:

- 1) **Технократик тури** (конунчилик ва сиёсий анъаналар доирасида).
- 2) **Идеократик тури** (анъанавий жиҳатларга хос, умуммиллий ғоя асосида бирлаштириш).
- 3) **Харизматик тури** (Шарқ маданиятида сиёсий етакчи ролига юқори баҳо берилади).

Умуман, сиёсий жараёнларнинг кўрсатиб ўтилган бу турлари соф ҳолда учрамайди, улар бир-бирини тўлдириб келади.

Сиёсий жараёнларни қабул қилиш жараёни. Сиёсий қарор – ҳокимият амал қилиши билан боғлиқ вазифалар, босқичлар, воситаларни белгиловчи жараён. Сиёсий ҳокимиятнинг хусусияти шундаки, унда сиёсий талаб аниқ ифодаланмаган бўлса ва шу талабни ифодалаётган субъектлар доимий тазйиқи сезилмаса, тизим бундай талаб ва эҳтиёжлар жамият ҳаёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлса ҳам жавоб бермайди. Шунинг учун турли даражадаги сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг бош вазифаси – ўз манфаатлари ва талабларини давлат ҳокимияти институтлари қилаётган бошқарувга доир қарорлар киритишдан иборат. Сиёсий қарорлар сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни бошқаришга айлантириш технологиясидир.

Сиёсий жараёнлар деб жамиятнинг сиёсий ҳаётида турли хилдаги воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериб туриши, уларнинг объектив қонуниятлар ҳаракати асосида давом этиши ва шу асосда жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиб боришига айтилади.

Сиёсий муносабатлар деб жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг сиёсий жараёнларида узлуксиз ҳаракатда бўлган сиёсат субъектлари ва уларнинг объектга қиладиган таъсирини ифода қилувчи ҳаракатларнинг умумий ифодаси ёки уларнинг бирлигига айтилади⁴.

2.Сиёсий тизим белгилари ва асосий элементлари.

Сиёсий тизим- Сиёсатни, жамиятда ҳокимият ва давлат бошқарувини шакллантириш ва амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ муносабатлар, ҳаракатлар, ташкилотлар мажмуини ифодаловчи умумий тушунча.

Жамият сиёсий тизимининг таркибий тузилиши.

1. Сиёсий институтлар, улар ўртасидаги муносабатлар.
2. Сиёсий қоидалар, онг ва маданият.
3. Сиёсий фаолият.
4. Сиёсий жараён.

Сиёсий тизимнинг турларга бўлиш ҳақидаги ёндашувлар.

1. Марксистик: Қулдорлик, Феодал, Буржуазия, Социалистик тизимлар.
2. Ғарб типологияси: Демократик, Авторитар, Тоталитар тизимлар.
3. Сиёсий тизимнинг: Анъанавий ва Модернизациялашган.
4. Янгиланган замонавий тизим:

Ривожланган фуқаролик жамияти, сиёсий ролларнинг аниқ тақсимланганлиги, ҳокимиятни асослашнинг рационал усулига эга эканлиги.

Ҳокимиятни шакллантириш ва амалга оширишга кўра сиёсий тизимни ташкил этувчи элементлар.

1 Ташкилий, 2 Маданий-мафкуравий, 3 Меъёрий, 4 Ахборот коммуникацион.

Сиёсий тизимнинг вазифалари

⁴ Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 58–67-б.

- 1) Жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш
- 2) Имкониятларни сафарбар этиш
- 3) Жамият тизими барча элементларни бирлаштириш

Сиёсий тизимнинг ҳозирги замондаги кўринишлари.

- 1) Демократик (ҳалқ ҳокимиятчилигига асосланади, озчиликни кўпчилик устидан ҳукмронлиги)
- 2) Тоталитар (ҳокимиятнинг марказлашганлиги)
- 3) Авторитар (танҳо киши ҳукмронлигига асосланиши)
- 4) Либерал (оғувчи, шахс манфаатини кўзловчи)

Сиёсий тузум – демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар аҳволини, давлат ҳокимияти органларининг улар фаолиятининг ҳуқуқ асосларига муносабатини акс эттирувчи давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари тизими сифатида белгиланади.

Мустабид тузум – кенг миқёсларда илм-фан билан чиқиша олмайди. Чунки бундай тузум шароитида ишлаб чиқарувчилар, фуқаролар мулкдан, жамиятни идора этишдан, маданиятдан бебаҳра қилинади. Бу маъмурий-буйруқбозлик усулидир. Бундай тузумда илм-фан сиёсат дастурига айланиб қолади. Иккинчидан, бозорсиз маъмурий-буйруқбозлик иқтисоди ташкил этилади.

Умуман, ҳозирги замон сиёсий тузумларини 4 асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Демократик сиёсий (ҳалқчил) тузум.
2. Тоталитар (марказлашган) тузум.
3. Авторитар (танҳо киши ҳукмронлиги) тузум.
4. Либерал (оғувчи, шахс манфаатини кўзловчи) тузум.

1. Демократик тузум биринчи навбатда халқнинг, кўпчиликнинг манфаатини ҳимоя қилади. Белгилари:

1. Қонунчилиги: демократик қонунларнинг ривожланган тизими.
2. Давлат бошлиғи ваколатлари: қонун билан чекланган.
3. Ҳокимиятнинг вакиллик органлари ваколатларнинг кенг доирасига эга.
4. Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилига амал қилади.
5. Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари: юқори даражада.
6. Партиялар: кўппартиявийлик.
7. Мафкураси: сиёсий фикрлар хилма-хиллиги.
8. Ҳуқуқ ва эркинликлари: қонун билан таъқиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади.
9. Жазолаш органлари: қонун билан қаттиқ чегараланган.
10. Муҳолифат қонуний суратда фаолият олиб боради.

2. Тоталитар сиёсий тузум: У ёки бу мақсадлар учун жамиятнинг бутун ҳаётини ва алоҳида олинган ҳар бир кишининг ҳаётини назорат қилишга интилувчи сиёсий тизим. Белгилари:

1. Қонунчилиги: қонунчилик тизими кам ишланган.
2. Давлат бошлиғи ваколатлари: амалда чекланмаган.
3. Ҳокимиятнинг вакиллик органлари: қўғирчоқ ҳукумат.
4. Ҳокимиятнинг бўлиниш принципи: расмий эътироф этилади.
5. Маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари: расмий кенг доирада.
6. Партиялари: якка оммавий-сиёсий партия.
7. Мафкураси: якка расмий мафкура.
8. Ҳуқуқ ва эркинликлари: сиёсатга дахлдор бўлмаган нарсаларга рухсат берилади.
9. Жазолаш органлари: сиёсий жиноятчиларни қидирув махфий амалга оширилади.
10. Муҳолифат рад қилинади.

3. Авторитар сиёсий тузум, белгилари:

- 1) Қонунчилик: қонунчилиги минимал даражада.
- 2) Давлат бошлиғи ваколатлари: Амалда чекланмаган.
- 3) Ҳокимият вакиллик органлари: ваколатлар йўқлиги ёки қўғирчоқ ҳукумат.
- 4) Ҳокимиятнинг бўлиниш принципи: рад қилинади.

- 5) Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари: паст даражада.
- 6) Партиялари: етакчи партия давлат хизматида бўлади.
- 7) Мафкуриси: якка мафкура ҳукмронлиги.
- 8) Ҳуқуқ ва эркинликлари: ҳокимият кўрсатган нарсаларгагина рухсат берилади.
- 9) Жазолаш органлари: оммавий-сиёсий қатағонлар асосида.
- 10) Мухолифат таъқиқланган.

4. Либерал сиёсий тузум: Ҳар бир шахснинг манфаати ва озодлигини кўзлайди. АҚШда кўпроқ либерал демократия юзага келган. Кўринишлари:

- 1) қонунчилик кам ишланган;
- 2) давлат бошлиғи ваколати: амалда чекланмаган;
- 3) ҳокимият вакиллик органи: кўғирчоқ ҳукумат;
- 4) ҳокимият бўлиниш принципи: расмий эътироф этилади;
- 5) маҳаллий ҳокимият органи ваколати: паст даражада;
- 6) партиялари: етакчиси давлат хизматида;
- 7) мафкуриси: фикрлар хилма-хиллиги паст даражада;
- 8) ҳуқуқ ва эркинликлари: чекланган;
- 9) жазолаш органлари: паст;
- 10) мухолифатга: қисман рухсат берилади.

3.3. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларнинг ўзига хослиги

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш вазифалари сиёсат ва сиёсий муносабатлар иқтисодий, ижтимоий, шахсий муносабатлардан мустақил равишда мавжуд эмас. Натижада сиёсат жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида – иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланишида ўзига хос ўрни мавжуд. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини ривожлантириш Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг энг муҳим қирраси бўлиб қолаяпти.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар асосан ҳокимият ва жамият ўртасидаги мулоқот, келишув асосига қурилади. Жамият ўз талабларини ҳокимиятга вакиллик органлари, манфаатдор гуруҳлари томонидан етказишини биласиз. Ана шу вакиллик тизими (партиялар, ОАВ, нодавлат ташкилотлари ва ҳ.к.) шаклланиш жараёнларини бошидан кечираяпти.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар давлатнинг ислохотчилик роли ва фаол сиёсат олиб бориши билан характерланади. Бу – бизнинг давлатчилик анъаналаримиз билан белгиланади. Ўрта Осиёда «ҳокимият – жамият» муносабатларида доимо давлат асосий роль ўйнаган. Бугун «фуқаро – жамият – давлат» тизими қарор топмоқда.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг кўпчилигини асосан давлат институтлари ташкил этади. Бу яна фуқаролик жамиятининг у қадар ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Айни вақтда сиёсий жараёнлар иштирокчилари (субъектлар) сонининг ортишига қаратилган ҳаракатлар кучаймоқда.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш услубларига кўра жамиятни бирлаштириш учун миллий ғояга кучли эҳтиёж сезилади ва айни вақтда сиёсий етакчининг роли катта бўлади.

Қисқача хулосалар

Сиёсат – жамиятнинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқарувчи соҳа эмас, балки унинг бирлиги ва яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлиги, тинч-тотувлиги ва осойишталигини таъминловчидир. Бу соҳа ҳўжалик ва маънавий-маърифий ишлар билан эмас, балки ижтимоий ҳаётни бошқариш, тартибга солиш, хавфсизликни таъминлаш масалалари билан шуғулланади.

Демак, сиёсат давлат ишларида қатнашиш, давлатни йўлга солиб туриш, давлат фаолиятининг шакллари, вазифаларининг мазмунини белгилаб бериш демакдир. Сиёсат гарчанд, иқтисодиётга нисбатан иккинчи ўринда бўлсада, айниқса иқтисодий

муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал этишда асосий восита ҳисобланади. У жамият ҳаётининг барча соҳасига таъсир қилади.

Демак, сиёсий жараёнларнинг ҳар бир мамлакатда қандай боришини унинг бошқа мамлакатлар ички сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларга хос умумий хусусиятлар асосида таърифлаб бериш мумкин. Буларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

Дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам сиёсий жараёнларнинг бош манбаи ва етакчи кучи халқ оммасининг онгли фаолиятидир.

Сиёсий жараёнларнинг боришини, унинг даражасини белгилаб берадиган етакчи куч сиёсатнинг хилма-хил субъектларидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсат тушунчасини баён этинг ва унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва вазифаларини аниқланг.
2. Сиёсатнинг услублари нималардан иборат?
3. Сиёсатнинг иқтисодиёт ва маънавият билан боғлиқлиги нималарда кўринади?
4. Сиёсий жараён тушунчасини Сиз қандай изоҳлайсиз?
5. Сиёсий жараённинг қандай турлари бор?
6. Сиёсий тизим турлари ва унинг вазифасини изоҳланг?

IV МАВЗУ. МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР. ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

4.1. Иқтисодиётнинг сиёсатда ифодаланиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодиёт – юнонча сўздан олинган бўлиб, “уй хўжалигини бошқариш” деган маънони билдиради. Тарихий ривожланиш шундан далолат берадики, дастлабки даврларда ҳаёт кечириш асослари кўпроқ одамларнинг табиат неъматларини бевосита ўзлаштиришидан иборат бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб одамларнинг ўзаро алоқалари, тажрибаси, фан-техника тараққиёти каби иқтисодий омилларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. «Иқтисодиёт» жараёни одамлар ҳаётдаги таъсирларнинг бирлигидан вужудга келади. Демак, истеъмом неъматларида одамларнинг, ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ўз аксини топган. **Иқтисодиёт** – жуда кенг ва муракаб тушунча. Унга, биринчи навбатда, ушбу мамлакат ёки жамиятдаги иқтисодий муносабатлар киради, уларнинг табиати эса мавжуд мулкчилик муносабатлари билан белгиланади.

Тарихий тажриба кўрсатадики, **иқтисодиётни ташкил этиш шакллари** ёки **иқтисодиёт тизимлари** 3 кўринишда бўлган:

- 1) Натурал иқтисодий тизим.
- 2) Режали (буйруқбозлик) иқтисодиёт тизими⁵.
- 3) Бозор иқтисодиёти тизими.

Ана шу **3-бозор иқтисодиёти тизими**га ҳам 4 йўл билан бориш мумкин:

- 1) Тадрижий (эволюцион) йўл билан.
- 2) Инқилобий (революцион) йўл билан.
- 3) «Шокотерапия» йўли билан.
- 4) Ислоҳот йўли билан (Ўзбекистон ҳозир мана шу йўл билан бормоқда).

Иқтисодиётнинг тузилишида жуда катта 2 даража фарқланмоқда:

- 1) Макроиқтисодиёт.
- 2) Микроиқтисодиёт.

Макроиқтисодиёт – ижтимоий хўжалик, умуммиллий иқтисодиёт, мамлакат миқёсидаги иқтисодиёт ва у ҳақидаги илмдир.

⁵ Йўлдошев Қ., Муфтадинов Ў. Иқтисодий билим асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1997, 16–17-бетлар.

Микроиқтисодиёт – корхоналарда неъматлар ва хизматларни яратиш, уларни истеъмол қилиш ҳамда улар ҳақидаги илмдир.

Иқтисодий сиёсат – давлатнинг халқ манфаатлари йўлида амалга оширадиган иқтисодий тадбирлари тизими. У иқтисодий муносабатларни ифодалайди, иқтисодий тараққиёт йўналишига таъсир этади. Иқтисодий сиёсатнинг моҳияти, мақсадлари ва услублари ижтимоий тузум характери ҳамда объектив қонуниятлари билан белгиланади. Унинг таъсир доираси жамиятнинг иқтисодий қонунлари характериға ва кишиларнинг бу қонунларни билиш даражасига, улардан фойдаланишиға боғлиқ. Давлат бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётга боғлиқ бўлган сиёсатлар ўтказди.

Макроиқтисодий сиёсат – кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, деҳқон хўжаликлари, қайта ишлаш тармоқлари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришға ихтисослашган хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлашдан иборат. Ҳозир мамлакатимизда «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки муассасаси ана шу мақсадда фаолият кўрсатмоқда. “Авваламбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди; деган эди Президент Ислом Каримов; макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди”⁶

Иқтисодиёт ва сиёсат тушунчаларида жамиятнинг 2 асосий соҳасидаги масалалар умумий тарзда ўз аксини топади. Бу соҳаларда бўладиган ўзгаришлар жамият аъзоларининг турмуши ва ҳаёт шароитларида, халқлар ва давлатлар тақдириға, кишилар турмуш тарзи ва тафаккурида юз берадиган тарихий ўзгаришларни ҳам белгилайди. Иқтисодиёт билан сиёсат ва уларнинг нисбатида ижтимоий ҳаётнинг моддий ва маънавий соҳаларида бўладиган ўзгаришларнинг бирлиги ва ўзига хослиги кўринади.

Иқтисодиёт даставвал, жамият аъзоларининг моддий эҳтиёжлари, уларнинг объектив манфаатлари тарзида намоён бўлади. Иқтисодий манфаатлар асосида эса алоҳида олинган шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва ниҳоят жамиятнинг яхлит манфаати ётади. Иқтисодий манфаатлар англаб олиниши биланоқ, у сиёсий моҳият касб этади. Шунга кўра сиёсат маънавий ҳаётда ҳал қилувчи ўрин тутди. Иқтисодиёт билан сиёсат ўртасидаги ўзаро боғлиқликдан ташқари улар нисбатининг қатор объектив қонуниятларини ажратиш мумкин. Бу қонуниятлар жамият тараққиётининг турли босқичларида турлича фарқланиб келган. Жамият моддий ҳаёти унинг бошқа соҳалариға нисбатан белгиловчи аҳамиятға эға. Умуман, ана шу жамият моддий ҳаётининг бошқа соҳаларға таъсири, **иқтисодиётнинг белгиловчи аҳамияти** қуйидаги ҳолларда кўринади (**иқтисодиётнинг сиёсатға нисбатан фарқли томонлари**):

1. Иқтисодиёт аниқ намоён бўлмай пировард натижада кўринади. Шунга кўра у ёки бу гуруҳлар олиб борадиган сиёсатнинг асосини уларнинг жамиятдаги моддий аҳволдан қидирмоқ лозим. Шундагина бу сиёсат қандай иқтисодий манфаат, кимларнинг манфаати ифода этилганлиги ва қандай ишлаб чиқариш усули ҳимояланаётганлигини билиш мумкин бўлади.

2. Иқтисодиётнинг сиёсатға нисбатан белгиловчи ўрни вақт жиҳатдан намоён бўлади. Сиёсат иқтисодиётға бир жиҳатдан тобедир.

3. Иқтисодиёт сиёсатға нисбатан бирламчи. Сиёсий ўзгаришлар бора-бора иқтисодиётға хизмат қилади (сиёсат иқтисодиётға хизмат қилмаса сиёсатбозликка айланиб қолади).

4. Иқтисодиёт қонунлари объектив амал қилади, у сиёсат томонидан яратилмайди, уларни сиёсий йўл билан бекор қилиб бўлмайди.

Энди сиёсатнинг иқтисодиётға нисбатан мустақиллиги қуйидагилардан иборат:

1. Сиёсат ўз келиб чиқишидан қатъи назар, уни юзаға келтирган иқтисодиётға нисбатан маълум даражада мустақил ҳисобланади. Лекин унинг нисбий мустақиллиги аниқ шароитларға боғлиқ бўлиб, ўзгарувчанлиги турлича бўлиши мумкин.

⁶ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 68 б.

2. Сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида ўзига хос вазифа ва қонуниятларга эга. Буни сиёсатнинг бош институти бўлган давлатнинг нисбий мустақиллигида кўриш ҳам мумкин. Давлат иқтисодиётнинг белгилловчи таъсирида бўлса-да, ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланади.

3. Сиёсатнинг иқтисодий ривожланишдан олдинга кетиши қонунияти унинг нисбий мустақиллигини билдиради.

4. Баъзан сиёсатнинг иқтисодий талабларга нисбатан орқада қолиши қонунияти амал қилиши мумкин. Негаки, тараққиётдан манфаатдор бўлмаган кучлар ўз ҳукмронлигидан маҳрум бўлишдан қўрқиб, имкон қадар эскича консерватив сиёсатни давом эттиравериши мумкин.

5. Сиёсатда ички мантиқ мавжуд бўлиб, у фақат иқтисодий таъсир остида бўлмайди, балки маълум бир қоидаларга ҳам риоя қилинади.

6. Сиёсат иқтисодиётга қайта таъсир этганида иқтисодий эҳтиёжлар ифодаланади, унга кўмак беради.

7. Ҳокимият бир гуруҳ қўлидан иккинчи гуруҳ қўлига ўтган вақтда сиёсат иқтисодиётдан устун туришини ҳамиша сиёсий жараён тасдиқлаб келмоқда.

8. Сиёсат бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муаммоларни ҳал этишни талаб этади. Бозор иқтисодиёти – товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонунлар асосида бошқариладиган иқтисоддир.

Бозор иқтисодиётининг муҳим томони ишлаб чиқилган товарга кишилар эҳтиёжини қондириш учун зарур миқдор ва турда, бозор тан оладиган даражада меҳнат сарфланади. Сарфланган ижтимоий зарур меҳнатга мувофиқ амалга ошувидир. Бозор иқтисодиётининг энг муҳим қонунларидан бири, бу қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи қонунидир.

Тарихан бозор иқтисодиётининг 2 тури мавжуд: 1) тартибсиз, стихияли ривожланувчи бозор иқтисодиёти; 2) сиёсий жиҳатдан тартибга солинувчи, бошқариладиган бозор иқтисодиёти бўлиб, жамият бундай бозорга давлат орқали ва иқтисодий воситалар (наrx, солиқ, фойда, рента, субсидия ва ҳ.к.) билан маълум йўналиш беради, унга онгли равишда таъсир кўрсатади. Ҳозирги даврда дунё мамлакатларида бозор иқтисодиётининг бу тури кўпинча ҳукмронлик қилади.

Президент Ислам Каримов 1992 йилда «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарини ёзди. Асарда демократик жамият қуришнинг жаҳон тараққиёти тажрибаси таҳлил қилинди. Ўзбекистонда демократик, ижтимоий адолатли жамият қуришнинг кенг қамровли йўналишини, тараққиётнинг **ўзбек моделини** асослаб берди. Бугунги кунда Ўзбекистон ана шу демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни ўз олдида мақсад қилиб қўйди. Ана шу сиёсат негизида ўзбек модели ётибди. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ислохот йўлини танлар экан, шу асосида ички сиёсат олиб боришнинг 5 та асосий тамойилини ишлаб чиқди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиётнинг мафкуравий мақсадларга бўйсундирилмаслиги ва сиёсатдан устунлиги. (Биз ана шу масалага кўпроқ тўхталамиз). Бунда иқтисодиётни мафкурадан холи этиш – демократик ва бозор ўзгаришларининг асоси қилиб қўйилди. Биринчи навбатда иқтисодий негизни барпо этиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шарти эканлиги уқтирилади. Иқтисодиёт мафкуравий тазйиқларсиз, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ равишда ривожланиши лозим. Ўзбекистоннинг ижтимоий бозор иқтисодиётида ўз андозасини яратишда қуйидаги энг муҳим элементларни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

- 1) кишилар фаровонлигини оширишни таъминлайдиган ижтимоий йўналиш;
- 2) макроиқтисодиётни ўстириш;
- 3) иқтисодий бошқарув методларини жорий этиш;
- 4) давлат томонидан бошқарилишдан узоқлаштириш, жамият ҳаётини, айниқса иқтисодиётни эркинлаштириш;
- 5) иқтисодиётга чет эл сармояларини жалб этиш;

б) аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилиб, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Бозор механизмларини ишга солиш учун, аввало⁷:

- 1) мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатини ўтказиш;
- 2) баҳони босқичма-босқич эркинлаштириш;
- 3) бозор инфратузилмасини шакллантириш;
- 4) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

2. **Давлатнинг бош ислохотчилиги тамойили.**

3. **Жамият ҳаётида қонун устуворлиги тамойили.**

4. **Кучли ижтимоий сиёсат – иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли кафолати.**

5. **Бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма босқич - тадрижий йўли.**

6. Маданий-маърифий сиёсат – давлат сиёсатининг устувор йўналиши тамойили. Бу тамойил 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчиликлари маркази фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Президент Фармонининг 1-бандида келтирилди.

7. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисоблансин. Бу Президентнинг 1997 йил 6 октябрдаги Фармонида қайд этилди.

8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларни ёшлар ижтимоий онги ва қалбига чуқур сингдириш.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичлари:

1. **Биринчи босқич.** Бозор иқтисодиёти ва инфратузилмасининг ҳукукий асосларини яратиш. Бу масалага доир биржалар, тижорат банклари, суғурта компаниялари, савдо уйлари, турли ширкатлар ва қўшма корхоналар тузиш бўйича 5 йил ичида (1991–1994 йиллар) 300 дан ортиқ қонун, фармон, қарорлар қабул қилинди.

2. **Иккинчи босқич.** Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Бу масалага 1994–1995 йиллари кенг эътибор берилди ва 1999 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда майда ва ўрта давлат мулклари хусусийлаштирилди, давлат тасарруфидан чиқарилди.

3. **Учинчи босқич.** Тахминан 1999 йиллардан то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олмоқда. Бу даврда ўрта ва йирик мулклар давлат тасарруфидан чиқарилмоқда, ўрта мулкдорлар синфига эътибор қаратилмоқда.

4. Ҳар уччала босқичда ҳам чет эл сармояларини кенг миқёсда республика иқтисодиётига жалб қилишга эътибор берилди ва берилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг уч мезон ва қадриятлари мавжуд:

- 1) хусусий мулк;
- 2) эркин тадбиркорлик;
- 3) рақобат.

Ана шу даврда сиёсатда, маънавиятда: а) зиёли мавқеи; б) маърифат нури; в) ижодкор сўзининг қадри ва салмоғи бўлмоғи керак.

4.2. Ижтимоий сиёсат мазмуни, моҳияти, мақсади, сиёсий жиҳатлари ҳамда унинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон давлати олиб бораётган сиёсат 4 асосий соҳа – иқтисодий, сиёсий, социал (ижтимоий) ва маънавий соҳаларни ўз ичига олади.

«Социал» тушунча кенг маънода олганда табиатдан ташқари инсон жамиятига тааллуқли барча соҳаларни қамраб олади. Иқтисодий, сиёсий жараёнлар ва жамият маънавий ҳаётининг бутун соҳаси **социал соҳа дейилади**. Ижтимоий ҳаёт ҳақида гапирганда «социал» термини тор маънода ишлатилади. Жамиятнинг социал соҳасидаги масалалар хилма-хил бўлиб, уларни ҳал этиш сиёсатга боғлиқ. Фақат илмий жиҳатдан

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 301–306-бетлар.

асосланган тўғри сиёсатни ишлаб чиқиш орқали бу соҳада асосий мақсадга эришиш мумкин. Лекин социал соҳада танланган йўл ҳамма вақт ҳам муваффақиятли бўлмаслиги мумкин. Масалан, собиқ шўро тузумида тутилган ижтимоий сиёсат бунга мисол...

Социал сиёсат – бу халқ фаровонлигини ошириш, ижтимоий ва миллий муносабатларни такомиллаштириш, турмуш тарзини ўстириш йўли билан фаровон, озод ва обод Ватан барқарорлигини мафкуравий, сиёсий-ташкилий жиҳатдан таъминлашдир.

«Социал сиёсат» тушунчаси кенг маъноли бўлиб, у ўзида ижтимоий ҳаётнинг алоҳида бир соҳасида бўладиган ўзгаришларни акс эттиради. Унинг асосини давлат ва сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатларнинг жамият аъзолари турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган фаолияти ташкил этади. Социал сиёсат ижтимоий соҳа билан узвий боғлиқ. Социал соҳага эса синфлар, гуруҳлар ва миллатлар, шаҳар билан қишлоқ муносабатлари, ақлий ва жисмоний, интеллектуал меҳнат, жамият билан шахс ўртасидаги муносабатлар киради. Социал соҳага сиёсий ёндашишнинг 2 муҳим жиҳатини эътиборга оломоқ зарур:

1) Социал соҳани жамиятнинг сиёсий муносабатларидан ажратилган ҳолда қараш мумкин эмас.

2) Сиёсат социал соҳага қанчалик таъсир қилса, социал соҳадаги ўзгаришлар ҳам сиёсат ўзгаришига таъсир этишини ҳисобга олиш лозим.

Социал сиёсатда 2 муҳим томон, жиҳатлар борки, уларни эътибордан қочирмаслик керак:

1) Меҳнаткашларнинг, меҳнат жамоаларининг, барча аҳолининг манфаатларини кўзлаб, уларнинг ҳаёт даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, бунинг учун зарур чора-тадбирларни амалга оширган ҳолда бу жараённинг олдини олиш демакдир.

2) Иккинчи муҳим жиҳати эса, эҳтиёжманд соҳаларнинг, ногиронлар, қариялар ва болаларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, айниқса, она ва болалик муаммоларини асло эътибордан четда қолдирмасликдан иборат. Ишсизликнинг олдини олиш, вақтинча ишсиз қолганларга қонун асосида кўмак бериш, ҳеч кимни медицина ёрдамидан четда қолдирмаслик, одамларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш.

Социал соҳани муваффақиятли ҳал этиш, ривожлантириш сиёсатга боғлиқ бўлганлиги учун бу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда илмий жиҳатдан асосланган сиёсий йўлни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун қуйидаги объектив ҳолатлар эътиборга олинади лозим:

1) Давлатнинг қонун чиқарувчи органларида (Олий Мажлисда) фаолият кўрсатувчи халқ депутатлари аҳолининг ижтимоий аҳволини чуқур биладиган кишилар бўлиши керак. Бизнинг давлатимиз ана шу томон бормоқда.

2) Сиёсий партиялар, ташкилотлар ва сиёсий ҳаракатлар социал соҳаларда мавжуд бўлган камчиликларни объектив баҳолашлари лозим.

3) Бу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўллари ишлаб чиқишда моддий ва маънавий имкониятларни тўла ҳисобга олиш зарур.

Социал бошқарув методлари қуйидагилардан иборат:

1. Маъмурий-буйруқбозлик усули. Биз бундан воз кечдик.

2. Иқтисодий метод.

3. Ахлоқий таъсир кўрсатиш методи.

4. Ҳуқуқий тартиб ўрнатиш методи.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида социал масалани сиёсий ҳал этишда маъмурий-буйруқбозлик методларидан воз кечди. Бу сиёсат чуқур демократизмга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Айниқса бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг иқтисодий методи кўл келмоқда. Бу фикрлар хилма-хиллиги, тўла ошқоралик шароитида ижтимоий масалалар тадрижий йўл билан ҳал қилинмоқда. Юқоридаги методлар турли мамлакатларда турлича ҳал этилмоқда. Шу билан бирга социал бошқарувни амалга оширишнинг ташкилий принциплари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Демократизм ва халқ оммасига таяниш.
2. Демократик централизм.
3. Жамоа ва якка раҳбарликнинг уйғунлашуви.
4. Шахсий масъулият.
5. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш.
6. Ҳисоб ва назорат.

7. Давлат ва жамоат ташкилотлари функцияларини бир-бири билан уйғунлаштириш.

8. қонунчилик, ошкоралик.
9. Ҳудудий-маъмурий бошқарув.

Бу тамойиллар дунё мамлакатларида социал бошқарувни амалга ошириш ва уни ташкил этиш, ижтимоий жараёнларни тартибга солишда қўлланилмоқда.

Социал сиёсатни шакллантиришнинг асослари қуйидагилардан иборат:

1. Сиёсий асослари: мустақилликнинг эълон қилиниши, фуқаролик.

2. Ҳуқуқий асослари: 1992 йил 8 декабрда ЎзР Конституциясининг қабул қилиниши.

3. Иқтисодий асослари: табиий ресурслар, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари: хусусий, жамоа, давлат, аралаш.

4. Маънавий асослари: миллий, диний, ахлокий, бадиий кадриятлар.

Президент Ислам Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992), «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли» (1993) каби асарларида «ўзбек модели»ни асослаб берар экан, унинг ички сиёсатида 5 асосий тамойилни ишлаб чиқиб, уларни тўла изохлаб берган эди. Ана шу 5 та тамойилнинг бири тўртинчиси **кучли ижтимоий сиёсат** бўлиб, у иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли кафолатидир. Кучли ижтимоий сиёсат тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1) Аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорини шакллантириш. 2001 йил 13 февралда Президентнинг «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. У Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги негизида ташкил топди.

2) Даромад сиёсатини юритиш: пул даромадлари.

3) Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш.

4) Ижтимоий таъминот ва ижтимоий кафолатлар, кам таъминланганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

5) Халқнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш.

6) Ҳар кимнинг меҳнатига ва ҳар кимнинг қобилиятига яраша тамойилини таъминлаш. Адолат – кишилар ўртасидаги тенгликни назорат қилиш, токи бир тоифа бошқаси устидан ҳукмрон бўлмасин, ҳар қайси табақа ушбу қоидага риоя қилсин (Ҳусайн Воиз Кошифий. «Ахлоқи Мухсиний» – 1440–1505).

Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» (1997) асарида бозор муносабатларига ўтиш даврининг мураккаб синовларидан эсон-омон ўтишда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаларини кўрсатиб қуйидаги 4 та масалага алоҳида эътибор берган эди:

1. Ижтимоий зиддиятларга йўл қўймаслик.

2. Одамларни даъват этувчи ижтимоий сабабларни рўёбга чиқаришнинг аҳамияти.

3. Кенг кўламдаги узок муддатли ислоҳ қилиш жараёни дастлабки ўтиш даврининг мураккаб жараёни эканлигини назарда тутиб, алоҳида ижтимоий сиёсат юритиш.

4. Ўтиш даврида одамларнинг тафаккур юритиш психологиясининг ўзгаришини назарда тутиш.

Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш йўли, уни яхшилаш ва самарасини кўтариш вазифалари, йўл-йўриқлари қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш.

2. Давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларининг маблағларини кенг жалб этиш.

3. Одамлар куч-қобилиятларининг тўла-тўқис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли механизмни вужудга келтириш.

4. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасидаги катта фарқларга асоссиз йўл қўймаслик. Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган қатламларни шакллантириш. (кескин табақаланиш 8 дан 7,5 бараварга тушди).

5. Қашшоқликка қарши кураш. Аҳоли энг муҳтож қатламининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш. БМТ БА 1996 йилни қашшоқликни тугатиш Халқаро йили деб эълон қилган ҳам эди. Ғарбий Европа мамлакатларида энг бой 10% фуқароларнинг даромади энг ночор 10% фуқаролар даромадидан 8–12 марта ортиқ, АҚШда эса бу кўрсаткич 16–18, Россияда 13–14, Ўзбекистонда 6%га тенг бўлмоқда.

Фақат бойлик учун ёки бойлик ва бойларга қарши эмас, балки **камбағаллик ва қашшоқликни тугатиш** йўлида бозор иқтисодий имкониятларини ишга солиб, ўрта қатламни вужудга келтиришга уринган мамлакатлар (Швеция, Австрия, Германия) ижтимоий тараққиётга эришдилар. Булар учинчи йўл, яъни ислохотлар йўли орқали эришдилар. Ўзбекистонда ҳам мана шу ўрта табақани шакллантиришга Президент томонидан эътибор берилмоқда.

Халқаро политологлар нисбий қашшоқликка тавсиф беришда 3 хил ёндашув мавжудлигини таъкидлашади:

1. Кўпроқ бозор муносабатларига нисбатан ишлатилади. Бунда аҳоли жон бошига тақсимланадиган даромадлар энг кам истеъмол халтаси деб аталувчи кўрсаткичга, яшаш минимумига тақсимланади. Бу кўрсаткичдан ҳам паст даромадга эга бўлган кишилар қашшоқлар сафига мансуб деб аталади.

2. Нисбий қашшоқликнинг иккинчи хили ҳар бир инсонда мавжуд бўлган қобилиятларни амалга ошира олмаслик ҳисобланади. Даромадлар инсоннинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришда восита холос.

3. Нисбий қашшоқликнинг учинчи хилини ихтиёрий камбағаллик деб атаса бўлади. Турмуш даражаси ва имкониятларини амалга ошириш шароитларига кўра теварак-атрофдаги бошқа тоифа одамлар ва жамиятда таркиб топган меъёрлардан сезиларли тарзда ортда қолган кишилар камбағал ҳисобланади. Бошқача айтганда, инсон даромадларининг етарли эмаслиги ёки ўз имкониятларини амалга оширишга қурби етмаганлигидан эмас, балки ён атрофидаги бошқа тоифа одамларга нисбатан имкониятлари камлиги учун ҳам камбағал ҳисобланиши мумкин.

Камбағаллик шахснинг ишёқмаслиги ёки мулкдан маҳрумлиги натижасида юзага келиши ҳам мумкин. Аммо камбағаллик бирор бир бахтсизлик, тасодиф ва бошқа ҳолатлар натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Биз иккинчи бобда баён этганимиздек, Адам Смит ёзади: «Мулкка эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этилган инсон фақатгина иложи борица кўпроқ ейиш ва иложи борица камроқ ишлашга манфаатдор бўлиши мумкин». Яна ана шу инглиз иқтисодчиси таъкидлаганидек, «Буюк миллатлар хусусий шахсларнинг хўжасизлиги туфайли ҳеч қачон камбағаллашмайдилар, балки улар кўп ҳолларда давлат ҳокимиятининг хўжасизлиги ва нодонлиги туфайли камбағаллашадилар».

Социал сиёсатнинг асосий йўналишлари. Булар аввало қуйидагилардан иборат:

1. Жамият аъзоларининг меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларини яхшилашга қаратилган сиёсий йўлни ишлаб чиқиш керак.

2. Аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматни ташкил этишнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш лозим.

3. Халқ фаровонлигини ошириш ва тақсимот муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган сиёсат юритиш.

4. Жамиятнинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари тўғрисида ғамхўрлик ва болали оилаларга ёрдамни кучайтиришга қаратилган сиёсат бўлиши керак.

5. Ҳаётнинг ижтимоий, маиший шароитларини яхшилашга қаратилган сиёсат юритиш (аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, уй-жой муаммоларини ҳал этиш, турмуш ва ишдан ташқари вақт.).

6. Маориф ва маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатларини ишлаб чиқиш (таълим тизими ва уни такомиллаштириш, маданий қурилиш ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш).

7. Меҳнат соҳасида ижобий, прогрессив ўзгаришларни амалга оширишга қаратиш (меҳнат қилиш ҳуқуқи, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатни социал ташкил этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш).

8. Жамиятнинг соғлом ижтимоий-руҳий муҳитини шакллантиришда социал сиёсатнинг ролини ошириш (ижтимоий ахлоқ, уни инсонийлаштириш, жамиятга зид ҳолатларга қарши кураш, турмушнинг ахлоқ негизларини мустаҳкамлаш ва ҳ.к.).

Демак, “давлат бошқаруви органларининг вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, - деган эди Ислон Каримов; эски маъмурий буйруқбозлик тизимига ҳос ўз умрини яшаб бўлган ортиқча бўғин ва вазифалар, биринчи галда тақсимлаш функциялари кескин тарзда қисқартирилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ чегаралаб қўйилди”⁸

4.3. Социал сиёсатда ижтимоий адолат, муҳофаза ва қафолат масалалари

Социал сиёсатда ижтимоий адолат, ижтимоий муҳофаза (ҳимоя) ва ижтимоий қафолат масалалари алоҳида ўрин тутати.

1. Ижтимоий адолат масаласи. Ижтимоий адолат – жамиятнинг демократик ривожланиш даражасини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш нормаларини, миллат ҳаёт тарзининг ахлоқий тимсолини белгиловчи давлат сиёсати, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган табақалари манфаатини кўзлаб, миллий бойликларни тақсимлаш тартибидир. (Юридик энциклопедия. Т.: «Шарқ», 2001, 176-бет).

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ҳам зарур. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислон Каримов ички сиёсатдаги 5 та тамойилнинг биттаси, яъни учинчи тамойил: жамият ҳаётида қонун устуворлиги ҳақида тўхталган эди. Ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб, бундай хўжаликни шакллантиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Ижтимоий йўналтирилган қонунчилик асосини яратиш – бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига ҳос хусусияти ҳамдир. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак. Қонун ҳужжатлари бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши лозим. қонунга бўйсунтириш керак. Қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилидир. қонун олдида ҳамма баробар. Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига ҳос хусусиятидир. Ҳуқуқий давлатнинг элементлари: 1) қонун устуворлиги; 2) қонун олдида ҳамманинг тенглиги; 3) ҳамма ўз иш фаолиятини қонун доирасида бажариши; 4) ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили амал қилади: а) қонун чиқарувчи ҳокимият; б) ижроия ҳокимият; в) суд ҳокимияти; г) оммавий ахборот воситалари – «тўртинчи ҳокимият» иш юритади.

Демак, ижтимоий адолат – реал халқ ҳокимиятидан ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигидан, миллатларнинг амалдаги тенг ҳуқуқчилигидан, шахснинг ҳурмат қилинишидан, унинг ҳар томонлама камол топиши учун шароит яратиш. Кенг миқёсда ижтимоий қафолатлар: иш билан таъминлаш, маорифдан, маданиятдан, медицина хизматидан фойдаланиш ва уй-жойли бўлиш, кексалар, оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва бошқалар. Ижтимоий адолат тамойилларини қатъий амалга ошириш

⁸ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 73 – б.

– халқ бирлигининг, жамият сиёсий барқарорлигининг, ривожланиш динамикасининг муҳим шартидир.

Демак, **ижтимоий адолат** – ижтимоий онгнинг энг муҳим белгиси бўлиб, шахс, синф ёки ижтимоий гуруҳ имкониятлари ва эҳтиёжлари, ҳуқуқлари ва фаровонлигининг даражаси, жамиятнинг шахсга бўлган муносабати меъёрини, одамларнинг мамлакатда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий, маданий воқеаларга муносабатини, кишилар кундалик фаолиятига давлат ёки жамият томонидан берилган баҳонинг ҳаққонийлигини кўрсатади. Ижтимоий адолатнинг **биринчи амалий вазифаси** ижтимоий муносабатларнинг инсонпарварлигини таъминлашдир. **Ижтимоий адолатнинг иккинчи вазифаси** жамиятда мавжуд бўлган турли гуруҳлар ва табақалар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди, улар орасидаги мувозанатни сақлаб туриш давомида кўринади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин».

Носириддин Тусий (1201–1274, Ўрта осиёлик астроном ва математик) **социал адолатнинг** 3 та асосий талаби мавжудлиги ва у жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омил эканлигини алоҳида уқтирган эди:

1. Адолатнинг биринчи талаби – аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлашдир. **2. Иккинчи талабига кўра**, эл-улуснинг ҳақ-ҳуқуқи тенг таъминланган ҳолда кишиларни хизматга тайёрлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш лозим. **3. Адолатнинг учинчи талаби эса**, барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишга имкон яратишдан иборат.

Саккиз аср чамаси ўтиб Президент Ислом Каримов раҳбарлигида бу фикрлар ўз ифодасини топмоқда. И.А.Каримов: 1) «Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига – ошиб-тошиб кетган бойлару, камбағал қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак». 2) Ҳалол меҳнат кишиларига имконият яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган. 3) «Адолатнинг учинчи талаби» жамият тараққиёти ва унинг сиёсий муҳитини белгилашда раҳбар кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишга катта аҳамият беради.

2. Ижтимоий муҳофаза (ҳимоя) – айрим ижтимоий гуруҳларга ҳар томонлама ёрдам бериш учун йўналтириладиган давлат тадбирлари йиғиндиси. Масалан, компенсация, турли енгилликлар ва ҳоказо. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд иқтисодий, ижтимоий вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳолининг моддий ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуини камраб олади. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан биридир. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг манбаи қуйидагилардан иборат:

- 1) давлат бюджети;
- 2) ижтимоий суғурта жамғармаси;
- 3) корхона ва жамоат ташкилотлари ажратаётган маблағлардан ташкил топади.
- 4) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш бўйича хайрия жамғармаларининг («Наврўз», «Маҳалла», «Соғлом авлод», «Саломатлик ва меҳр-шафқат» ва ҳоказо) иштироки бор.

Биргина 1995 йилда Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети харажатларининг 29,3 фоизи ижтимоий-маданий тадбирларга, 21,8% аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилди. Бу жиҳатдан қараганда Ўзбекистонда 30 дан ортиқ курорт, 40 та дам олиш, даволаниш масканлари бор. Улар республикадаги барча корхона ва ташкилотларга мунтазам равишда йўлланмалар тарқатади, уларнинг деярли 20 % кўшни давлатларга тақдим этилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ижтимоий ҳимоя тизимининг ягона концепцияси ишлаб чиқилди. Унда республикада мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам тизими: пенсия таъминоти, болаларга нафақа, ёлғиз кишиларга хизмат кўрсатиш, ногиронларни протез-

ортопедия буюмлари, ҳаракат воситалари билан таъминлаш, тиббий, меҳнат ва ижтимоий жихатдан тиклаш, тиббий хизмат, ишсизларни ишга жойлаштириш ва моддий ёрдам бериш, бир йўла (номунтазам) ёрдам йўналишларида амалга оширилиши белгиланган.

Амир Темур ўз «Тузуқлар»ида баён этишича, «Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб, иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин».

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид бир неча қонунлар, ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996–2000 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинган эди.

Ижтимоий ҳимоя объекти – ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя объектига қуйидаги аҳоли гуруҳлари киради:

1) Ногиронлар. 2) Нафақахўрлар. 3) Ёш болалар. 4) Боқувчисини йўқотган оилалар (204 минг 550 кишидан кўп, 1995). 5) Ёлғиз ва ҳомиладор оналар. 6) қашшоқлик чегарасидан кам даромад олувчи оилалар. 7) Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлар. 8) Вақтинча ва умуман ишсизлар. 9) Ўқитувчилар. 10) Талабалар. 11) Қарилик пенсиясидагилар (1,8 млн. атрофида). 12) Ногиронлик пенсиясидагилар (400 000 киши атрофида) ва ҳоказо.

Ижтимоий ҳимоя объектлари тўлиқ ўрганилмаганлиги боис жон бошига тўғри келадиган даромад ёки ишловчиларнинг иш ҳақидан қатъий назар барчага тенг таъминот ёки бошқа имтиёзлар яратилиши, барча аҳолига ёппасига олиб борилган қатор тадбирлар самара бермади. **Текисчилик** – бу (социализмдаги) моддий неъматларни ҳаммага, қилган меҳнатига қарамай, тенг тақсимловчи қарашдир. Текисчилик тенденциясини бартараф этиш учун аввало меҳнатнинг миқдори ва сифатидаги реал тафовутларга қараб иш ҳақининг табақаланишини таъминлаш керак (Социализмда унинг ҳар иккала қисми бирлаштирилиб, бир бутун қилиб юборилган эди). Ижтимоий ҳимоя илмий тамойилга асосланган бўлиши керак. Бу дегани ижтимоий ҳимоя тизимига энг кам миқдордаги истеъмол савати ва истеъмол бюджетини ишлаб чиқиш ва асослаш, турли усуллар ёрдамида кўрсатиладиган ижтимоий ҳимоянинг ёрдам қийматини аниқлаш, ижтимоий ҳимоя меъёрини белгилаш ва бошқалар киради.

Ижтимоий таъминот. Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш давомида аҳолини, айниқса ночор гуруҳларни аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барпо этилди.

Ижтимоий таъминот тизимида қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги, 12 вилоят ва Тошкент шаҳри ижтимоий таъминот бошқармалари, 233 туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари, 34 қариялар ва ногиронларнинг интернат уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати, «Олтиариқ» ва «Товоқсой» санаториялари, «Ортопедия» илмий-тиббий-техникавий мажмуаси ва унинг вилоятлардаги устахоналари, ҳар бир туманда ижтимоий ҳимоя бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Қарилик пенсияси 25 йиллик меҳнат стажига эга бўлган 60 ёшлик эркакларга, 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган 55 (54) ёшга кирган аёлларга берилмоқда. Пенсиялар 2,6 млн. дан ортиқ, ёлғиз қариялар 33 мингга яқин, 20 турдаги 106 хил имтиёздан 1 млн. дан кўпроқ киши фойдаланмоқда.

Ижтимоий сўғурта жамғармаси 1993 йил 4 августда ЎзР ВМ ҳузурида ташкил этилди. Республикада 1998 йилда 40 га яқин халқаро, республика хайрия жамғармалари, хорижий жамғармаларнинг Ўзбекистон бўлимлари фаолият олиб бормоқда.

Меҳр-шафқат: Жаҳон бўйича етим-есирлар ва ота-она қаровисиз қолган болалар сони 7 млн. дан ортиқ. МДХ мамлакатларида бундай болалар сони 500 мингга етади. 1998 йилда Ўзбекистонда 30 та меҳрибонлик уйи бор эди. Уларда 4675 нафар бола тарбияланмоқда («Мулоқот». 1998, № 4, 30-бет).

Фахрийлар: Республикада 2 млн. фахрий яшайди. Шундан 500 минг нафари уруш, қолганлари меҳнат фахрийларидир.

Республикаимиз аҳолисининг қарийб 3 млн. нафарини меҳнатга лаёқатсиз кишилар ташкил этади. Улар, албатта ижтимоий ёрдамга муҳтож ҳисобланади.

Пенсионерларнинг 1 млн. 200 мингдан ортиғи имтиёзга эга. 40 минг нафари навбатда турибди.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Президентимиз Ислон Каримов «Савоб ишни ҳар ким, ҳар доим ва ҳар куни қилиши керак» деганлар.

2002 йилга келиб дунёда 16 млн. ногирон болалардан атиғи 2% дан кўпроғи махсус таълим мактабларида ўқишади.

Қисқача хулоса

Иқтисодиёт (кенг маънода) – кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган моддий муносабатларни ифодалайди. Шунингдек, табиат билан жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ҳам шу соҳага киради. Ишлаб чиқариш муносабатлари жамиятнинг иқтисодий асосини ташкил этади ва кишилар ҳаётининг барча ҳодисаларини, уларнинг истак ва интилишларини ҳамда ижтимоий муносабатларини тартибга солиб турувчи сиёсий ҳукукий ҳолатлар табиатини белгилайди.

Социал сиёсат бу умумий сиёсатнинг асосий қисмларидан бири бўлиб, ижтимоий режалаштириш ва бошқариш ҳақида иқтисодий, сиёсий, тарбиявий-мафкуравий муаммоларни бартараф этиш билан бирга социал муаммолар ҳал этилади. Социал сиёсатда асосий масала – инсон тўғрисида ғамхўрлик қилишдир. Социал сиёсат фуқароларнинг ижтимоий тенглиги даражасини ифода этувчи социал адолатдир.

Демак, ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Фуқароларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини муттасил яхшилаб бориш.
2. Мулкчилик шакллари ўзгартириш, кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш.
3. Шаҳар ва қишлоқда кенг тармоқли иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратиш орқали уларни бир-бирига яқинлаштириш.
4. Ижтимоий муносабатларнинг ҳамма соҳаларида адолат принципини янада тўлароқ амалга ошириб бориш.
5. Кўп миллатли Ўзбекистондаги миллатлар ўртасида тинчлик, миллатлараро тотувлик ва дўстликни сақлаш ва мустаҳкамлаш.

Демак, жамият аъзоларининг турли қисмларини социал ҳимоялаш соҳасида олиб бориладиган сиёсат турли мамлакатларда турлича намоён бўлсада, бироқ уларда кўпгина ўхшаш томонлар ҳам мавжуд бўлади.

Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Энг асосийси, одамлар турмуш даражасининг ўсиши хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожига боғлиқ бўлиб, у аҳолининг даромадларини оширишда ҳам салмоқли манба бўлиб хизмат қилади. Афсуски, биз бу имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдалана олмаяпмиз»⁹.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодиёт сўзи нимани англатади ва унинг асосий тармоқлари нималардан иборат?
2. Иқтисодиётни ташкил этиш шакллари ёки иқтисодиёт тизимларини изоҳлаб беринг.
3. Макро ва микроиқтисодиёт сўзларига таъриф беринг.
4. Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарининг биринчи ва иккинчи бўлимларини изоҳлаб беринг.
5. Социал сиёсат тушунчаси нимани англатади ва унинг икки муҳим жиҳатини изоҳлаб беринг.
6. Социал бошқарувнинг қандай методлари бор ва унинг ташкилий принципларини баён этинг.

⁹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8 – Т.: «Ўзбекистон», 2000,341-бет.

7. Кучли ижтимоий сиёсатнинг асосий тамойилларини баён этинг.
8. Ижтимоий адолат, ижтимоий кафолат, ижтимоий ҳимоя деганда нималарни назарда тутиш мумкин?

V МАВЗУ. СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ

5.1. Сиёсий ҳокимият тушунчаси, моҳияти, шакли ва тузилиши ҳамда унинг ўринишлари

Сиёсий ҳокимият жамият ҳаётидаги мураккаб сиёсий ҳодисалардан бири. Уни амалга ошириш механизмлари, фаолият кўрсатиш даражаси ниҳоятда ранг-баранг бўлиши билан бирга, унда ҳокимиятнинг бошқа турлари ҳам ўз ифодасини топади, уларнинг ҳар бири ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларига эга.

Ҳокимият тушунчаси оддий тилда ва илмий адабиётларда жуда кўп қўлланилади. Масалан, «оила ҳокимияти», «ота-она ҳокимияти», «давлат ҳокимияти» ва ҳ.к. Илмий манбаларда политологлар – сиёсий ҳокимият тўғрисида, иқтисодчилар хўжалик ҳокимияти ҳақида, социологлар – социал ҳокимият, юристлар – давлат ҳокимияти, диндорлар – илоҳий ҳокимият тўғрисида сўз юритиб, улар ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларини ўрганишда ҳокимият тушунчасидан фойдаланадилар. Демак, ҳокимият тушунчаси кенг ва хилма-хилдир. Ҳокимиятга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

«Ҳокимият – бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, хулқ-атворида, ҳаракатларига иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир».

Ҳокимият тушунчаси «авторитет», «таъсир», «бошқарув», «хукмронлик» тушунчаларидан фарқлаш керак.

Ҳокимиятни **мақсади** ижтимоий ҳаётни тартибга солиш.

Дастлаб аноним ҳокимият (авторитет), гуруҳлар (индивидуал ҳокимият), ҳокимиятсизлик (анархия алмашинуви диктатура).

Дювержи 2 хил : 1-гуруҳ манфаати йўлида, 2-гуруҳни устидан хукмронлик. Умумий тартиб барчани манфаати йўлида барчани бирлаштириш деб айтган эди.

Макиавелли «ўз фуқароларини бошқара олиш қобилияти».

Ҳокимиятнинг 4 қиёфаси.

1 Қиёфа. Ўлчовли мақсадлар борасидаги очик ихтилоф. Биринчиси иккинчисига иродасини ўтқаза олиши. **Р.Даль**.

2 Қиёфа. Қарорларни қабул қилишга йўл қўймаслик. А манфаатига зид қарорларни Б томонидан илгари суришга йўл қўймаслик. **Бахрах, Баратулар**.

3 Қиёфа. Биринчисини иккинчисига таъсир этиши. **Стивен Люкс**.

4 Қиёфа. Ҳокимият фаолиятни бошқа фаолият билан ўзгартириш. **Мишел Фуко**.

Сиёсий ҳокимият - У муайян халқ, синф, гуруҳ, индивид ўзининг сиёсатда ифодаланган иродасини амалга ошириш имкониятидир.

Давлат ҳокимияти - ижтимоий жараёнларни тартибга солувчи бош қурол. У мамлакатда ижтимоий тартибни сақлайди, фуқаролар тотувлиги ва давлатнинг яхлитлигини таъминлайди. Уни ички ва ташқи хуружлардан ҳимоя қилади, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлайди.

Ҳокимиятнинг моҳиятини раҳбарлик, хукмронлик ва бўйсундириш муносабатлари ташкил этади. Ҳокимиятнинг алоҳида тури, бу сиёсий ҳокимиятдир ва унга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

«Сиёсий ҳокимият – бу сиёсий субъектларнинг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йўллар, усуллар ва воситалар ёрдамида амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос

алоҳида шаклидир»¹⁰. Шунингдек, «сиёсий ҳокимият» қуйидаги ҳолатлар билан ҳам белгиланади:

1) **Ҳокимият** – бу жамиятга хос бўлган кишилар ўртасидаги иродага асосланган муносабатлардир.

2) **Ҳокимият** – бу кишилар ўртасидаги сиёсий ҳукмронликдир.

3) **Ҳокимият** – бу давлат ташкилоти тизимидир.

4) **Ҳокимият** – бу маъмурий ваколатларга эга бўлган муассаса ва идорадир.

АҚШ да 3 даражадаги ҳокимият мавжуд:

1. Маҳаллий ҳокимият.

2. Штат ҳокимияти.

3. Федерал (умумдавлат) ҳокимияти.

Сиёсий ҳокимият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у давлат ҳокимияти ва бошқа сиёсий ташкилотлардан таркиб топади. Бу ҳақда кейинги мавзуларда кенгроқ фикр юритамиз. Аввало ҳокимият тушунчаси, унинг тузилиши, кўринишлари, ҳокимиятнинг легитимлиги ва турлари ҳақида фикр билдирмоқ жоиздир. Чунки ҳокимият масаласига турли ёндашувлар мавжуд.

Ҳокимият тушунчасига оид энг муҳим ёндашувлар қуйидагилардан иборат:

1. **Ҳокимиятнинг кенг тарқалган таърифларидан бири – позитив-социологик талқиндир** (немис социологи М.Вебер). Бу талқинда ҳокимият бирор индивиднинг муайян ижтимоий шароитда бошқа индивидга ўз иродасини ўтказиш қобилияти сифатида тушунилади. Ҳокимият муносабатларининг асосини ўзаро таъсир доирасига киритиш муносабатлари ташкил этади. Бундай муносабатлар ҳокимият субъекти ва объекти ўртасида қарор топади.

2. **Ҳокимиятнинг телеологик талқини** (Б. Рассел). Бунда ҳокимият кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришдан иборат. Бу атроф-муҳит, табиат билан қамраб олинади.

3. **Бихевиористик** (ингл. инсон онгини эмас, балки хулқини ўрганиш) **талқини** (XX асрда Америкалик олим психолог Г. Лассуэл таклиф этган). Ҳокимиятни тушунишни реал шахсларнинг ўзаро ҳаракатидан иборатлиги ётади. Инсоннинг ҳокимият орқали бойлик, обрў орттиришидир, ҳокимият – бу уни эгаллаш билан ҳузурланишга имкон берадиган мақсад ҳамдир, дейилади.

4. **Ҳокимиятнинг психологик талқини** (З. Фрейд, К. Густав Юнг, К. Хорни). Бунда ҳокимиятни реал индивидларнинг хулқ-атвори сифатида бихевиористик тушунишдан келиб чиқади. Ҳокимият идораларининг «Ихтиёрий қўшилишга» тайёргарлиги сифатида вужудга келади.

5. **Ҳокимиятнинг тизимли талқини**. Бу талқин ҳокимиятнинг бихевиористик ва психологик таърифларидан фарқ қилади. Бунда ҳокимиятнинг индивидуал муносабатлардан эмас, балки социал тизимдан ҳосил бўлишини баён этади.

6. **Ҳокимиятнинг тузилмавий-функционал талқини** (америкалик социолог Т. Порсонс). Бу талқин ҳокимиятни кенг бўлмаган субъектларнинг муносабати, социал ташкилотнинг хусусияти сифатида, инсонлар бирлигининг ўзини-ўзи ташкил этиш, уюштириш, сафарбар қилиш услублари сифатида олиб қарайди. Ҳокимият – бу ресурсларни, таъсир кўрсатиш воситаларини сафарбар қилишга имкон берувчи социал макондир, ролларнинг хусусиятидан иборатдир. Бошқача айтганда, ҳокимият – раҳбарлик лавозимларини эгаллаш ва муайян функцияларни бажариш билан боғлиқ фаолиятдир¹¹.

7. **Реляцион** (фран. муносабат) **таърифи**. Бу таъриф ҳокимиятни икки шерик ўртасидаги муносабат сифатида олиб қарайди. Бунда улардан бири иккинчисига белгиловчи таъсир кўрсатади. Бу ҳолда ҳокимият унинг субъекти ва объектининг ўзаро

¹⁰ Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 92–93-бетлар.

¹¹ Политология. Ўқув қўлланма. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. «ДАЖБНТ», 2002, 96–109-бетлар.

ҳаракати сифатида намоён бўлади, субъект муайян воситалар ёрдамида объектни назорат қилади.

Ҳокимият тузилиши ва қўринишлари. Ҳокимият – яхлит ва бир бутун ижтимоий ҳодисадир. Бу эса унинг муайян таркибий қисмлардан ташкил топганлигини инкор этмайди. Ҳокимият – бир қатор тузилмалардан иборат бўлган ижтимоий ҳодисадир. Унинг таркибига субъект, объект ва ресурслар киради. Ҳокимиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири - субъектдир. У ҳокимиятнинг бевосита тушунчасидир.

Субъект – ҳокимиятнинг фаол, йўналтирувчи қисмидир. У алоҳида инсон, ижтимоий гуруҳ, кишилар бирлиги, масалан, халқ ёки дунё ҳамжамияти, давлат институтлари, сиёсий партиялар бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай инсон ҳокимиятнинг субъекти бўлавермайди. Ҳокимиятнинг субъектлари хилма-хил. Унинг бошланғич омиллари **индивидлар** ва ижтимоий гуруҳлар, **иккинчилари – сиёсий ташкилотлар, энг юқори даражадагиси субъектлари – сиёсий элиталар, етакчилардир.** Ҳокимият субъекти объект билан ўзаро муносабатларда биринчи даражали роль ўйнайди.

Объект – ҳокимиятнинг иккинчи муҳим элементиدير. У ҳокимият субъекти қарорларининг бевосита бажарувчисиدير. Объект ҳам худди субъект сингари ҳокимиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Бу элементсиз ҳокимиятни тасаввур этиб бўлмайди. **Ҳокимиятнинг объектини қуйидагилар ташкил этади: индивид, ижтимоий гуруҳ, синф, жамият.** Ҳокимият объектнинг сифати, фаоллиги жамиятнинг сиёсий маданияти билан белгиланади.

Ресурслар – ҳокимиятнинг асосини ресурслар ташкил этади. Ресурслар кишиларни рағбатлантириш, жазолаш ёки ишонтиришда қўлланилиши мумкин. Ҳокимият ресурслари хилма-хил. Илмий адабиётларда бир неча турларга бўлинади: **утилитар, мажбурловчи ва меъёрий ресурслар.**

1. Утилитар ресурслар – бу кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари ва талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган моддий ва бошқа ижтимоий воситалардир. Бу воситалардан кишиларни рағбатлантириш учун ҳам, жазолаш учун ҳам фойдаланилади.

2. Мажбурловчи ресурслар – бу маъмурий жазолаш билан боғлиқ бўлган воситалардир. Утилитар ресурслар иш бермай қолса, ундан фойдаланилади. Бунга иқтисодий санкциялардан ҳайиқмайдиганларга суд орқали таъсир қилишни кўрсатиш мумкин.

3. Меъёрий ресурсларга – инсоннинг ички дунёси, қадриятлар ва ҳуққ-атворига таъсир кўрсатувчи воситалар киради.

Ҳокимиятнинг ресурсларини инсон ва жамият фаолиятининг муҳим соҳалари: сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-ахборот, куч ишлатувчи соҳаларга биноан туркумлаштириш ҳам кенг тарқалган.

4. Сиёсий-ҳуқуқий ресурслар – бу ижтимоий тартибни, хавфсизликни, барқарорликни, фуқаролар тинчлигини, жамиятнинг яхлитлиги ва бутунлигини таъминловчи воситалардир. Бу воситаларга дастурий ҳужжатлар, Конституция, қонунлар ва уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар киради.

5. Иқтисодий ресурслар – бунга ижтимоий ва хусусий ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш учун зарур бўлган моддий бойликлар, пуллар, техника, унумдор ерлар, ерости қазилма бойликлари ва ҳоказолар киради.

6. Социал ресурслар – социал стратификациядаги ижтимоий мақом ёки ранг, ўриннинг амалга оширилиши ёки пасайиш қобилиятидир.

7. Маданий-ахборот ресурслари – билим ва ахборот ҳамда уларни олиш ва тарқатиш воситалари: фан ва таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалардир.

8. Куч ишлатувчи ресурслар – бу қурол-яроқ, жисмоний мажбурловчи муассасалар ва бунинг учун махсус тайёрланган кишилардир. Улар ўзагини армия, полиция, хавфсизлик хизмати ташкил этади.

9. Демографик ресурслар – ҳокимиятнинг махсус ресурсларидир. Бу бошқа ресурсларни ишлаб чиқарувчи универсал, кўп функцияли ресурсдир. Инсон – моддий бойликларнинг яратувчиси, аскар ва партия аъзоси, билим ва ахборотнинг эгаси ва тарқатувчиси.

Ҳокимият легитимлиги.

Керман француз сиёсатчиси. Бир мамлакат сиёсий ҳокимиятининг шу мамлакат кадриятларига мувофиқ келиши.

Дювержи - Халқ бирдам бўлган ҳар қандай тартиб легитим.
Вебер 3 га бўлади.

1. Консерватив - Анъанавий урф-одатларга риоя қилиш.
2. Харизматик - илоҳий шахсий қобилият.
3. Легитим - қонуний белгиланган қоидаларга итоат билан бажаришга қаратилган ҳукмронлик.

Легаллик ва легитимлик. Ҳокимиятни ҳуқуқий асосини, унинг ҳуқуқий меъёрларга мувофиқлиги **легаллик**, ҳокимиятга ишонч ва унинг халқ томонидан қабул қилинишини тушуниш легитимлик деб изоҳланади.

Ҳокимиятнинг ҳозирги замондаги хусусиятлари.

1. Ҳокимиятнинг номарказулашув тенденцияси – ўз-ўзини бошқариш.
2. Ҳокимиятнинг байналминаллашуви – НАТО, БМТ
3. Ҳокимиятнинг чуқурлашуви - Ҳокимиятнинг бўлиниши
4. Ҳокимиятнинг ихчамлашуви - Аппаратни қисқариши.

5.2. Демократик ва ҳуқуқий давлат тушунчалари ҳамда мустақиллик ва Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтиш жараёни

Давлат – ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим роль ўйнавчи алоҳида бир ташкилотдир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат халқ манфаатини кўзласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юритишда эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зўравонлик билан иш олиб борса – реакция давлат ҳисобланади. «Давлат» сўзи кўпинча «мамлакат» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Масалан, айрим ҳолларда «мамлакатимиз» деган сўз ўрнида «давлатимиз» деган сўзни учратишимиз мумкин. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари – фуқаролар. Фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунди¹².

Давлат жамият сиёсий тизимида марказий ўринни эгаллайди. Негаки, у ҳокимиятни ўзига энг кўп мужассамлаштирган сиёсий ташкилот бўлиб, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ечишнинг энг кўп имкониятларига ҳам эгадир. Шу туфайли жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи бошқа институт ва ташкилотлар ҳам айнан давлат атрофида бирлашадилар. «Давлат» кенг маъноли тушунчадир. Давлатнинг моҳиятини тушунишда 3 асосий назарий ёндашув мавжуд: **ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий**.

Давлат моҳиятини тушунишдаги 1-ёндашувга кўра, **давлат** – умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади. 2-ёндашувнинг моҳияти шундаки, давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш кууроли бўлиб хизмат қилган. 3-ёндашувнинг асоси қуйидагича: давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўз ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир¹³. Албатта, уччала ёндашувда ҳам муайян асос бор. Янглишув

¹² Қаранг: Конституциявий ҳуқуқ Изоҳли луғат. Т.: «Академия» 2001, 27-бет.

¹³ Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1999, 9–10-бетлар.

бир назарий қараш бошқаларидан устун қўйилиб, мутлақлаштирганда бошланади. Демак, давлатни қўйидагича изоҳлаш мумкин.

Давлат – суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари (қоидалари)ни яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилотидир.

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилотдир.

Давлат – ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади. «Ҳокимият», «давлат» ва «сиёсат» тушунчалари ўзаро жуда яқин бўлиб, бир-бирларини белгилаб беради.

Давлатнинг келиб чиқишига доир назариялар қўйидагилардан иборат:

1. **Теологик назария** («бутун ҳокимият худоники» деган қоидага асосланади).
2. **Патриархал назария** (давлат катталашиб кетган оиладан келиб чиққан).
3. **Шартнома назарияси** (XVII-XVIII асрларда ёйилган, давлат – онгли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси).
4. **Зўрлик назарияси** (давлат зўрликдаги ғолибнинг ҳокимияти).
5. **Ирригация назарияси** (Шарқда улкан ирригация иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан келиб чиққан).
6. **Синфий назария** (К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин – фикрларича давлат иқтисодий сабаблар, ижтимоий меҳнат тақсимоти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамият қарама-қарши синфларга ажралиши туфайли келиб чиққан).

Давлат тўғрисидаги қарашларни энг қадимги даврлардан учратсак-да, уни ҳозирги маънода тушуниш, яъни жамиятнинг сиёсий ташкилоти тарзида ўрганиш Н.Макиавеллидан бошланган.

Давлат ҳокимияти (давлат аппарати) – бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган, муайян тузилмага бирлашган, давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир. Давлат ҳокимияти – халқ ҳокимиятининг махсус тузилма – давлат орқали амалга оширилишидир. Давлат ўз органлари орқали сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Ҳокимият давлат қўлида тўплангандагина у малакали ва самарали амалга оширилиши мумкин. Давлат ўзига тегишли ҳокимият ёрдамида мажбурлов ва таъсир чораларини қўллайди.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг 4 та бўлиниш принципи мавжуд. Ўзбекистон Конституциясининг халқ ҳокимиятчилигига бағишланган 11-моддасида эса давлат ҳокимияти 3 та бўлиниш принципига асосланиши баён этилган. Улар 1) қонун чиқарувчи (парламент); 2) ижро этувчи (Вазирлар Маҳкамаси) ва 3) суд ҳокимияти. 4) Оммавий ахборот воситалари “тўртинчи ҳокимият”дир (бу кўпроқ дунёдаги ривожланган мамлакатларида намоён бўлади). 2002 йил 4 апрелда Олий Мажлис 8-сессиясида «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинди.

1. Қонун чиқарувчи ҳокимият жамият ҳаётининг хилма-хил соҳаларидаги ўзгаришларни, ўзаро муносабатларни тартибга солиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлашга доир қонунларни ишлаб чиқади. Давлат ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилган қонунларни бажариш ва уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади. қонун чиқарувчи ҳокимият ғарбда Парламент, Сейм, Конгресс ва ҳ.к. деб юритилса, Шарқда Олий Мажлис, Кенгаш, Халқ қурали ва ҳ.к. деб аталади.

Парламент (фран. парле – “гапирмоқ” сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади) – давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятини амалга оширади. Парламент биринчи марта XIII асрда

Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари бир неча мамлакатларда, жумладан Англия, Франция, Италия, Канада, Бельгияда тўғридан тўғри парламент деб аталади. АҚШ ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида Конгресс, Россияда Давлат думаси, Литва, Латвия, Польшада Сейм деб аталади.

Олий Мажлис – Ўзбекистон Республикасида ягона қонун қабул қилувчи, унга ўзгартириш киритувчи Олий Давлат органидир.¹⁴ Халқ вакиллари депутатларидан иборат бўлган Олий Кенгаш таркибида 1990–1994 йилларда 150 депутат, 1995–2004 йилларда эса 250 депутат бўлиб, улар сайловчилар томонидан 1) умумий; 2) тенг; 3) тўғри сайлов ҳуқуқи асосида; 4) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Олий Мажлисга 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари 5 йил муддатга сайланади. Олий Мажлис ўз фаолиятини тегишли муддатларда ўтказиладиган сессияларда амалга оширади, сессиялар бир йилда камида 2 марта чақирилиши белгиланган. Зарур ҳолларда навбатдан ташқари сессиялар ҳам чақирилиши мумкин.

2005 йилдан бошлаб Олий Мажлис икки палатали: 1) **қўйи палата** – қонунчилик палатаси кўппартиявийлик асосида округлардан 150 депутат сайланади. Қонун шу қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқуллангач, Президент томонидан имзоланади. 2) **Юқори палата** – Сенат палатаси. Сенат поғонали сайлов йўли билан ташкил қилинади. Бу сайлов тизимидаги янгилик. Ўзбекистон республикаси вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридан 6 кишидан, Қорақалпоғистон Республикаси вилоят, туман, шаҳарлардан депутат кенгашларининг кўшма мажлисида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси Президент томонидан белгиланади. Жами 100 Сенатор мавжуд бўлади. Олий Мажлис аъзоларининг умумий сони 250 депутат қилиб белгиланган.

Олий Мажлис ўз фаолиятига ёрдам бериш учун турли органларни тузади. Олий Мажлисининг ваколатлари Конституция ва Олий Мажлис тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган. 1993 йил 28 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. 1994 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. 2002 йил 12-13 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Дунё мамлакатларининг баъзи парламентларида депутатлар сони қўйидагича:

- 1) АҚШ Конгрессига 535 депутат сайланади.
- 2) Россия Федерал Мажлисига 626 депутат сайланади.
- 3) Миср Халқ Ассамблеясига 454 депутат сайланади.
- 4) Исроил Кнессетига 120 депутат сайланади.
- 5) Финляндия Эдускунтига 200 депутат сайланади.
- 6) Исландия Алртингтига 63 депутат сайланади ва ҳ.к.

Парламентаризм тажрибаси кўрсатадики, парламент 1 палатали ёки 2 палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида 2 палаталидир. XX аср сўнгги ўн йилликларининг ўзида 2 палатали парламентлар сони 45 тадан 70 га кўпайди. Ҳозирги замонда 2 палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. Олий Мажлисининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилган Ўзбекистон республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорига кўра 2002 йил 27 январда референдум ўтказилиб, овоз бериш бюллетенига қуйидаги мазмундаги саволлар киритилди:

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз? (93,65 фоиз сайловчилар «ҳа» деб жавоб бердилар). Ёки овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафаридан 93,65 фоизи, овоз берган, қарши овоз 6,35 фоизни ташкил қилди.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 16–20-бетлар.

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати 5 йилдан 7 йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз? (Умумий сайловчиларнинг 91,78 фоизи «ха» деб жавоб бердилар). Ёки овоз беришда қатнашган 11.117.841 нафардан 91,78 фоизи маъқуллаган, 8,22 фоизни қаршилар ташкил этди.

2. Ижро қилувчи ҳокимият давлатнинг турли идора ва муассасаларидан ташкил топган бўлиб, улар қонунларда ифодаланган тадбирларни ҳаётга жорий этади. **Ижро этувчи ҳокимият** – ҳокимиятнинг алоҳида тури, у қонунчилик (вакиллик), суд ҳокимиятидан холи, мустақил равишда иш олиб боради. Республика ижро этувчи ҳокимиятга Президент бошчилик қилади, жойлардаги ижро этувчи ҳокимиятга эса ҳоким. Ижро этувчи ҳокимият ижро органлари томонидан амалга оширади. **Ижро органлари** – ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органларидир. Ўзбекистон Республикасида Олий ижро органи – Вазирлар Маҳкамасидир, у ҳам ҳукумат ҳисобланади, ҳам коллегиял, умумий ваколатли органдир. Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 23-24 февралда ва 2000 йил 11 февралда икки марта тайинлаб ва тасдиқлаб қўйилди. Ҳозир 21 та вазирлик ва 11 та давлат қўмиталари мавжуд. Ижро органлари турли тармоқ ва соҳаларни идора этади. Республиканинг марказий идоралари: вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқалар. Улар яккабошчилик асосида иш олиб боради. Жойларда ижро этувчи ҳокимиятни ҳокимлар яккабошчилик асосида амалга оширади. Жойларни идора этишда у ўзининг тармоқ идора органларидаги бўлим ва бошқармаларига таянади. Масалан, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, маориф бўлими ёки бошқармалари. Ижро органлари тайинлаш ва тасдиқлаш йўли билан ташкил қилинади ва улар ўзини тайинлаган шахс олдида, шунингдек вакиллик органи олдида ҳисоб беради¹⁵.

Ўзбекистон Республикасида ижроия ҳокимиятнинг раҳбари – Президент, шунингдек ижроия ҳокимият органи бўлиб Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикасида эса Вазирлар Кенгаши ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳисобланади¹⁶.

3. Суд ҳокимияти қабул қилинган ва ҳаётга жорий этилган қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи давлат идоралари муассасаларидан ташкил топади.¹⁷

Президент Ислом Каримов ҳокимиятнинг учинчи тармоғи – суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини баён этган эди. “Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди.”¹⁸

Давлат тузуми – Конституциявий ҳуқуқ (давлат ҳуқуқи) нормалари билан белгиланадиган ва мустаҳкамланадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тизими. «Давлат тузуми» «конституциявий тузум»га қараганда кенгроқ тушунчадир.

Давлат суверенитети – (фран. ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллиги) – давлатнинг ўз ички ишларида ва ташқи муносабатларида бошқа бир давлатдан тўла мустақиллиги¹⁹. **Суверенитет** – ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллиги бўлиб, мамлакатнинг мустақиллигини билдирувчи тушунча. Конституциявий ҳуқуқда давлат суверенитети, миллат суверенитети, халқ суверенитети тушунчалари ишлатилади. **Давлат суверенитети** – ҳокимиятнинг мамлакат ичида олийлиги ва ташқи муносабатларда тўла мустақиллигидир. Бунда ҳеч қандай ташқи давлат ишларига таъсир қила олмайди. **Миллат суверенитети** – миллатларнинг тўла ҳокимиятини, уларнинг тўла сиёсий эркинлигини, ўз ҳаётини ихтиёрий, мустақил давлатни ташкил қила олишини билдиради. **Халқ суверенитети** – халқнинг тўла ҳокимиятини билдиради, яъни халқ жамият ва

¹⁵ Азизхўжаев А. ва бош. Конституциявий ҳуқуқ Т.: «Академия», 2001, 44–45-бетлар.

¹⁶ Юридик Энциклопедия. Тошкент: «Шарк, 2001, 175–176-бетлар.

¹⁷ Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 104-бет.

¹⁸ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 43– б.

¹⁹ Конституциявий ҳуқуқ асослари. Т.: «Шарк, 2001, 251-бет.

давлатни бошқариш имкониятини берадиган ҳамма иқтисодий ва сиёсий воситаларга эга бўлади²⁰.

Давлат рамзлари – Конституцияда белгиланган бўлиб (5-модда), байроқ, герб ва мадҳия ҳисобланади. Асосан ва умуман давлат рамзларига қуйидагилар ҳам киради:

1) Мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси.

а) Давлат байроғи – 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинди.

б) Давлат герби – 1992 йил 2 июлда қабул қилинди.

в) Давлат мадҳияси – 1992 йил 10 декабрда қабул қилинди.

2) Мустақил Ўзбекистон давлатининг номи. Конституциямизнинг 1-моддасидаёқ «Давлатнинг Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маъно англатади» деб ёзиб қўйилган. «ЎЗР» ёки «РУ» деб ёзиш керак, дейилади.

3) Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси (1992 йил 8 декабрда қабул қилинган).

4) Ўзбекистон Республикасининг давлат тили – 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган ва Конституциянинг 4-моддасида тасдиқланган.

5) Мустақил давлат пойтахти – Тошкент шаҳри. Конституциямиз 6-моддасида баён этилган.

6) Мустақил давлат фуқаролиги. Конституциянинг 21-моддасида айtilганидек, фуқаролик ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгисидир.

7) Миллий валюта. 1994 йил 16 июнда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Президент Фармони. 1994 йил 1 июлдан «Сўм» муомалага киритилди.

8) Умумхалқ байрамлари ва бошқалар.

5.3. Давлатнинг асосий белгилари, шакллари ва вазифалари

Давлатнинг асосий белгилари – бу давлатни мустақил давлат сифатида эътироф этиш учун сабаб бўладиган тушунчалардир. Мустақил давлат бўлиш учун ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди, Конституцияси, аҳолиси (халқи), давлат рамзлари, фуқаролиги, армияси, олий ҳокимият органлари, пул бирлиги бўлиши зарур. Демак, давлатнинг асосий рамз-белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзига хос оммавий ҳокимиятининг – давлат (ижтимоий) ҳокимиятининг таъсис этилганлиги, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг, мажбурлаш аппаратининг борлиги.

2. Аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги²¹. Бу фуқароларнинг давлат чегаралари доирасида, муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда яшашини билдиради. Ёки бошқача айтганда, фуқароларнинг ҳудудий жиҳатдан бўлинганлиги.

3. Суверенитетлиги (фран. олийлиги), яъни ички ва ташқи сиёсат юритишда мустақил бўлиш.

4. Ҳуқуқ ижодкорлиги, яъни давлат ҳудудида яшовчи барча кишилар риоя этадиган қонунларни чиқаришга қодирлиги.

5. Давлат аппаратининг сақланиши ва таъминланиши ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун **солиқлар солиниши.**

6. Умуминсоний функцияларни (вазифаларни) **бажариш,** яъни ҳудудни кўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга ошириш учун қуролли кучлар ва бошқа мажбурловчи органларнинг мавжудлиги. Бу махсус давлат органларига: мудофаа тизими, Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, божхона хизмати ва ҳ.к.

7. Конституция, давлат рамзлари ва фуқаролик мақомининг мавжудлиги.

²⁰ Конституциявий ҳуқуқ Изошчи луғат. Т.: «Академия», 2001, 97-бет; Юридик энциклопедия. Тошкент: «Шарқ», 2001, 404-бет.

²¹ Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎЗРИИВ Академияси, 1999, 10–11-бетлар.

Давлат шакли деганда, давлат тузилиши ва бошқарув усулини белгилайдиган ташқи хусусиятлар тушунилади. Давлат олий органларини ташкил этиш, давлат ҳокимиятининг ҳудудий тузилиши ва уни амалга ошириш усуллари дир. Давлат шакли 3 элементдан ташкил топади. Булар қуйидагилардан иборат:

I. Давлатнинг бошқарув шакли.

II. Давлатнинг тузилиш шакли.

III. Сиёсий режим.

Энди буларни алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Давлатнинг бошқарув шакли – Олий давлат ҳокимияти, унинг идоралари, аҳоли билан ўзаро муносабати, аҳолининг ушбу идораларни шакллантиришда иштирок этиш даражаси тушунилади. Дунёдаги барча мамлакатлар бошқарув шаклига қараб давлатни иккига ажратадилар: **монархия ва республика**.

1. Монархия шакли (юнон. якка ҳокимлик) – олий ҳокимият якка ҳоким давлат бошлиғининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқарув шакли. Бунда давлат бошлиғи наслдан-наслга ўтади ва монарх умрбод давлат бошлиғи бўлади.

Монархия давлат бошқарувининг 4 тури мавжуд: 1) Мутлақ монархия; 2) Конституцион монархия; 3) Парламентли монархия; 4) Чекланган монархия.

1) Мутлақ (абсолют) монархия – бунда монархнинг ваколати чекланмаган, у ягона ҳукмдор бўлади. Давлат ҳокимиятини бошқа биронта идора билан чекланмаган монарх (кирол, подшо, император) амалга оширс (масалан, Саудия Арабистонида) бундай монархия мутлақ монархия дейилади. Мутлақ монархия ҳозирги кунда 8 та мамлакатда сақланган, улар қаторига Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлар, Қувайт ва бошқалар қиради.

2) Конституцион монархия – (ёки буни чекланган – парламент ҳам дейилади) шакли ҳам мавжуд. Агар монархнинг ҳокимияти Конституция асосида амал қиладиган бирон-бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия чекланган, конституциявий, парламент шаклида бўлади. Бунда мамлакатда қонунчиликни парламент, ижро ҳокимиятини ҳукумат олиб боради. Масалан, Япония ва бошқа мамлакатлар қиради. Монархлар турли мамлакатларда турли номлар билан аталади. Масалан, Японияда – император, Англияда, Испанияда – кирол, Малайзияда – султон, Қувайтда – амир, Люксембургда – буюк герцог.

3) Парламентлик монархия – мамлакатлари (ҳозирги Англия, Бельгия, Норвегия, Швеция)да кирол шохлик вазифасини ўтасада, мамлакатни тўла маънода бошқаролмайди. Ҳукумат парламент томонидан сайловларда кўп овоз олган муайян партиялар вакилларидан иборат қилиб шакллантирилади.

4) Чекланган монархия – турли тарихий даврда турли кўринишга эга бўлади. Ҳозирги замон олимлари чекланган монархияни (феодализм даврида) табақавий-вакиллик ҳамда конституциявий монархияга бўладилар. Конституцион монархия ўз навбатида дуалистик ва парламент кўринишларга эга²².

2. Республика шакли – (юнон. «умумий иш») ҳокимиятнинг олий идоралари муайян муддатга сайланадиган давлат бошқарув шаклидир. Бунда давлат органлари сайланади (масалан, парламент). Республикада фуқаролар сиёсий ва шахсий ҳуқуққа эга бўладилар. Ҳозирги вақтда дунёдаги барча давлатлардан 140 таси республика шаклида бошқарилади.

Давлат бошқарувининг республика шакли қуйидаги турларга бўлинади:

1) Президентлик республика – бунда давлатни халқ томонидан сайланадиган, жуда кенг ваколатларга эга бўлган Президент бошқаради. У давлатнинг ҳам, ҳукуматнинг ҳам бошлиғидир. Масалан, АҚШ, Мексика, Ўзбекистон ва ҳ.к. Ўзбекистон давлат тузуми – Республика. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – Президент.

²² Исломов З. Давлат ва ҳуқуқ умумназарий масалалар (давлат назарияси). Т.: «Адолат», 2000, 150–151-бетлар

2) Парламентар республика – бунда давлат бошлиғи – сайланувчи мансабдор шахс жуда кичик ваколатларга эга. Унинг ҳукуматни тузиш ва мамлакатни бошқаришда тутган ўрни номигагина аҳамиятга эга. У ҳукуматни бошқармайди, ҳукуматни Бош Вазир бошқаради. Аммо ҳукумат уни тарқатиб юбориши мумкин бўлган парламент олдида жавобгардир. Парламентар республикага Италия, Германия, Венгрия, Австрия кабилар мисол бўла олади. Бу мамлакатларда, яъни парламентар республикада парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар ҳисобланади. Парламент президентни сайлайди. Бунда президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди.

Парламент – бу жамият ҳаётини ойнадай акс эттирадиган кўзгу “Бинобарин жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади”²³

3) Аралаш типдаги республика (ярим президентлик) – бунда президентлик республикаси билан парламентар республика хусусиятлари қўшилиб кетади. Яъни Президент умумхалқ сайловларида сайланиб, юридик ва реал ваколатларга эга бўлади. Бироқ ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва у нафақат Президент олдида, балки парламент олдида ҳам сиёсий жавобгар бўлади. Бунда Президент ҳукуматга умумий раҳбарлик қилади, лекин уни бош вазир бошқаради. Президент маълум ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Масалан, Францияда Президентни халқ сайлайди, у жуда катта ваколатларга эга, аммо у ҳукуматни бошқармайди.

4) Суперпрезидентлик республикаси²⁴.

5) Социалистик республика.

II. Давлатнинг тузилиш шакли. Бу давлатнинг тузилишини билдирувчи хусусият бўлиб, давлатлар 1) федератив (мураккаб) ёки 2) унитар (оддий) ҳамда 3) конфедератив турларга бўлинади.

1. Федератив давлат (фран. бирлашма, иттифок) – маълум сиёсий мустақилликка эга давлатларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади. Федератив давлат миллий ёки ҳудудий тамойиллар асосида тузилиши мумкин. Федерациянинг субъектлари: республика, вилоят, ўлка (Россия), штат (АҚШ ва Ҳиндистонда), ерлар (Германияда) деб аталади. Федератив давлатларда бир неча Конституция, бир неча фуқаролик бўлади. Унитар давлатдан фарқли ўлароқ федерация ҳокимият олий органларининг 2 тизимига эга: 1) федерал органлар; 2) федерация аъзоларининг тегишли органлари. Федерация аъзоларининг тегишли органлари, федерал органлар ўз ваколатлари ва функцияларини бутун мамлакат ҳудудида амалга оширадилар. Федерацияни ташкил этувчи тузилмалар том маънодаги давлатлар эмас.

Федерация ҳудудий ва миллий турларга бўлинади.

1) Ҳудудий федерация.

2) Миллий федерация.

Жаҳонда 20 дан кўпроқ федерациялар бор. Хусусан, АҚШ, Германия, Бразилия, Россия, Ҳиндистон (бир вақтлар собиқ СССР, Чехославакия, Югославия) каби.

2. Унитар давлат (фран. ва лот. бирлик) – давлат ёки миллий давлат тузилишининг оддий кўриниши бўлиб, у давлат тузилиши шаклларида бири ҳисобланади. Бунда давлат ҳуқуқи маъмурий-ҳудудий бирликларга (вилоят, округ, туман, департамент ва ҳ.к.) бўлинади. Унитар давлатда, федерациядан фарқли равишда, ҳудуд, битта конституция, фуқаролик, олий давлат ҳокимияти ягона, олий вакиллик органи, битта ҳукумат мавжуд бўлади. Бу эса мамлакатнинг бутун ҳудудида марказий ҳокимиятнинг таъсирини

²³ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 26 – б.

²⁴ Исломов З., Хусанов О., Мирҳамидов М. Ҳуқуқшунослик. Маърузалар матни. Т.: «ЎАЖБНТ», 2000, 29-бет.

кучайтириш учун ташкилий-худудий шароитлар яратади. Айрим ҳолларда унитар давлатга мухтор давлат ташкилоти мақомига эга бўлган бир ёки бир неча бирликлар кириши мумкин. Масалан, мухтор вилоят, мухтор республика. Ўзбекистон таркибида давлат тузилишига хос белгилари мавжуд бўлган Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд.

Умуман, унитар давлат ягона конституцияга, ягона олий қонунчилик ва олий идора органига эга марказлашган давлатдир. Унитар давлатларга Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғистон, Франция, Италия каби мамлакатлар киради. Унитар давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент бўлади, давлат одатда бир миллатли бўлади.

Конфедератив давлат (лот. иттифок, бирлашма) – давлатлар иттифоқининг муайян мураккаб шакли бўлиб, унда иттифоққа кирувчи давлатлар ўз суверенитетларини тўла сақлаб қоладилар. Конфедерация ҳам халқаро ҳуқуқий ташкилот, ҳам давлат ташкилоти хусусиятларига эга. Ҳозирги кунда дунёда биттагина конфедерация – Европа Иттифоқи мавжуд. Турли даврларда қуйидагилар конфедерация шаклида бўлган: Австрия-Венгрия (1918 йилгача), Швеция ва Норвегия (1905 йилгача), АҚШ (1781–1787 йй.), Швейцария (1815-1989 йй.). Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, конфедерация ўтиш даврининг ёки иттифоқнинг тўла барбод бўлиши ёхуд федератив (иттифок) давлатга айланишининг шаклидир. Конфедерацияда ягона пул тизими ўрнатилмайди, иттифок фуқаролиги бўлмайди ва ҳ.к.

Демократия (грек. халқ ҳокимияти) – халқ ҳокимиятчилиги, сиёсий плюрализм, фуқаролар эркинлиги ва тенглиги, инсон ҳуқуқлари сингари конституциявий принципларни эътироф этишга асосланган давлат тузилиши шаклидир. Демократия халқнинг давлат органларини тузиш, уларнинг ишида иштирок этиши, давлат органлари ишини ташкил этиш, мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали намоён бўлади. У давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократия (биз олдинги бобларда баён этганимиздек) бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклида бўлади. Демократия ҳамма нарсада хоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир.

1. Демократик давлат тушунчаси – бундай давлатда давлат органларини ташкил қилишда, уларнинг фаолиятида, мамлакат фуқаролари турли-туман йўллар орқали кенг иштирок этадилар. Фуқароларнинг давлат органларини ташкил қилишдаги иштироки қонун йўли билан кафолатланади ва уларнинг иштирокига кенг имкониятлар яратади. Демократик давлатда инсон манфаати, кадр-қиммати, ҳаёти, соғлиғи ҳар нарсадан юқори туради. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш чораларини доимий равишда кўриб боради. Давлат фуқаролар назоратида ва уларга турли воситалар орқали ҳисоб беради. Демократик давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиявийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади.

2. Ҳуқуқий давлат тушунчаси²⁵ – давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Бунда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, қонун устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланадиган, ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принципи асосида ташкил этилган демократик давлат.

Демак, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- 1) Халқ ҳокимиятининг амалга ошиши.
- 2) Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги. Яъни, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч ким, шу жумладан, давлат томонидан ҳам ҳеч қандай ҳолда бузилмаслиги.
- 3) Конституция ва қонун устуворлиги.
- 4) Ҳокимият ваколатларининг бўлиниш тамойили.
- 5) Суд мустақиллиги.
- 6) Инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш.
- 7) Давлат ва фуқароларнинг ўзаро масъулияти.

²⁵ Қаранг: Азизхўжаев А., Хусанов О., Азизов Х. Конституциявий ҳуқуқ Изоъли луғат. Т.: «Академия», 2001, 37–38, 140-бет; Саидов А., Таджихонов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Тошкент: ЎзР ИИВА, 1999, 20-бет.

8) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши.

9) Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги.

10) Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.

Ҳуқуқий давлатнинг барча учун умумий бўлган андозаси йўқ. Уни ҳар бир давлат миллий давлатчилик борасида тажрибаларига таяниб, халқнинг зехнияти, кадриятлари ва анъаналарини ҳисобга олиб, ўз стратегик мақсадларига мос ҳолда шакллантиради. Лекин ҳуқуқий давлатчиликнинг дунё тан олган ва умумбашарий қоида-талабларига жавоб берадиган биз юқорида 10 та тамойилларини баён этдик. Бу тамойиллар ҳуқуқий давлатнинг конституциявий асоси. Улар бизнинг Конституциямизда тўлиқ акс этган.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамиятни қарор топтириш учун жамиятни демократлаштириш зарур. Бунда Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, 1) Анъанавий мезонга эътибор бериш ва у билан ҳисоблашиш лозим. 2) Аввал мамлакат аҳолиси турмушини юксалтириш даркор. Чунки турмуш онгни белгилайди. 3) Фуқаролар онги, тафаккурини ўзгартириш керак. Турмушнинг юксалиши ўз навбатида одамлар онги ва тафаккур тарзини ўзгартиришга олиб келади. 4) Ҳуқуқий демократик жамиятга табиий йўсинда, ҳеч зўриқиш ва талофатсиз эришишимиз мумкин²⁶. «Одамлар сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориши зарур».

3. Фуқаролик жамияти тушунчаси – инсоннинг ялпи ҳуқуқлари кафолатланадиган, мафкуравий плюрализм таъминланадиган жамият тузилиши. Бунда ҳар бир фуқаро, жумладан, Ўзбекистон фуқароси ўз ихтиёри билан фуқароликдан чиқиши мумкин. Фуқароликдан чиқмоқчи бўлганлар олдида маълум шартлар қўйилади, яъни улар давлат, жамоа, фуқаролар олдида ҳеч қандай мажбурияти, қарздор ёки давлат ва ҳарбий сирлардан воқиф бўлмаслиги керак. Агар фуқароликдан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ёки унга нисбатан қонуний қучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса, у фуқароликдан вақтинча чиқарилмайди. қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон фуқароси фуқаролигини йўқотади:

1) Чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти идораларига ишга кирса.

2) Чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқароси 5 йил давомида узрли сабабсиз консуллик ҳисобида турмаса.

3) Фуқароликни сохта ҳужжатлар тақдим этиб олган бўлса.

Фуқароликдан чиқариш Ўзбекистон Президенти ваколатига киради.

Фуқаролик жамияти – демак, ҳақиқий фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамиятдир. Ўзбекистон «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясини ишлаб чиқди ва уни изчилик билан амалга оширмоқда. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг қуйи органи бўлган маҳалланинг аввало ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Бу Асосий қомусимизнинг 105-моддасида ўз ифодасини топган. 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қонун, 1999 йил 14 апрелда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қонуннинг янги таҳрири, 2001 йил 9 апрелда Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 2000 йилга келиб Ўзбекистон 13 мингдан ортиқ, Тошкент шаҳрида эса 481 тадан кўпроқ маҳалла фаолият юритмоқда.

Сиёсий режим. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш усули, ташкил этишнинг бир шакли ва йўналишлари мажмуи бўлиб, мамлакатдаги сиёсий вазиятни, яъни жамиятдаги сиёсий эркинлик даражасини ҳамда шахснинг ҳуқуқий ҳолатини билдиради. Аммо бу ҳақда умум эътироф этган ягона фикр йўқ. Аслида сиёсий режимни жамият сиёсий

²⁶ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон шаёт – пировард маъсадимиз. Т.8 - Т.: Ўзбекистон, 2000, 333-бет.

(давлат ҳокимиятини) ҳокимиятини амалга ошириш усуллари, шакллари, йўллари тизимини белгилайди. Бу ҳокимиятнинг функционал тавсифидир. **Сиёсий режим** – давлат шаклининг жамиятда инсон мавқеини белгиловчи энг муҳим элементидир. Давлатчилик тарихида сиёсий режим 2 та катта гуруҳга бўлинади: 1) демократик режим; 2) антидемократик режим.

1. Вакиллик демократияси – демократиянинг бир шакли бўлиб, давлатни бошқаришда, давлат ва жамоат ишларида фуқароларнинг вакиллари орқали иштирок этишидир. Вакиллик демократиясининг ёрқин ифодаси халқ депутатлари бўлиб, улар сайловчиларнинг вакилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам халқ вакилидир. Вакиллик демократияси амал қилиши натижасида фуқароларнинг аксарият кўпчилиги давлат ва жамиятни бошқаришда, уларнинг фаолиятида кенг иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

2. Бевосита демократия – демократиянинг бир шакли бўлиб, у ҳар бир фуқароларнинг давлатни бошқаришда, давлат ишларида бевосита - яъни шахсан иштирок этишидир. Бевосита демократиянинг кўринишларига сайловда овоз бериш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш, қонун лойиҳалари ва бошқа тadbирларнинг муҳокамаси, референдум (умумхалқ овози), фуқаролар йиғини ишларида ҳамда давлат органларига таклифлар киритишда иштирок этиш ва бошқалар киради.

Қадимда Юнонистонда демократия ва олигархия ўртасида кураш тарихи бўлиб келганлигини ҳам унутмаслик керак. Янги даврда унинг мазмуни, эркинлик, фуқаролик, халқ суверенитети, миллий суверенитет, миллий давлат ғоялари ривожланди.

Ҳозирги вақтда демократия – халқни ҳокимият манбаи, деб эътироф этувчи, фуқаролар тенглиги, озчилик ҳуқуқларини ҳимояловчи, давлатнинг асосий органлари - сайловлар натижасида шаклланувчи сиёсий ҳокимият тизими, сифатида тушунилади.

Демократиянинг замонавий моделлари. Илмий адабиётларда демократиянинг 3 асосий замонавий модели мавжуд: либерал, идентитар, плюралистик.

1. Мумтоз либерал демократия модели: икки муҳим соҳани: давлат ва фуқаролик жамиятини бир-биридан ажратади (XIX–XX аср бошларида). Белгилари: 1) ҳокимият манбаи бўлган халқ қаторига мулкдор эркакларгина (қуйи табақа, аёлларсиз) киритилган. 2) Индивидуаллик, шахсни ҳокимиятнинг бирламчи ва бош манбаи, деб билиши кўзга ташланади.

2. Идентитар демократия модели: уни коллективчилик демократияси ҳам дейишади. Белгиси: халқ, миллат, синф яхлитлигидан келиб чиқади. Умумий белгилари: 1) халқни коллективистик талқин этиш; 2) халқ ичида қарама-қарши кучларнинг йўқлиги; 3) эркинликнинг коллективистик, давлат ва жамият ичида фаоллиги; 4) тоталитар табиатга эгалиги; 5) даврнинг таркибий қисмлари тенглиги; 6) умумий сиёсий сафарбарлик; 7) сиёсий ҳуқуқларни юридик жиҳатдан эътироф этиш ва ҳ.к.

3. Плюралистик демократия модели. ғарб демократияси либерал сиёсий тизимидан ўсиб чиққан. Уларга конституционализм, ҳокимиятлар бўлиниши ва ҳоказолар киради. Бунини замонавий демократия модели ҳам дейилади.

Замонавий демократия – хилма-хил ижтимоий гуруҳларга ўз манфаатларини баён этиш ва рақобатли курашда уларнинг мувозанатини акс эттирувчи, муроса-мадорага асосланган бошқарув шаклидир.

4. Репрезентатив демократия – халқ олдида масъул, малакали ваколатли бошқарув ғоясига асосланган.

5. Партиципаторлик демократияси – бошқарувда интеллектуал потенциалга асосланади.

6. Демократия ва шарқ. Шарқ демократиясининг ўзига хослиги. Жамоа.

7. Марксистик концепция (қулдорлик, буржуа, социалистик демократия).

8. Плебисцитар концепция (умумхалқ фикри, референдум йўли билан).

9. Элитар демократик концепцияси.

Ўзбекистон демократиянинг қайси йўналишларидан бормокда?

1. Биринчидан, шарқона демократик йўлдан. Демократик жамиятни барпо этишнинг халқаро тамойиллари, дунё ҳамжамяти эътироф этган қоидалари бор. Булар: 1) фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгаллиги; 2) озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi; 3) барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилиги; 4) давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги; 5) сайлов ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалардир. Булар қарийб барча мамлакатлар Конституцияларида белгилаб қўйилган тартиб-қоидалардир. Бироқ, демократияни жорий этишда буларнинг ўзи кифоя қилмайди. Фақат шунинг ўзи аҳоли барча эҳтиёжларини, маънавий-руҳий оламини қамраб ололмайди. Чунки ҳар бир халқнинг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатлари мавжуд. Демак, демократияга ёндашиш усули бор. Президентимиз: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни, Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожиаи натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди», деганида демократияни жорий этишнинг юртимизда ўзбекона тамойиллари шаклланаётганини кўрсатади.

2. Иккинчидан, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириш эмас, балки табиий, тадрижий ўсишини таъминлаш. Бу дегани Ўзбекистон мустақилликка чиққанидан кейин бир қатор мамлакатлар, жумладан, Туркия, Германия, Англия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг демократик тараққиёт йўллари билан танишди, уларда биз учун ибратли ва ўрганишга арзийдиган жиҳатлари бор. Бироқ Ўзбекистон Президенти бу масалага ўз муносабатини билдирди. «Ҳар бир миллат ўз миллий руҳиятидан келиб чиқиб бу масалага ёндашиши зарур... Одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқ. Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона нусха кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бундай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин», таъкидлайди Юртбошимиз Ислом Каримов.

3. Учинчидан, мамлакат туб аҳолисининг (жамоатчилиқ) руҳиятини ҳисобга олиш лозим бўлади. Ёки ҳурриятга муносабати ҳам бошқалардан андоза олиш, мамлакат туб аҳолиси руҳиятини ҳисобга олмаслик раҳбарни ҳам, аҳолини ҳам, бутун мамлакатни ҳам боши берк кўчага киритиб қўяди. Ғарб демократиясини Шарқ мамлакатларида кўр-кўрона жорий этиш мумкин эмас. Бунинг аччиқ натижалари 1991-1996 йилларда Тожикистон мисолида яққол намоён бўлди.

4. Тўртинчидан, жамиятнинг маънавий қиёфасига боғлиқ, умумий маданий савияси, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, бебаҳо мулк бўлган олий қадриятларига боғлиқ.²⁷ Одатда якка-якка шахсларнинг руҳий кечинмалари, хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворларидан умумжамят кайфияти, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Умумхалқ манфаатларини ҳисобга олиш, унга таянсагина қадриятга айланади, қадриятлар эса – бебаҳо мулк, уларни халқ яратади, халқ баҳолайди, ўзи асраб авайлайди. Демократия худди ана шундай буюк неъмат.

Давлатнинг вазифалари: мамлакатнинг нормал ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва ҳавфсизлигини таъминлаш, иқтисодни ташкил қилиш натижасида фаровон ҳаёт яратиш демакдир. Мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш ҳам давлатнинг вазифасидир. Давлат ўз вазифасини бажариш жараёнида чет мамлакатлар билан алоқалар ўрнатади ва ўз фуқаролари манфаатини чет мамлакатларда ҳам ҳимоя қилади. (Конституциявий ҳуқуқ. Т.: «Академия», 2001, 31-бет). Шу билан бирга давлат ҳокимияти мамлакатда ижтимоий тартибни сақлайди,

²⁷ Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Т.: «Маонавият», 1999, 133–174-бетлар.

фуқароларнинг тотувлигини, давлатнинг бир бутунлигини таъминлаб, уни ички ва ташқаридан бўладиган ҳужумлардан ҳимоя қилади, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва бошқа вазифаларни бажаради.

Давлат ҳокимияти вазифалари ички ва ташқи функцияларга бўлинади:

1) Давлатнинг ички функциялари давлат ички ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолиятнинг асосий йўналишларидир. Ички функцияга қуйидагилар киради:

а) Регулятив (тартибга солиш, бошқариш) – мамлакатда ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш.

б) Кўриқлаш (сақлаш, муҳофаза қилиш) – қарама-қарши кучлар қаршилигини бостириш. Ички хавфни бартараф этиш.

в) Ижтимоий ҳимоя, буйруқбозликнинг олдини олиш, ҳуқуқ тартиботини таъминлаш ёки фуқаролар тотувлигини сақлаш.

г) Маънавий-мафкуравий фаолиятни, сиёсий онгни шакллантириш.

2) Ташқи функциялар – давлатнинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бу ўз навбатида:

а) тинчлик учун кураш;

б) мудофаа ва хавфсизлик – мамлакатни ташқаридан бўладиган ҳужумлардан мудофаа қилиш;

в) халқаро ҳамкорлик: халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш. Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш;

г) бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли нормал муносабатларни бошқариб бориш;

д) умумбашарий муаммоларни ҳал этишда халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш ва ҳ.к.

Қисқача хулосалар

Давлат – жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳлар, синф, ташкилот, ҳамкорликдаги фаолиятини ва ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институтдир.

Давлат ҳокимияти қонунийдир, яъни давлатнинг, унинг органларининг ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилади. Давлат ҳокимияти ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсир қилиб турувчи, ижтимоий жараёнларни тартибга солувчи етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа бирон-бир шакли давлат ҳокимияти сингари кенг имкониятга эга эмас.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти кенг халқ оммасининг иродасини ифода қилувчи халқ ҳокимияти ҳисобланади ва халқ манфаатларига хизмат қилади.

Давлатнинг бошқарув шакли – ҳокимиятни ташкил қилиш олий органларининг ваколатлари, улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ бўлади. Давлатнинг бошқарув шаклини аниқлашда энг муҳим белги – давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақоми қандайлиги, у давлат бошига қандай йўл билан келиши ҳисобланади.

Нazorat ва муҳокама учун саволлар

1. Давлат нима ва уни изоҳлаб беринг?
2. Давлатнинг келиб чиқишига доир қандай назариялар мавжуд?
3. Давлат ҳокимияти деганда сиз нимани тушунасиз?
4. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни сиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?
5. Парламентаризм ҳақида Президентимиз Ислом Каримов қандай ғояларни илгари сурган эди?
6. Ўзбекистондаги Олий Мажлис нима учун 2 палатали қилиб белгиланиши ҳақида референдум ўтказилди, сабаби нималарда деб биласиз?
7. Демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳақида тўхталинг?

VI МАВЗУ. КЎП ПАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИ. ОАВ ВА ДЕМОКРАТИЯ

6.1. Сиёсий партия тушунчаси, унинг классификацияси ва партиявий тизим ҳамда сиёсий ҳаракатлар

Ўрни ва аҳамияти жиҳатидан сиёсий партиялар ва ҳаракатлар жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Сиёсий партиялар жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий сиёсий кучлардан бири ҳисобланади. қайси мамлакатда сиёсий партиялар ҳаракатда бўлмас экан, шу мамлакатда фикрлар эркинлиги ҳам бўлмайди, бу ҳол жамият ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида жамиятда ижтимоий-иқтисодий табақаланиш рўй берган ва бунинг оқибатида манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ифода қилувчи сиёсий партиялар шакллана бошлаган.

«**Партия**» сўзи латинча «part» – қисм, бўлак сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий синф, табақа, гуруҳларнинг бир қисмини, уларнинг энг илғор фаол қисмини бирлаштирган сиёсий ташкилотни англатади.

Сиёсий партия – ижтимоий синф, табақа ва гуруҳларнинг туб манфаатларини ўз фаолиятида ифода этувчи, уларнинг муайян мақсад-манфаатларини, орзу-умидларини ҳимоя қилиш учун курашда уларга сиёсий раҳбарлик қилувчи сиёсий ташкилотдир.

Бошқача айтганда, **сиёсий партия** – жамиятнинг муайян қисми, манфаатларини ифодаловчи ва давлат органлари фаолиятида иштирок этишни ўзига мақсад қилиб қўювчи маслакдошларнинг уюшган гуруҳидир.

Сиёсий партиялар – жамиятнинг муайян ижтимоий табақалари фаол намоёндаларини бирлаштирувчи, сиёсий ҳаётда бевосита иштирок этиш орқали ўз манфаатларини ифодаловчи сиёсий ташкилот. Ёки бошқача изоҳлаганда, **сиёсий партиялар** – қараш ва мақсадлари бир бўлган турли табақа ва гуруҳлардаги фуқароларнинг сиёсий мақсадни кўзлаб тузган бирлашмалари – ташкилотларидир.

Сиёсий партиялар сайловларда иштирок этиб, тегишли органларга ўз вакилларини ўтказиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятида иштирок этади. Шу билан бирга сиёсий партиялар замонавий жамият тизимининг муҳим қисми бўлиб, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради.

Сиёсий партияларнинг вужудга келиши сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш учун мурасасиз кураш олиб бориш зарурияти билан узвий боғлиқдир. Сиёсий партияга ўхшаш институтлар Ғарб ва Шарқда қадимдан мавжуд бўлган²⁸. Тарихдан маълумки, сиёсий партиялар қадимги Юнонистонда ташкил топган бўлиб, улар олдин жуда озчиликни ўз сафларида бирлаштирган. Улар таркиби жиҳатидан жуда тор доирада уюшган сиёсий ташкилотлар бўлган. Улар асосан жамиятдаги турли синфларнинг манфаатларини эмас, балки кулдорлар синфи ичидаги хилма-хил сиёсий оқимлар манфаатларини ифода этган. Афинада гетерийлар, Рим оптимат ва популярлари антик даврида сиёсий партия вазифаларини бажаришган.

Ўрта асрларнинг сиёсий ҳаётида ҳам сиёсий партиялар ўз моҳияти жиҳатидан бир оз фарқ қилган. Фақат мустабидлик ёки мутлақ ҳукмронлик тузумларида сиёсий партиялар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида очиқ ҳаракат қила олмаган.

Саноатлаштириш даврига қадар сиёсий партияларнинг универсал шакли кланлар ва махфий ташкилотлар эди. Кланлар асосан қариндошлик алоқалари билан боғланган кишилардан иборат эди. **Ўрта асрлар** Англиясида Йорклар ва Ланкастерлар, Арабистонда (ўрта асрда) эса алавийлар («Али партияси»), Осиё давлатларида ҳозирги кунда ҳам қариндошлик ва юртдошлик принципларининг сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида аҳамияти катта.

²⁸ Юридик энциклопедия. Т.: «Шарқ, 2001, 392-бет.

XVIII-XIX асрларга келиб, сиёсий партиялар белгиланган тарзда тасдиқланган дастур, низоми ва доимий аъзолиги билан замонавий демократик институтлар шаклланиши даврида пайдо бўлган. Агар партия мухолифат хусусиятига эга бўлса, демократик муассасалар ривожланмаган шароитда махфий ташкилот хусусиятларига эга бўлиб қолади. Масалан, Европада Массонлар ташкилотлари, Ислон дунёсида Исмоилийлар ташкилотлари. Айрим пайтларда бу сиёсий партиялар махфий ташкилот хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Ҳозирги шароитда амал қилаётган сиёсий партиялар ўз ижтимоий аъзоси, таркиби ва сиёсий ҳаракат дастурининг қандай мақсадларга йўналтирилганига қараб 3 гуруҳни ташкил этади:

1. Феодал муносабатлари ва тартибларининг сақланиб қолишини ифода этувчи сиёсий партиялар. Бу гуруҳга Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги феодал муносабатлари сақланиб қолаётган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар киради. Мақсади: феодал тузум тартибларини ҳимоя қилишдан иборат.

2. Буржуа синфи манфаатини ифода этувчи партиялар бўлиб, подшоликни тан олади, баъзан социал-демократик кўринишдаги партиялардир.

3. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, ҳунарманд-қосиблар ўз манфаатини сиёсий фаолиятлари ва ҳаракат дастурларида акс эттирадиган сиёсий партиялардир²⁹.

Аввал бошда капиталистик жамиятда сиёсий партиялар XIX асрда буржуазиянинг турли гуруҳлари томонидан тузилган. **Америка қитъасида:** АҚШ Демократик партия (1828), АҚШ Республикачилар партияси (1854), Колумбия консерватив партияси (1848), Колумбия либерал партияси (1849), Аргентина гражданлар радикал Иттифоқ партияси (1891), Гондурас либерал партияси (1891), Гондурас миллий партияси (1891) ташкил топди. **Европада:** Бельгия католик партияси (1830), Италия республикачилар партияси (1832), Буюк Британия либерал партияси (1832), Буюк Британия консерватив партияси (1867) ташкил топди. **Осиёда:** Ҳиндистон миллий Конгресси партияси (1885). **Африкада:** (асосан XX аср бошларида) Жанубий Африкаликлар миллий конгресси партияси (1912), ЖАР Миллатчилар партияси (1913). **Австралия ва Океания қитъасида:** Австралия лейбористлар партияси (1891), Миллий (собик аграр) партия (1916), Лейбористлар партияси (1916), Австралия либерал партияси (1944) ва бошқа партиялар юзага кела бошлади. Сиёсий партиялар фаолияти Ўрта Осиёда асосан XX аср бошларига келиб ташкил топди. Бу аввало Ўрта Осиёда мустамлакачилик сиёсатига қарши озодлик ҳаракати билан боғлиқ бўлган. Жумладан, шу йилларда кенг ёйилган жадидчилик ҳаракати туфайли «Турон», «Иттиҳоди тараққий», «Бирлик», «Шарқ озодлиги», «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар», «Мифтах ул-маориф» ва бошқа кўплаб ижтимоий ташкилотлар фаолият кўрсатган. Аммо собиқ шўро ҳукуматининг қуролли истилоси натижасида барча миллий сиёсий партиялар фаолияти таъқибга олинди ва батамом тугатилди. Фақат истиқлол туфайлигина Ўзбекистонда сиёсий партиялар том маънодаги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий таркибига айланди.

Партиявий тизим – жамият ичида ижтимоий фаолиятни шакллантирувчи, ташкил этувчи сиёсий институтлар мажмуасидир. Сиёсий институтлар бир томондан сиёсий партиялар билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бошқа томондан – партиялар сиёсий тизимнинг ижтимоий элементлари ва фуқаролар ўзаро муносабатлари ифодаси. Партия тизими маълум бир жамият ёки давлатлар томонидан қабул қилинмаган. Масалан, Бутан, Уммон, Қувайт, Саудия Арабистони кабилар. Шу билан бирга бир партияли ёки кўп партияли тизимлар ҳам мавжуд.

Сиёсий партияларнинг партиявий тизим жиҳатидан **таснифи, турлари.** Дунё давлатларида партиявий тизим классификацияси, турлари қуйидагилардан иборат бўлиб келган:

²⁹ Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 111-112-б.

1. Кўп партиявийлик тизими. Бу тизимда фуқароларга турли партиялардан номзодларни танлаб олишга ва жамиятни давлатлаштиришда у ёки бу дастурга афзаллик беришга имкон яратади. Кўп партиявийлик тизими ўз навбатида:

1) Кўп партиявийлик тизимида **ҳукмрон партияларга** бўлинади. Масалан, АҚШ Демократик партияси (1828), АҚШ Республикачилар партияси (1854), Австралия лейбористлар партияси (1916), Австралия Альянс партияси (1966), Ўзбекистонда ЎЗЛДП (2008), ХДП (1991) ва ҳоказо.

2) Кўп партиявийлик тизимида **ҳукмронсиз партиялар**. Масалан, АҚШ Компартияси (1919), АҚШ Социал-демократик партияси, АҚШ Социалистик партияси. Ўзбекистонда бизнинг тахминимизча, «Адолат» социал демократик партияси (1995), Миллий тикланиш демократик партияси (1995) ва ҳоказо.

3) **Иттифок (блок) партиялари**. Масалан, Германия социал-демократик партияси (1869), Христиан социал Иттифоқи (1945), Эркин демократик партия (1848), Христиан демократик Иттифоқи (1950), «Кўкатпарварлар» партияси (1980) ва ҳоказо.

2. Икки партиявийлик тизим. АҚШда 2 партияли тизим таркиб топган бўлиб, ҳокимият тепасига Республикачилар ва Демократик партия келиб туради.

3. Бир партиявийлик тизими. Тарихнинг бориши якка партиявийлик тизими давлатда диктатура ўрнатилишига олиб келишини тасдиқлади.

Политология таълимотида политологлар сиёсий партиялар тузилишига доир турли фикр-мулоҳазаларни билдирганлар.

Сиёсий партияларнинг тузумга кўра турлари:

1. Буржуа-демократик партиялар.

2. Авторитар партиялар.

3. Социалистик партиялар.

Сиёсий партиялар фаолиятидаги устунлик хусусиятига қараб, уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Авангард типдаги партиялар.

2. Парламент типдаги партиялар.

3. Сайлов кампаниясида иштирок этиш учун тайинланадиган партия (кўпроқ ривожланган мамлакатларда).

4. Муносабат партияси, клуб партияси (маърифатпарварлик характеридаги, масалан, Москва ишчилар клуби ва ҳоказо).

Сиёсий партияларнинг синфий белгиларига кўра: пролетар (ишчи), деҳқон, майда буржуа, буржуа, помещик партиялари мавжуд бўлган.

Сиёсий партиялар мафкуравий белгиларига кўра: коммунистик, социалистик, социал-демократик, халқ, либерал, консерватив, диний ва миллий партияларга бўлинган.

Сиёсий партиялар мавжуд тузумга кўра: инқилобий, ислохотчи, консерватив ва реакцион партиялар бўлган.

Сиёсий партиялар ташкил топиши, фаолият усулларига кўра: демократик, авторитар, тоталитар партияларга ажратилган.

Сиёсий партиялар таркибига кўра: оммавий партиялар, ходимлар партияси, ок суяклар партияси бўлган.

Сиёсий партиялар сиёсий йўналишига кўра: сўл, марказ, ўнг партияларга бўлинади.

Сиёсий партиялар фаолиятига кўра: босиқ, радикал, экстремистик партиялар учрайди.

Демократик жамиятнинг муҳим омилларидан бири бўлган **кўппартиявийлик** мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг вужудга келиши ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг объектив жараёнига айланди. Партия жамият ҳаётини демократлаштиришда ва ҳар бир мамлакат олдида турган вазифаларни белгилаш ва амалга оширишда ўзига хос ўринга эга бўлади ҳамда муайян функцияларни бажаради. **Биринчидан**, жамоатчилик фикрини шакллантиради. **Иккинчидан**, сиёсий

фаолиятда иштирок этади. **Учинчидан**, фуқаролар сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш вазифаларини ўтайди. **Тўртинчидан**, сиёсий маданиятни оширади. **Бешинчидан**, парламент ва ҳукумат фаолиятига сиёсий мақсадлари орқали таъсир кўрсатади. **Олтинчидан**, давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга ошишида фаол иштирок этади.

Партия дастурлари сиёсий-ижтимоий аниқ мақсад ва функцияларга қаратилган бўлиб, улар 2 турга бўлинади.

1. Ички функциясига кўра: 1) жипслаштирувчи; 2) мувофиқлаштирувчи; 3) рағбатлантирувчи; 4) етакчиликка интилиш; 5) Ўзбекистон мавқеига мослиги.

2. Ташқи функциясига кўра: 1) тарғибот ва ташвиқот; 2) маълум сиёсий йўналишга мослаштириш; 3) сиёсий воқеа ва жараёнларга ҳозиржавоблик каби вазифалар киради.

Сиёсий партиялар фаолияти қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади:

1. Ўз фаолият мақсадларини аниқлаш ва белгилаш, ўзининг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадиий қарашлари тизимини яратиш ва уларни кенг омма орасида ёйиш.

2. Жамият аъзоларининг турли манфаатларини ўз фаолияти ва ҳужжатларида мумкин қадар кенг қамраб олиб, улар учун энг маъқул партияга айланишга интилиш.

3. Турли органларга сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда ниҳоятда ўринли ва долзарб шиорларни ўртага ташлаб, сайловчиларнинг мумкин қадар кенг доираси овозини ўз фойдасига ола билиш.

4. Сиёсий партия қаторига янги аъзоларни тортиш ва саралаш йўли билан унинг етакчи ва билағонлари табақасини шакллантириш.

5. Партия дастурида кўрсатилган вазифалар ва ваъдаларни қонун чиқарувчи ҳамда ижроия давлат органлари орқали амалга оширишга ҳаракат қилиш.

Демак, сиёсий партиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида иштирок этадилар.

2. Олий Мажлис сайловларида иштирок этадилар.

3. Маҳаллий вакиллик органларини тузишда иштирок этадилар.

1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 7-сессияси «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонун қабул қилди. (Унгача сиёсий партиялар фаолияти 1991 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун асосида иш олиб борди). Янги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун 17 моддадан иборат. Президентлик ваколатларини бажариш вақтида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиш шарт. Қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар: судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, милиция, хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Сиёсий партия тузиш камида 8 та ҳудудий субъект (вилоят), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида 5 минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади. Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида 50 кишидан иборат бўлиши, партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаши, таъсис съезди ё конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмита тузишлари лозим. Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб 7 кунлик муддатда, кечиктирмасдан Республика Адлия вазирлигига қўмита ҳақида, раҳбарияти ҳақида хабардор қилиши лозим. Ташкилий қўмита 3 ой фаолият кўрсатиши мумкин. Съезд ё конференция чақириши лозим. Таъсис съезди ё конференцияда партия низоми ва дастурини қабул қилади, раҳбарлик органини тузади. Низом қабул қилинган, 1 ой муддатда ЎзР Адлия вазирлигига партия органининг камида 3 аъзоси имзолаган ариза, низом, дастур, таъсис съезди ё конференция баёни, рўйхатдан ўтказиш йиғими – банк ҳужжати ва бошқалар топширилиши керак. Адлия вазирлиги 2 ой ичида кўриб чиқади. Рўйхатдан ўтса, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши керак. Сиёсий партия ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини

эълон қилади ва ўз фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбалари тўғрисида Олий Мажлис ё ваколат берувчи органга ҳисобот тақдим этади.

6.2. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар (улар 4та):

1. Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ХДП) – (1991 й. 1 ноябрь). Биринчи котиби: 1991–1994 йилларда М.Расулов, 1994 йил 1 ноябрдан Абдулхофиз Жалолов. Партия аъзолари 557 минг 100 нафардан кўпроқ. Аъзолари салоҳиятининг 200 мингга яқин қисмини 30 ёш атрофидагилар ташкил этади. 14173 та бошланғич ташкилоти бор. ХДП ўз сафларида кенг оммани – зиёлилар, хизматчилар, деҳқонлар, тadbиркорлар, ёшлар, фахрийларни, 80 га яқин миллат ва элатларни бирлаштирган. 1995–1999 йилларда Олий Мажлисида 69 депутат (27%), 1999–2004 йилларда 50 депутатдан иборат партия фракциясига эга³⁰. Бу жиҳатдан парламент фракциялари орасида 2-ўринда туради. 2000 йил 9 январда бўлган сайловларда мамлакат Президентлигига номзод қилиб А.Жалолов номзоди кўрсатилди ва сайловда 4,17% овозга эга бўлди (И.А.Каримов эса 91,9%).

ХДПнинг олий органи курултой бўлиб, у 5 йилда 1 марта чакирилади. Партия шиори: «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат». 1993 йил декабрида ХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси қабул қилинган. 1999 йил октябрида 3-курултойда қабул қилинган янги таҳрирдаги дастурига «Ёшлар – Ватан келажаги» номли махсус бобни киритди. ХДПнинг мақсади: ижтимоий адолат, мамлакат тараққиёти ва маънавий янгиланишини таъминлаш. Ёки бошқача айтганда, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари:

1. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш.
2. Туб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ислохотларни амалга ошириш орқали раванқ топган қудратли, демократик давлат, адолатли, инсонпарвар жамиятни бунёд этиш.

3. Кишиларнинг миллати, сиёсий қарашлари, диний эътиқодларидан қатъий назар, муносиб ҳаёт кечириш учун тенг имкониятларни яратиш.

4. Фуқароларнинг эркинлик ва ҳуқуқлари, тинч ҳаёт кечиришини кафолатлаш.

Матбуот органи: «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, шунингдек, ойлик «Мулоқот» журнаliga эга. Журналистлари аккредитация қилинган. “Халқ демократик партиясининг сайловлар арафасида аҳолини кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳақида дастурий чиқишлари унинг ижобий натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди”³¹

2. «Адолат» социал демократик партияси (1995 йил 18 февраль).

Партия аъзолари 30 минг кишидан зиёд. 147 шаҳар ва туманларда мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари бор. Кенг омма табақасини ўзида бириктирган. Президент сайловида (2000 йил 9 январь) И.А.Каримов номзодини кўрсатди. Партия шиори: «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак». Партиянинг мақсади: ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, ижтимоий адолат ўрнатиш. Ёки бошқача айтганда, «Адолат» СДП ўз олдида қуйидаги вазифаларни қўйган:

1. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш.
2. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш.
3. Ватанга содиқ хизмат қилиш.
4. Адолатли фуқаровий жамият қуриш.
5. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-демократик талабларга ҳамда мамлакатимизда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг орзу-умидларига монанд шарт-шароит юзага келтиришга ҳисса қўшиш.

Матбуот органи: «Адолат» ҳафталик газетаси.

3. Миллий тикланиш партияси (1995 йил 3 июнь).

³⁰ Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 2-чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 7-сессияси материалларини ырганиш быйича услубий тавсиялар. Т.: «ЎАЖБНТ» маркази, 2002, 10-бет.

³¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 20-21 б.

Партиянинг биринчи котиби дастлаб Азиз Қаюмов эди. Партия аъзолари 10 минг кишидан кўпроқ. Ўз фаолиятида кўпроқ Ўзбекистон зиёлиларига суянади. Ижтимоий қатлам сифатида ўрта табақани, яъни ўқитувчи, врач, муҳандис ва бошқа касб эгаларини ўз сафларида бирлаштирган. Партия ўз атрофида илм-фан, маданият ва маорифга хизмат қилаётган йирик олимларни уюштирган. 2000 йил президент сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлади. Партия шиори: «Миллат, инсон ва Ватан манфаати муқаддасдир». Партиянинг мақсади: давлатнинг умуминсоний кадриятлар асосида миллий тикланиши. Ёки бошқача айтганда, партиянинг олий мақсади:

1. Миллатнинг маънавий бирлиги.
2. Ватан (Туркистон) – ягона оила.
3. Кучли демократик давлат.
4. Миллий кадриятлар.
5. Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция.
6. Замон кишиси.
7. Миллий истиқбол.

МТПнинг матбуот органи: «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси.

Умуман, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ташкил қилиш жараёни кетаяпти. 4 та сиёсий партия ва қатор жамоат бирлашмаларининг вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба олиши, сиёсий етуқликка интилиши ва энг муҳими молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак³².

4. Ўзбекистон либерал-демократик партияси (ЎзЛДП) 2003 йил 15 ноябрда ташкил топган, 150000 дан ортиқ аъзоси мавжуд.

Сиёсий ҳаракатлар. Сиёсий ҳаракатларнинг ижтимоий негизи аввало XIX аср биринчи ва иккинчи ярмида меҳнаткашлар оммаси аҳолининг иқтисодий жиҳатдан тобора оғирлашиши натижасида юзага келиб, ишсизлар сонининг ўсишига сабаб бўлди. Натижада капитализм вужудга келтирган зулм ва эксплуатацияга қарши оммавий норозиликлар кучайди. Бу ҳаракатга 1864 йилда тузилган I Интернационал (1864–1876) назарий ва ташкилий жиҳатдан бошчилик қилди. Дастлаб сиёсий ҳаракатларнинг қуйидаги турлари юзага кела бошлади:

1. **Консерватив** (лот. ҳимоя қилиш, сақлаш) оқим – буржуа синфи қарашларини ўзида жамлади, халқ озодлиги ва прогрессив ғояларга қарши чиқди.

2. **Реформистик ҳаракат** – ишчилар орасидаги сиёсий оқим бўлиб, фаровон жамиятга олиб борадиган ислохотлар йўлини қўллаб-қувватлади.

3. **Революцион сиёсий ҳаракат** – буржуа жамиятини фақат синфий кураш орқали йўқотиб, унинг ўрнига пролетариат диктатураси ўрнатишни мақсад қилиб қўйди.

4. **Контрреволюцион сиёсий ҳаракат** – бу инқилобга зид фитна, суиқасд, фуқаролар уруши, саботаж актлари, қўпоровчилик билан кураш олиб борди.

Сиёсий ҳаракатнинг асосий формалари:

1) Иқтисодий кураш – моддий манфаатдорликни ҳимоя қилади.

2) Сиёсий кураш – сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш.

3) Мафкуравий кураш – халқнинг ўзини англаб етишини шакллантириш.

Натижада, XIX асрда ишчилар ҳаракати 2 оқимга – революцион ва реформистик оқимга бўлиниб кетди. Ишчилар синфи:

1) Революцион оқимга бўлинди (Компартиялар шаклланди).

2) Реформистик оқим (Социал-демократик партиялар пайдо бўла бошлади).

Ҳозирги даврда бир мамлакат ичида ва халқаро майдонда рўй бераётган зиддиятли вазиятлар, ҳудудий низолар, хавф-хатарлар аҳоли турли қатламини ташвишга солмоқда.

³² Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 39-40 б.

Сиёсий ҳаракатларнинг вужудга келиши узоқ тарихий тараққиётнинг натижасидир. Бу ҳаракатлар турли даврларда халқ оммасининг зулм ва зўравонликка, миллий ва ирқий камситишларга қарши норозиликлари натижаси сифатида намоён бўлиб келган. Сиёсий ҳаракатлар турли ижтимоий мавқега эга бўлган сиёсий, диний эътиқодлари ҳам турлича, миллати, ирқи, жинсидан қатъий назар умумий мақсад атрофида ихтиёрий равишда бирлашган кишилар иттифоқидир. Ҳозирда сиёсий ҳаракатларнинг асосий йўналишини, жаҳон цивилизациясини термоядро уруши ва терроризм, экологик ҳалокатлардан сақлаш, очлик, қашшоқлик, юқумли касалликларга қарши кураш каби муаммоларни ҳал қилиш зарурияти ташкил этади.

Оммавий демократик ҳаракатлар – ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади. Улар сиёсий жараёнларга кучли таъсир кўрсатиб ижтимоий ҳаётни ўзгартиради ва ривожлантиради.

1. Уруш хавфига қарши олиб борилаётган сиёсий ҳаракатларда **қуролсизланиш масалалари** билан мунтазам шуғулланиб келаётган «Жаҳон тинчлик кенгаши», «Халқаро тинчлик институти», «Европа кенгаши» сингари халқаро сиёсий ташкилотларнинг роли ва аҳамияти катта бўлмоқда.

2. Сиёсий ҳаракатларнинг асосий йўналишларидан яна бирини – жаҳон тараққиётига катта хавф туғдираётган **терроризмга қарши кураш** масалалари ташкил қилади.

3. Сиёсий ҳаракатларнинг муҳим, асосий йўналишлардан яна бири экологик ҳалокатга қарши биргаликда курашдир. Бунда сиёсий ҳаракатлар «Яшиллар ҳаракати», «Табиатни муҳофаза қилиш ҳаракати», «Табиий муҳитни сақлаш ҳаракати», Марказий Осиё республикаларининг «Орол халқаро жамғармаси» бўйича ҳамкорлиги кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

4. Ҳозирги кунда сиёсий ҳаракатларда етакчи кучлардан бири ёшлар ҳаракатларидир. «Демократик ёшлар федерацияси» ҳаракати жаҳондаги 300 дан ортиқ миллий ёшлар ташкилотларини ўзида бирлаштирган.

5. Талаба ёшлар ҳаракати ҳам етакчи сиёсий ҳаракатлардан биридир. «Халқаро талабалар уюшмаси» тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун барча мамлакат талабаларини ўзида уюштирган.

6. Сиёсий ҳаракатларда хотин-қизлар ҳам иштирок этмоқда. «Халқаро хотин-қизлар кенгаши», «Халқаро хотин-қизлар демократик федерацияси», «Бутунжаҳон қишлоқ хотин-қизлари Ассоциацияси» сингари кўплаб халқаро ташкилотлар тинчлик, демократия учун курашиб келмоқда.

7. Собик СССР ҳудудида, хусусан, Литвада «Саюдис», Украинада «Рух», Россияда «Демократик Россия», Тожикистонда «Растохез» демократик ҳаракат сари, Ўзбекистонда «Халқ бирлиги» ҳаракати (1995) ва ҳоказо юзага келди.

Ўзбекистонда 1989–1993 йилларда бир қатор норасмий сиёсий ҳаракатлар ҳам юзага келган эди. Улар, асосан қуйидагилардан иборат:

1. «Бирлик халқ ҳаракати» (1988).
2. «Интерсоюз» уюшмаси (1989).
3. «Ўзбекистон демократик ҳаракати» (1989).
4. «Ўзбекистонда демократик ислохотлар учун ҳаракат» (1991).
5. «Тўмарис» хотин-қизлар ҳаракати (1990).
6. «Яшиллар» халқ партияси (1992).
7. «Бирлик» партияси (1990).
8. Эркин деҳқонлар партияси.
9. Сайқал ижодий интеллигенция демократик ҳаракати.
10. Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» жамоатчилик ҳаракати (1995) ва ҳоказо.

Бу сиёсий ҳаракатларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгач тарқалиб кетди, баъзи бирлари Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтдилар.

6.3. Жамият ҳаётини демократлаштиришда «тўртинчи ҳокимият»нинг ўрни ва роли

Оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принциплари, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи ҳамда миллатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи тизим. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақил кучга, «тўртинчи ҳокимият»га айланмоқда. ЎзР Конституциясига ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (1997 йил 26 декабрь) қонунга мувофиқ ҳар бир фуқарога сўз эркинлиги: радио орқали, матбуот, телевидение ва бошқа ОАВларда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини баён этиш ҳуқуқи ҳавола этилади. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартларидан бири – матбуот ва ахборот эркинлигидир. Аммо сўз ва матбуот эркинлиги мутлақ бўла олмайди. Чунки телевизор экранидан янграган, газетада эълон қилинган ахборотни миллионлаб одамлар эшитадилар, ўқийдилар. Агар қандайдир бир одам, корхона, ишлаб чиқариш тармоғи ҳақида янглиш маълумотлар айтилса, бу билан уларнинг нуфузига путур етказилади, ҳуқуқлари бузилади. Конституциянинг 67-моддасида қайд этилганидек, улар «ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар». Демак, ОАВ нинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ошиб бормоқда. «Ахборотлашган жамият» тўғрисидаги қарашлар негизи ҳам дунёда ахборот кўламининг ортиб бораётгани билан боғлиқ. ХХI аср «ахборот асри»га айланмоқда. ОАВ жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсон тарбияси, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби миллий ғоя ва мафкура билан суғорилган ғоя ва мақсадларни халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончини шакллантиришда ҳамда халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодини (И.А.Каримов) уйғотишда ва қарор топтиришда муҳим роль ўйнайди. ОАВ инсонларни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан узвий боғлайди. Шунда «ахборот холис», «ишончли», «аниқ» бўлиши мумкин. ОАВларни «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш жараёни кечмоқда, лекин бу жараён мураккаб ҳолларда кечмоқда. Хусусан, ахборот таҳлилида эскича фикр юритиш ўз таъсирини сақлаб турибди. Ҳозирги вақтда ахборот «чегара» билмайдиган омилга айланиб қолди. Президент Ислам Каримов 2002 йил 29 августда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 9-сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида «тўртинчи ҳокимият»ни ўз номига яраша кўтариш лозимлигини баён этди.

Ўзбекистон жамияти ҳаётида ОАВ ролини фаоллаштириш қуйидагича тасаввур этилмоқда:

1) ОАВ имкониятини ошириш учун керакли шароитлар яратиш, уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлаш.

2) ОАВ мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва муҳими, инсон ва жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва ОАВларини тайёрлаш жараёнини кўриб чиқиш. Ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усуллари ва воситаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш.

3) ОАВ фаоллиги ва уларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган механизмларни тартибга солишчи қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Матбуот тўғрисида, журналистлар фаолияти, ахборот олиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Умуман, “аввало оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак; деган эди Ислам Каримов; бу уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлиши лозим

Биз матбуот ва ахборот эркинлигининг кафолатини бозор муносабатлари, ахборот майдонида соғлом рақобат тамойилларининг ривожланишида кўрамиз”³³

Матбуот эркинлиги муҳим ўринда туради. У сиёсий қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этади. Ахборот сиёсат, мамлакат сиёсий режими, характери билан бевосита боғлиқ. Масалан, авторитар ва тоталитар режимлар «ахборот»ни бўғиш, «сир» сақлашдан, унга «хукмронлик» қилишдан кўпроқ манфаатдор. Демократик жамият эса эркин алмашиш, унинг хилма-хиллигини таъминлашдан манфаатдор, бу жамиятларнинг яшовчанлигини таъминлайди.

Қисқача хулосалар

Умуман сиёсий партиялар ва ҳаракатлар қуйидаги принциплар асосида бирикиши лозим:

- 1) Конструктив (тузилиш асос қилиб, амалий) таклиф асосида.
- 2) Компромизм (муроса-мадора) йўли билан.
- 3) Реаллик.

Сиёсий ҳаракатлар маълум сиёсий манфаатларни, мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган сиёсий фаолият бўлиб, унинг асосида жамият аъзолари турли қатламларининг мақсад ва манфаатлари ётади. Унинг ривожини жамият аъзолари фаоллиги натижаларига боғлиқ бўлади. Дунёнинг турли мамлакатларида рўй бераётган бундай ҳаракатлар фақат миллий хусусиятларга эга бўлиб қолмай, улар халқаро майдонда умуминсоний моҳият касб этмоқда.

«Тўртинчи ҳокимият» инсонлар онги, қалби, дунёқарашига, хоҳиш-иродасига таъсир этишнинг муҳим омилидир. ХХІ асрда инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган бир пайтда денё 2 кутбидан кўп кутбли оламга айланди. Бундай шароитда «...қаердаки, мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура хукмронлик қилиши тайин»лигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Кишилар қандай мақсадларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларга уюшадилар?
2. Давлат конституцияси ва қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида қандай партиялар тузилиши таъқиқланган?
3. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларни изоҳлаб беринг?
4. Сиёсий партиялар таснифида қандай партиялар турлари мавжуд?
5. қайси партия Ўзбекистон Президентлигига Ислам Каримов номзодини кўрсатди ва қанча ёки фоиз овоз олди?
6. Сиёсий ҳаракатлар ҳақида нимани биласиз ва уни изоҳланг?
8. «Сиёсий партиялар» тўғрисидаги қонунга кўра қандай ҳолларда сиёсий партиялар тузиш мумкин?

VII МАВЗУ. СИЁСИЙ ЭЛИТА ВА СИЁСИЙ ЕТАКЧИ (ЛИДЕР)

7.1. Сиёсий элита тушунчаси турлари ва функцияси

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида мавқеига эга бўлган ижтимоий гуруҳлардан бири – сиёсий элита гуруҳидир. Бу гуруҳ ўз ташкилотчилик қобилияти билан бошқа гуруҳлардан алоҳида ажралиб туради ва ўз мавқега эга. «Элита» - сўзи француз тилидан олинган бўлиб, сайланган, сараланган деган маъноларни билдиради. Бу тушунча

³³ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 53 – б.

сиёсий тилда бошқариш ва раҳбарлик қилиш сифатларига эга бўлган кишиларнинг уюшган гуруҳини таърифлашда қўлланилади³⁴.

Дастлаб Пифагор, Сукрот, Платон, Аристотель, Сенека, Плотин, Прокл; Августин, Фома Аквинский, Пико Н.Макиавелли, Ф.Бэкон, Б.Спиноза, Т.Гоббс, Дж.Локк, З.Фрейд, Н.А. Бердяев, П.Тейяр де Шарден каби олимлар асарларида бу ҳақда гап кетган шунинг учун бу давр элита фалсафаси деб аталади.

Мумтоз элиташунослар **Вильфредо Парето** (1848 - 1923), **Гаэтано Моска** (1858 - 1941) и **Роберт Михельс** (1876 - 1936). Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида мавқеига эга бўлган ижтимоий гуруҳлардан бири – сиёсий элита гуруҳидир. Бу гуруҳ ўз ташкилотчилик қобилияти билан бошқа гуруҳлардан алоҳида ажралиб туради ва ўз мавқеига эга. Элита тушунчаси сиёсий фанларга биринчи марта француз мутафаккири

Вилфредо Парето (1848–1928) – италиялик социолог ва сиёсий иқтисодчи бўлиб, у «Умумий социология тўғрисидаги трактат» (1916) асарида элита назариясини ишлаб чиққан. В. Парето элитани миллатнинг бир гуруҳ туғма раҳбари, умумий манзарадан ажралиб чиққан сифатга эга кишилар деб ҳисоблайди.

Жамият тараққиётининг зарурий қонунияти сифатида у "элитанинг ривожланиши ва таназзулга учрашининг айланма ҳаракатининг натижаси сифатида кўради. У сезгини тафаккур билан муносабатини ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётни бошқариш ва унинг устидан назорат қилишда таклиф қилади. Унинг фикрича, жамият тараққиёти муайян қатъий элита қонунини асосида амалга ошади. У ҳар бир даврда ўзига хос 2 гуруҳ - элита ва элитага қарши турганлар бўлади, улар ўртасида ҳокимият учун оммани сафарбар қилиш ёрдами билан кураш олиб борилади. Тарихда доимо элиталар ўзгариб туради.

Агар элита янгилашиб турилмаса, у ҳолда инқилоб даври бошланади ва бундай ҳолда ҳукмрон элита орасида бир гуруҳ элита жамият билан қоришиб кетади. Иккинчи гуруҳ элита эса унинг юзасига чиқади. В. Парето «тарих – бу аристократлар мозоридир» деб ёзади. Парето фикрича, сиёсий бошқариш қобилиятига ҳамма ҳам эга бўлавермайди. Бу жараёни фақат лаёқати бўлган «зодагонлар» бошқара олади. Парето жамиятни пирамидага қиёс қилиб, унинг тепа қисмида юксак истеъдод эгалари бўлган сара одамлар – зодагонлар, улардан қуйида «бошқарувчи синф», яна пастроғида эса қолган одамлар гуруҳи ўрин эгаллашини уқтиради, зодагонлар эса доимо сиёсий ҳокимиятни бошқариш учун курашадилар. Шу тарзда «зодагонлар айланиши» (ўзаро ўрин алмашиб туриши) ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг объектив қонунига айланади, зодагонлар чекланмаган устунликка эга бўлиб сиёсий бошқаришнинг барча талабларига жавоб беришга ожизлик қилади.

Инсонларнинг иерархик бўлинишида турли хусусиятларга кўра бўлиш мумкин (авторитет, билимига, истеъдодига, карьера ва бошқа.). Перето учун асосий ўринни бойлик ташкил этади. Жамият ўзгариши ва мувозанати Элитага боғлиқ. Омма билан элитани қиёслаши натижасида, фаолиятнинг энг юқори даражаси махсулдорлик уларни ўртасидаги фарқни белгилайди. Уларда икки ўзига хослик мавжуд, инсон эмоциясини манипуляция қилишдан қочиш, ва куч қўллаш қаерда зарур бўлса, бу зарурийлик аниқ вазиятлардан келиб чиқади. Агар перето элитани бирининг иккинчисига алмашишига урғу берган бўлса, Г Моска доимий равишда омманинг энг яхшилари билан тўлдирилиб боришни назарда тутди. Агар Моска сиёсий омилни абсолютлаштирган бўлса, Паретода психологик фактор биринчи ўринда туради. Шунинг учун Перетодан элитани шарҳлаш қийматини олишса, Москадан – сиёсий элита мактабларининг концепциясини яратувчиси сифатида талқин қилишади³⁵.

Элита тушунчаси сиёсий фанларга биринчи марта француз мутафаккири **Гаэтано Моска** (1858–1941 йиллар, асли италиялик) томонидан киритилди ва шу асосда сиёсий элита назарияси яратилди. У «Сиёсий фан асослари» асарида «сиёсий ёки бошқарувчи

³⁴ Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 154-бет.

³⁵ См.: Моска Г. Правящий класс // Социологические исследования, 1994. № 10. С.186 - 196.

синф» 1896 йил назариясини ишлаб чиқди. Бу сиёсий ғоя «Зодагонлар назариясининг бир кўринишини ташкил этади. У «барча жамиятларда одамларнинг икки синфи мавжуд бўлиб, улар бошқарувчилардан ва бошқариладиганлардан иборатдир», дейди. Бошқарувчилар озчиликни ташкил қилса ҳам, улар куч, бойлик, уюшқоқлик кадриятларига эга, демократия эса аслида кенгайтирилган аристократиянинг ўзгинасидир», дейди. Москанинг фикрича, давлатдаги ҳокимият фақатгина озчилик қўлида бўлиши лозим. Элита – ҳукмрон синф. Сиёсий тараққиёт бир ҳукмрон элита қўлидан иккинчисига ўтганда юз беради. Давлатнинг бутун тарихий элиталари биринкетин алмашинувидир. Ҳокимият ҳеч қачон кўпчиликнинг қўлига ўтмайди. Г.Моска давлат тарихидаги аристократик ва демократик икки йўналишни ажратиб кўрсатади. Биринчи ҳолда ҳокимият бир гуруҳ элита қўлида, иккинчи ҳолда эса омма орасидан чиққан элита қўлида бўлади. Сайловлар элиталарни янгилаш услубидир. Унингча энг асосий элитанинг критерияси бошқалар устидан бошқарувни қўллаш қобилиятининг мавжудлиги, ташкилотчилик хусусияти ва элитанинг бошқалардан моддий, ахлоқий, ақлий жиҳатдан устунлигидан келиб чиқади.

Р.Михельс. У жамиятда элитани шакллантирувчи ижтимоий механизмларни тадқиқ қилди. Михельс асосий ўринга ташкилотчилик хусусиятни ва бошқарувчилар табақасини кўтарувчи элитани кучайтирувчи жамиятнинг ташкиллашган структураси қўяди. У ташкилотнинг ўзи элитага эҳтиёж сезади ва уни ўзи ишлаб чиқади деган хулосага келади.³⁶

Элита назариялари

1. Муҳимийлик ва зарурийлик назарияси (Г.Моска, В.Парето, В.Робка, Н.Бердяев ва бошқалар). Бу назарияда сиёсий элита жамиятнинг муҳим етакчи кучи сифатида таърифланади ва у жамиятдаги бошқа ижтимоий гуруҳларга қараганда аҳолининг энг маҳсулдор ва ташаббускор қисмлари эканлиги назарий жиҳатдан асослаб берилади.

Муҳимийлик ва зарурийлик назариясининг айрим тарафдорлари сиёсий элита гуруҳларининг жамият ҳаётига таъсир кўрсатиш даражасини аниқлаб беришга ҳаракат қилганлар. Масалан, Н.Бердяев жамиятдаги аҳолининг юқори маълумотли қисмига солиштириш асосида сиёсий элитанинг жамият учун зарурлигини исботлашга ҳаракат қилган. В.Робка эса сиёсий элитанинг зарурлигини жамият эҳтиёжлари билан боғлаб асослашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, жамият ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш сиёсий элитага боғлиқдир.

2. Демократик элита назариясида (Р.Далл, М.Липсет, Л.Зиглер, К.Мангейм ва бошқалар) сиёсий элита гуруҳи аҳолининг мамлакатни бошқаришга қодир қисми бўлиб қолмай, шу билан бирга демократияни ҳимоя қилишга қодир бўлган қисми эканлиги масаласи асослаб берилади.

3. Либерал назария ҳам сиёсий элита назарияларидан биридир. Бу назарияда (Р. Миллс, М. Милбанд ва бош.) сиёсий элитанинг хилма-хил кўринишлари ва турлари ҳақида фикр юритилиб, уларни ўзаро фарқлашга ҳаракат қилинади. Масалан, Р. Миллс сиёсий элитани жамиятдаги мавқеига кўра 3 турга бўлиб кўрсатади, улар: 1) сиёсий ҳокимиятнинг марказий идораларида хизмат қилувчилар; 2) сиёсий ҳокимиятнинг ўрта поғонасида хизмат қилувчилар; 3) сиёсий ҳокимиятнинг қуйи поғоналарида хизмат қилувчи бошқарувчилардир.

Либерал назарияда иқтисодий элита билан сиёсий элита ҳам фарқ қилади. Иқтисодий элитага завод ва фабрикалар, қишлоқ хўжалиги, молия ва банк тизимларида раҳбарлик қилувчи кишилар киритилади. Сиёсий элитага эса сиёсий ҳокимиятларнинг турли бўғинларида банд бўлган кишилар киритилади.

4. Партократик назария ҳам сиёсий элита назарияларидан бири. Бу назария бир вақтлар собиқ социализм мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, унда сиёсий раҳбарликнинг

³⁶ См.: Малинкин А.Н. Теория политической элиты Р.Михельса // Социологический журнал. 1994. ¹ 3. С.80 - 89.

тарихан муқаррарлиги исбот қилинади. Бу назариянинг асосий қоида ва хулосалари тоталитар сиёсий тузумлар ҳукмрон бўлган собиқ социализм мамлакатларида коммунистик партиянинг дастурлари ва қарорларига асос қилиб олинганди

50 – 60 йиларда Ғарбий Европада элита назариясига қаршилар пайдо бўлди. (Р.Миллс) унинг моҳияти ягона ҳукмрон элита ҳақида гапиришдан кўра ҳокимиятнинг бўлиниб кетиши деб изоҳлаган тўғри деган хулосага келади. Элитада плюрализмни шакллантирсак у ҳолда кўплаб бир биридан фарқ қилувчи элиталар шаклланади. Ва улар етакчиликка интилади ва зиддиятларни келиб чиқишига сабаб бўлади бунда сиёсат ўз вазифаси турли фикрларни ўзаро мувофиқлаштириш хусусияти йўқолади, деган хулосага келади.

Элита функцияси

Жамиятда сиёсий элиталар бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Аввало улар бутун жамият, алоҳида қатламлар манфаатимнин ифодаловчи янги ғояларни ишлаб чиқарадилар ва жамият ривожининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Бу – **стратегик функциядир**. Сиёсий элита ўз дастурларида жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатлари акс этишига интилиши билан, иккинчи, **коммуникатив** функцияни бажаради. Сиёсий элита **ташкилотчилик**, яъни ишлаб чиқилган режаларни ҳаётга тадбиқ этиш вазифасини ҳам бажаради. Шунингдек, сиёсий элита жамиятнинг барқарорлик ва бирлигини, унинг иқтисодий ва сиёсий тизимлари турғунлигини, ихтилофларнинг олдини олиш орқали **жамиятни бирлаштириш** функциясини бажаради.

7.2. Сиёсий етакчилик (лидер) тушунчаси, функциялари ҳамда сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик

Бошқариш ҳар қандай жамиятга хос бўлган ички хусусиятдир. Унинг тузилиши ва механизмлари ниҳоятда мураккаб бўлиб, жамият ҳаётида амал қилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бошқариш жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига дахл қилади ва унинг таъсирида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бошқаришга хос бўлган объектив хусусият жамият ривожланиш қонуниятлари талабларига мувофиқ амал қилади. Бошқариш қандай шаклларда олиб борилиши ва амал қилишидан қатъий назар, у сиёсий моҳиятга эга бўлади. Бошқаришнинг сиёсий моҳияти бошқариш ва раҳбарликни сиёсат субъектлари томонидан оширилиши билан белгиланади. Сиёсатнинг ҳар бир субъекти бошқаришда маълум даражада иштирок этади.

Бошқаришнинг сиёсий моҳияти жамият эҳтиёжларидан келиб чиқади. Агар жамият ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларга таъсир қилмаса ва улар ҳаракатидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилмаса, жамият ривожланиши издан чиқади. Инсониятнинг бутун тарихи кишиларнинг табиат ва жамиятнинг стихияли ҳаракатига қарши курашдан иборат бўлиб келган. Ибтидоий муносабатлардан мулкчилик муносабатларига ўтилиши ва дастлабки қулдорлик давлатининг пайдо бўлиши бошқаришнинг сиёсий моҳият касб этиши учун асос бўлган. Давлат сиёсатнинг субъекти сифатида жамият ҳаётини бошқаришни ўз зиммасига олган ва давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатлар сиёсий мазмунга эга бўлган.

Сиёсий бошқариш – бу ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларини ўз вақтида аниқлай билиш ва дуч келинган муаммоларни ҳал этиш ҳамда жамиятнинг афзалликларидан, унинг реал имкониятларидан фойдалана билишдир

Сиёсий бошқариш мазмуни 2 та муҳим хусусиятни: 1) бошқариш механизмларининг ташкил қилиниши ва 2) бошқаришнинг жамият ҳаётидаги сиёсий соҳаларда намоён бўлишини акс эттиради.

Сиёсий бошқаришнинг функциялари бошқариш ишларини тўғри ташкил қилиш ва жамият сиёсий ҳаётидаги мураккаб муаммоларни ҳал қилишни кўзда тутати. Сиёсий бошқаришнинг энг муҳим ва **асосий функциялари қуйидагилардан иборат:**

1. Қонунлар, қарорлар, дастурлар, низомларни ишлаб чиқиш.

2. Ишни ташкил этиш. Давлат олиб бораётган сиёсат ишни ташкил этиш функциясида ўзининг амалий ифодасини топади...

3. Ишни тартибга солиш функцияси. Бошқарув фаолиятида ташкил қилинадиган ишларни изчиллик асосида амалга оширишни билдиради...

4. Назорат қилиш функцияси. Ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб боришни англатади.

Умуман, сиёсий бошқаришнинг ана шу функциялари ўзаро боғлиқ ва чуқур алоқада бўлади. Сиёсий бошқариш ва сиёсий раҳбарлик ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий ҳодисалардир. Сиёсий раҳбарликсиз сиёсий бошқаришни тасаввур қилиб бўлмайди.

Сиёсий етакчилик ҳодисасига доир кўплаб назариялар мавжуд. Сиёсий етакчилик ҳодисасини таҳлил этишда Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Н.Макиавеллининг хизматлари катта. Уларнинг фикрича, сиёсий етакчи – бу бутун жамиятни жипслаштирувчи, ижтимоий тартибларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар қандай воситаларни қўлловчи ҳукмдордир. Умуман, сиёсий **етакчилик ҳақидаги назариялар** қуйидагилардан иборат:

1. **Фатализм** (лот. тақдирга оид) **назарияси**. Кишиларнинг «олий кучлар»га, «илоҳий тақдирга», «худонинг пешонага ёзиб қўйгани»га боғлиқ ғоялар илгари сурилади.

2. **Ҳукмдорлик назарияси**. Подшоҳ, амир, хон, монарх ва ҳоказо билан боғлиқ.

3. **Волюнтаристик** (лот. эрк, ирода) **назарияси**. Ушбу тушунча 1883 йилда Ф.Теннис томонидан киритилган ва қуйидаги маъноларга эга: 1) эркин борлиқнинг олий қондаси деб ҳисобловчи йўналиш (А.Шопенгауэр); 2) тарихий жараённинг қонуниятлари билан ҳисоблашмайдиган фаолият. Аслида бу назария Г.Карлейли (1795–1881) ва Р.У.Эмерсонлар (1803–1882) ишлаб чиққанлар. Уларнинг фикрига кўра, тарих қаҳрамон, диний шахс ижодининг маҳсулидир.

4. **Парадигматик** (юнон. намуна) **назарияси**. Ф.Ницше ишлаб чиққан. У олий биологик тип – етакчи йўлбошчи, йўлбошчи инсон, ғайри табиий фавқулодда инсон тўғрисидаги ғояни асослашга ҳаракат қилади. Инсон инсоний ахлоқ нормалари чегараланмаган, яхшилик ва ёмонликдан юқори туради. У оддий одамлар ҳамда ўзига ўхшаш фавқулоддаги йўлбошчи инсонлар билан меҳрибон, мулоим бўлиши мумкин. У кучли, иродали, комил ва гўзал инсондир.

5. **Ижтимоийлашув назарияси** (тақлид қилиш). Бу замонавий назария бўлиб, уни Г.Тард (1843–1904) ишлаб чиққан. Ҳаётнинг асосий қонуниятларидан бири – етакчи, йўлбошчиларга издошларнинг тақлид қилишидир, деган ғояни асослашга ҳаракат қилади.

Етакчи – йўл кўрсатувчи маъносини англатади. Бу хусусиятга эга инсон бошқаларга таъсир эта олиши, муайян мақсадларга эришиш учун уларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил эта олиш қобилиятига эга.

Сиёсий етакчилик – сиёсий фаолият тури бўлиб, у икки томоннинг ўзаро алоқаларини англатади: 1) биринчи томон – етакчилар ўз издошларининг манфаат ва эҳтиёжларини биладилар ва баён этадилар, бошқа томон эса, шу манфаатларни ифодалаш ва амалга оширишлари учун ўз ваколатларининг бир қисмини уларга ихтиёрий равишда топширадилар.

Сиёсий етакчи: моҳияти, турлари ва функциялари.

Жамият ва давлатнинг ижтимоий ҳаёти тараккиётини белгилаб берувчи шахслар сиёсий етакчи ҳисобланади. Сиёсий етакчи билан бир каторда унинг синоними лидер (Leader) - сўзининг луғавий маъноси инглизчадан таржимада «бошловчи», «раҳбарлик қилувчи» маъноларини англатади.

Қадимги давр тарихчилари Геродот, Плутарх ва бошқалар сиёсий етакчиларга эътибор қаратиб, қаҳрамонлар, монархлар, лашкарбошилларда тарихнинг ижодкорларини кўрадилар.

Макиавеллининг фикрича сиёсий етакчи - бу бутун жамиятни жипслаштирувчи ва намоён этувчи ҳамда ижтимоий тартиб ва ўз ҳукмронлигини сақлаш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланувчи подшоҳдир.

Тарихни буюк шахслар ижодкорлигининг натижаси деб қаровчи волюнтаристик сиёсий етакчининг назариячилари:

1 Томас Карнейль (1795-1881) - аҳолининг асосий қисми «барча ижтимоий муносабатларда ҳам қашшок, ҳам ожиз, сиёсий етакчиларнинг йўналтирувчи таъсирисиз нормал ҳолатда бўлишга ноқобил», - ҳисоблайди.

2 Ральф Уолдо Эмерсон (1803-1882) - «барча пухта фикрларнинг очилиши - атоқли индивидларнинг насибасидир»,³⁷ - деб ёзади.

3 Габриэль Тард (1843-1904) ижтимоий ҳаётнинг асосий қонуни издошларнинг сиёсий етакчига тақлид қилиш эканини асослашга уринди. Жамият тараккиётининг ягона манбаи - ташаббускор ва ўзига хос шахслардир.

Етакчилик феноменининг бойлиги унинг таърифларида акс этади.

1 Сиёсий етакчилик - ҳокимиятнинг бир кўриниши бўлиб, юқоридан пастга йўналган ва унинг намояндаси бир киши ёки шахслар гуруҳидир. Сиёсий етакчилик деб ёзади - Жан Блондель - бу «миллат аъзоларини ҳаракатларга ундаш учун бир ёки бир канча индивидлар амалга оширувчи ҳокимиятдир».³⁸

2 Сиёсий етакчилик - қарорлар қабул қилиш мақоми, ижтимоий мавқеидир, бу раҳбарлик амалидир.

Бу структуравий-функционал ёндашувдан келиб чиққан бўлиб, ижтимоий ҳаётда роллар ва мавқелар поғонасимон ташкилий тизимидан келиб чиққан. Даунтоун «Сиёсий етакчилик - жамиятдаги ҳолат бўлиб, уни эгаллаган шахснинг айрим ёки жамият барча аъзоларининг жамоавий ҳуқ- атвори йўналтириш ёки ташкил этиш қобилияти билан тавсифлайди».³⁹

3. Сиёсий етакчилик - бошқа кишиларга таъсир этишдир.

4 Сиёсий етакчилик - бу алоҳида турдаги тадбиркорлик бўлиб, ўзига хос бозорда амалга оширилади, сиёсий тадбиркор рақобат курашида ижтимоий вазифаларни ҳал этиш ва уларни рўёбга чиқаришнинг мўжалланаётган усуллари дастурини раҳбарлик амалларига алмаштиради. (Дж Оппенгеймер, Н.Флорих);

5 Сиёсий етакчилик - бирлик белгиси ва гуруҳ сиёсий ҳуқ-атворнинг намунасидир.

Сиёсий раҳбарлик - сиёсий етакчиликдан фарқ қилади, «сиёсий раҳбарлик - сиёсий етакчиликдан фарқли ўлароқ етарлича қаттиқ ва расмийлашган ҳукмдорлик бўйсунуш муносабатлари тизимини тақозо этади.

Етакчининг структураси уч қисмга ажралади.

а) Етакчининг индивидуал белгилари ;

б) У эга бўлган имкониятлар ёки воситалар;

в) Унга таъсир кўрсатадиган вазият;

Етакчилик моҳиятини тушунтиришда хислатлар назарияси алоҳида қийматга эга. Унинг асосчиларидан бири Э.Богардиснинг аъло даражадаги интеллектуал истеъдодлар шахсга эрта кечми етакчиликка олиб келувчи кўзга кўринган мавқени беради,⁴⁰ -деган фикри диққатга сазовор.

Характер назарияси- Сиёсий бошқаришнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан бошқаришни амалга оширишга масъул бўлган кадрлар, уларнинг сиёсий етакчилиги ва ташкилотчилик қобилиятларига боғлиқдир. Собиқ шўро даврида кадрлар сиёсатида бир-бирига зид икки тенденция мавжуд бўлган:

1) Кадрлар корпусида турғунлик ҳолатлари.

2) Миллий раҳбар кадрларга ишонмасдан, тез-тез алмаштириш тенденцияси.

³⁷ Journals of Emerson with Annotations vol. 8 Boston. 1992. P. 135

³⁸ Қаранг: Блондель. Ж. Политическое лидерство. М., 1992й 10 бет

³⁹ Қаранг: Dawnton J, Rebel Jr. lidership; Commintment and charisma in the Revolutionary process. New York; London 1972. P. 15.

⁴⁰ Қаранг: Bogardus. Liders and Leadership. New York, 1934. P. 138.

1. Шахсий хислатлар (Раҳбарнинг шахсий хусусиятлари):

- 1) ижтимоий манфаатларни ўз шахсий манфаатларидан юқори қўйиши.
- 2) Адолатпарварлик.
- 3) Ўз қўл остидагиларга ҳурмат билан қараш, инсонпарвар ва ғамхўр бўлиш.
- 4) Камтарлик ва очик чеҳрали бўлиш.
- 5) Меҳнат жамоасида қулай руҳий муносабатларни вужудга келтириш.
- 6) Одамлар билан осонликча тил топиша олиш.
- 7) Мустақил фикр эгаси бўлиш.
- 8) Умумий маданият савиясининг юксаклиги, воизлик маданияти билан ички ва ташқи маданиятнинг уйғун бўлиши.
- 9) Босиқ бўлиш.
- 10) Ўзига ишонч.
- 11) Ўз-ўзига талабчан бўлиш.
- 12) Билимдонлик.
- 13) Ташкилотчилик.
- 14) Раҳбарликка хос хотиранинг бўлиши. Ходимларни имкон қадар исм-шарифи билан сўраш.
- 15) Ишга ҳар доим яхши кайфиятда келиб-кетиш⁴¹.

2. Амалий хислати (Раҳбарнинг ишдаги амалий хусусиятлари):

- 1) Фикрининг тиниқлиги, ўзининг овози, нутқи, ҳиссиётини бошқара олиши, тетиклик.
- 2) Янгиликни қабул қила билиш, янгича замонавий технология ва механизмларни ўрганиб олиш, уни амалиётга татбиқ этиш.
- 3) Ташкилотчилик қобилияти.
- 4) Ўз сўзи устидан чиқа билиш.
- 5) Ташаббускорлик.
- 6) Ишбилармонлик.
- 7) Тадбиркорлик.
- 8) Об'ективлик.
- 9) Касб одоби ва маданиятига амал қилиш.
- 10) Касбий ўз-ўзини тарбиялаб бориш ва ҳоказо.

3. Профессионал хислати:

- 1) Ўз касбига қизиқиш.
- 2) Ишлаб чиқаришни билиш.
- 3) Кадрларга эътибор бериш.
- 4) Ўз малакасини оширишга интилиш.
- 5) Ишбилармонлик.
- 6) Тадбиркорлик.
- 7) Касбий изланувчанлик, касбий кузатувчанлик.
- 8) Касбий ўзини-ўзи тарбиялаб бориш.
- 9) Узлуксиз касб маҳоратини ошириб бориш.
- 10) Жамоада уюшқоқлик ва ҳамжиҳатликни таъмин этиш.
- 11) Онгли интизом ва ўзаро ҳурматни йўлга қўйиш.
- 12) Сўз эркинлигини қарор топтириш.
- 13) Тежамкорлик ва вақтдан унумли фойдаланишга эришиш.
- 14) Ўз кадр-қимматини сақлаб бориш.
- 15) Ҳар доим касб одоби, маданиятига амал қилган ҳолда ижодкорлик ва ташаббускорликни ривожлантириб бориш.

Вазиятлар тамойили - етакчининг нисбийлиги ва турличалигидан келиб чиқади.
Р.Стогдил ёзишича «Етакчининг қандайдир ижтимоий вазиятларда кишилар ўртасида

⁴¹ Абдукаримов Х. Раҳбарлик саноати. «қонун ҳимоясида». 2000, № 9, 8–10-бетлар.

мавжуд бўлувчи алоқалардир, бир вазиятда етакчи бўлган кишилар бошқа вазиятларда ҳам шундай бўла олмайди».⁴² Вазиятларда лидерлик сифатлари нисбийдир. Бир одам етакчилик хислатларини - митингларда, бошқаси-кундалик сиёсий ташкилотчилик ишларида, учинчиси-шахслараро мулоқотда намоён бўлади.

Вазиятлар тамойилини-аниклаштирилиши, ривожланиш ва бойитилиши лидерлик феномени издошлар ва **конституентлар** орқали тушунтирувчи назарияда намоён бўлади. **Ф. Сэнфорд**, фикрича «Айнан издош - лидерни ўзлаштиради, вазиятни ўзлаштиради ва охир оқибат етакчилиكنи қабул қилади ёки рад этади».⁴³

Етакчилик турлари.

Америкалик политолог Роберт Такер сиёсий етакчиликнинг уч турини ажратиб кўрсатган:

- Консерваторлар — жамиятдаги муносабатларни қандай бўлса — шундай сақлаб қолишга қаратилган фаолият олиб боради.
- Ислохотчилар — ҳокимият таркибини кенг қамровли ислохотлар воситасида тубдан ўзгартиришга интиладилар.
- Инқилобчилар — одатда қурол кучи билан бошқа ижтимоий тузумга тез, сакраш орқали ўтишни режалаштиради.

Ҳокимиятга муносабатига кўра етакчиларни **ҳукмрон ва муҳолифларга** ажратиш мумкин. Ўз навбатида муҳолиф- етакчилар ҳам икки хил бўлади: **айирмачи-муҳолиф** етакчи ва **конструктив муҳолиф етакчи**.

Айирмачининг ягона мақсади ҳокимият. Унга ҳар қандай воситалар билан эришишга интилади. Шунинг учун у мавжуд ҳокимиятнинг муросасиз душмани, уни қандай бўлмасин ағдариб ташлашга интилади. Ҳокимият тепасига бундай сиёсий етакчининг келиши мамлакат ривожини тубдан ўзгартиришга, nobарқарорликка олиб келади.

Конструктив муҳолиф — етакчи ҳокимиятга томон қонуний ҳаракат қилади, ҳукмрон етакчини танқид қилади, омма ичида бўлади, ўз обриси ва имкониятларини ошириб боради ва кейинги сайловларда ғалаба қозониши учун замин тайёрлайди. Бундай етакчининг ҳокимият тепасига келиши қонуний тарзда амалга ошиб, мамлакат ҳаётида туб ўзгаришларга олиб келмайди, ҳаётига салбий таъсир кўрсатмайди.

Популист етакчи. У халқ муҳаббатини тез қозона олади, негаки у одамларнинг интилишлари, эҳтиёжлари, дарду — аламларини баён этади. Популист етакчи омманинг норозилиги, ғазаби, ҳиссиётларига таяниб қандайдир долзарб ғояни тарғиб қилади. Масалан: имтиёзларни бекор қилиш, миллатчилик в.х. У муаммоларни "тез ва осон хал қилиш йўллари"ни таклиф этганида, ҳақиқатан ўзи эга бўлган имкониятлардан эмас, халққа маъқул гап айтиб ўз обрўсини кўтариш мақсадидан келиб чиқади. Аммо сиёсатда осон йўллар йўқ. Популизм кенг қулоч ёйишининг сабабларидан бири эса фуқароларнинг сиёсатдан, мулкдан бегоналашганлиги, хилма — хил ваъдаларга осон ишонишидир. Бундай вазиятда чуқур ўйлаб, таҳлил қилиб кўрилмаган ваъдаларини берувчи сиёсатчи ўз мавқеини кўтаришини ўйлар экан, гаровга мамлакат тинчлиги ва осойишталигини қўйиши маълум.

Етакчилик - раҳбар ва буйсунувчи муносабатларга боғлиқ ҳолда, авторитар ва демократик турларга бўлиниши кенг тарқалган.

Авторитар етакчи - чоралар, куч қўллаш таҳдидларига асосланувчи якка йўналтирувчи таъсир кўрсатишни мўлжаллайди.

Демократик етакчи - раҳбар томонидан гуруҳ ёки ташкилотнинг барча аъзолари манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олишда, уларни жалб этишда ифодаланади.

Етакчиликнинг классик туркумлашлардан бири **М.Вебер**нинг ҳокимиятни легитимлаштириш усуллари ҳақидаги таълимотига бориб тақалади:

- Анъанавий (қабила дохийлари, монархлар, халифалар) тури бунда уларнинг обрў эътибори одатлар, анъаналарга асосланади.

⁴² Қаранг: Bass.B.M.Stogdill's Handbook on Leadership. New York, 1981.P.67.

⁴³ Қаранг: Groups, Leadership and Men/ by H. Guetskow. Pittsburg, 1951.p. 136.

- Рационал турга, очик ёки эскича - булар демократик йўл билан сайланадиган етакчилар.
- Харизматик турга омманинг фикрича раҳбарлик учун алоҳида хислатли, буюк сифатлар, одатлардан ташқари қобилиятлар билан таъминланганларга бўлинади.

Биринчисида одат; иккинчисида ақл; учинчисида хис-туйғу ётади.

Бугунги кунда тадқиқотчилар етакчиликнинг **тўртта йиғма** тимсолга бўлиб кўрсатади:

1. Байроқдор - воқеаликни ўзича кўра билиши, жозибали идеал, оммани қизиқтира олиш қобилияти билан ажралиб туради; Мартин Лютер, Хумайний ва бошқалар.

2. Хизматчи - доимо ўз тарафдорлари ва умуман сайловчилари манфаатларини ифодачиси ролида чиқади, уларнинг фикридан мўлжал олади ва уларнинг номидан ҳаракат қилади.

3. Савдогар - учун ўз ғоя ва режаларини қизиқарли қилиб тақдим этиш, фуқароларни уларнинг афзаллигига ишонтириш, бу ғояларни «сотиб олишга» мажбур қилиш ва шунингдек, уларни амалга оширишга оммани жалб этиш қобилияти характерлидир.

4. Ўт ўчирувчи - энг долзарб, қайноқ ижтимоий муаммоларда ҳал этувчи ва уларни жойида бартараф этишга қодир кишилар ҳисобланади.

Етакчининг функциялари:

1. Жамиятни жипслаштириш, оммани бирлаштириш.
2. Ёнг маъқул сиёсий қарорларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши.
3. Ижтимоий ҳакамлик ва ҳомийлик, оммани қонун бузилишлари, амалдорларнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш, тартиб ва қонунчиликни назорат қилиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари билан сақлаб туриш.
4. Ҳокимият ва омманинг сиёсий ва ҳиссий алоқа каналларини мустаҳкамлаш ва шу билан фуқароларнинг сиёсий раҳбарликдан бегоналашувининг олдини олиш. Оммавий ахборот воситалари, айниқса телевидение, шунингдек, сайловчилар билан ўзаро учрашувлар ва бошқа *тадбирлар* орқали президентлар ва бошқа сиёсий раҳбарлар халқ билан бевосита алоқада бўлиши учун кенг имкониятларга эга бўладилар.

5. Янгиланишнинг ташаббускори бўлиш, оптимизм ва ижтимоий энергияни тўплаш, оммани сиёсий мақсадларни амалга оширишга сафарбар қилиш. Етакчи халқ анъаналари ни авайлаб асраши, ўз вақтида янгиликларни илғай олиши, жамият тараққиётини таъминлаши, халқда ижтимоий идеаллар ва ғояларга ишонч уйғотиш лозим.

6. Тизимни легитимлаштириш. Бу функция асосан тоталитар жамият етакчиларига хосдир. Сиёсий режим тарихий халқ анъаналарида ва демократик тадбирларда ўз- ўзини оқлай олмаганида, у буни харизматик етакчининг алоҳида хусусиятларидан излашга ҳаракат қилади. Бунда етакчиларнинг қобилиятлари ҳаддан ташқари бўрттирилади, оз ёки кўп даражада илохийлаштирилади. Масалан, Мао Цзе — Дун, Саддам Ҳусайн в.х.

Шўро даврининг инқирози Б.Ельцин, В.Путин, И.А.Каримов, Н.Назарбоев, А.Акаев каби етакчиларни илгари сурди. Улар эски тоталитар тузумга барҳам бериш ва демократик жамиятни барпо этиш сари халқни етакладилар. Сиёсий етакчига қўйиладиган талаб инқирозли ва барқарор ҳолатларга ҳам боғлиқ бўлади. Вазиятлар назарияси сиёсий етакчининг индивидуал хусусиятларини рад этмайди, лекин уларни мутлақлаштириш ҳам ноўринлигини баён этади.

Қисқача хулоса

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида мавқеига эга бўлган ижтимоий гуруҳлардан бири – сиёсий элита гуруҳидир. Бу гуруҳ ўз ташкилотчилик қобилияти билан бошқа гуруҳлардан алоҳида ажралиб туради ва ўз мавқега эга.

Сиёсий етакчи – сиёсий жараёнлар билан бирга бутун жамият, сиёсий ташкилот ёки ҳаракатни ҳам бошқаради, воқеаларнинг бориши ва сиёсий жараёнлар йўналишини ўзгартира олади. Сиёсий етакчилар жамиятдаги сиёсий жараёнларни жонлантирадилар, жамиятнинг тарихий ривожланишини белгиловчи дастурлар, ғояларни илгари сурадилар.

Ҳозирги дунёда сиёсий етакчиларни қандай мақсадга бўйсунганлигига қараб ижтимоий типларга ажратиш мумкин.

1. Инсонпарвар етакчи шахснинг бошқа типдаги шахслардан асосий фарқи шундаки, унинг барча фазилатлари умуминсоний эътиқод, инсонни улуғлаш кайфияти билан суғорилган.

2. Гуманистик типдаги лидер шахснинг моҳияти гуманизм, яъни инсонпарварлик ғоялари – миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлиги билан характерланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Политология нуктаи назаридан сиёсий элита ҳодисасини таҳлил қилинг.
2. Етакчи, йўлбошчилар тўғрисидаги замонавий назарияларни баён этинг.
3. Политологияда замонавий етакчиликка доир қандай ёндашувлар мавжуд?
4. Ҳозирги демократик давлатларда сиёсий етакчиликка қандай маънавий талаблар қўйилмоқда?
5. Президент Ислом Каримовнинг сиёсий етакчилик фаолиятини изоҳлаб беринг.
6. Сиёсий етакчиликнинг қандай турлари мавжуд?

VIII МАВЗУ. СИЁСИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТ, МАФКУРА ВА ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ҲАЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ

8.1. Сиёсий онг тушунчаси, манбаи ва функциялари

Сиёсий онг ўзининг моҳияти, манбаи, функцияларига кўра иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний онгдан фарқ қилади.

Сиёсий онг – сиёсий борлиқнинг идрок қилинишидир. Кишилар мавжуд сиёсий воқелик билан қаноатланиб қолмайдилар. Улар ҳамиша бу воқеликни билишга, англашга ва уни ўзгартиришга интиладилар. Кишиларнинг ана шу сиёсий борлиқ ҳақидаги билимлари, қарашлари, тасаввурлари уларнинг сиёсий онгини ташкил этади.

Сиёсий онг – сиёсий борлиқнинг субъектив акс этишидир. У сиёсий воқеликни қандай бўлса, шундай, ҳолисона тарзда, бўямасдан, бўрттирмасдан, мутлақлаштирмасдан акс эттиради. Бироқ, сиёсий онг сиёсий воқеликни ойна каби қандай бўлса, шундай, механик тарзда, жонсиз акс эттирмайди. У сиёсий воқеликнинг сир-асрорига «кириб» боровчи, ундан илгарилаб кетувчи, ижтимоий сиёсий жараёнларнинг ўзгариши ва ривожланишини башорат қилувчи ва акс этишидир. Шунинг учун ҳам ижтимоий жараёнларни сиёсий бошқариш амалиётида, ҳам жамиятнинг, ҳам уни ташкил этувчи индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг сиёсий онги ҳолатини ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Сиёсий онг кўпинча сиёсий тасаввурлар йиғиндисидан иборат бўлади. Онгсиз, тасаввурларсиз кишилик жамияти бўлмаганидек, сиёсий онгсиз, тасаввурларсиз сиёсий соҳанинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сиёсий онг нафақат гуруҳий, балки индивидуал характерга ҳам эга. У аниқ тарихий шарт-шароитнинг, муайян омиллар таъсирининг маҳсулидир⁴⁴.

Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишида қуйидаги манбалар асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Биринчи манба – инсоннинг оилавий муҳити. Унинг негизида эса фуқаро шахси шаклланади.

⁴⁴ Қаранг: Политология Т.: «ЎАЖБНТ», 2002, 163–175-бетлар.

Иккинчи манба – бу кенг маънодаги ахборотдир. У инсон онгига ҳам муомала, ҳам оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, матбуот) орқали «кириб» боради.

Учинчи манба – бу индивиднинг шахсий тажрибасидир. Шахсий тажриба олинган билимни рад қилади ёки тасдиқлайди.

Демак, воқелик ўзидан-ўзи сиёсий онг орқали баҳоланмайди. Унинг қабул қилиниши кишиларнинг аввалги эътиқодлари ва манфаатларига ҳам боғлиқдир.

Сиёсий онг яқка ҳолда эмас, балки ижтимоий онгнинг бошқа шакллари: иқтисодий қарашлар, фалсафий таълимотлар, ҳуқуқий назариялар ва меъёрлар, ахлоқий қонуниятлар, эстетик қадриятлар билан ўзаро боғлиқ ва биргаликда ҳаракат қилади.

Энди сиёсий онгнинг функцияларини кўриб чиқамиз. У ҳам ижтимоий онгнинг бошқа шакллари каби бир қатор функцияларни бажаради. Бу функцияларга қуйидагилар киради:

1. Билиш-ахборот бериш функцияси. Кишилар эртами ёки кечми, хоҳлайдими ёки йўқми, аммо муқаррар равишда сиёсат дунёсига дуч келади. Улар бу соҳа билан шуғулланишни хоҳламасаларда сиёсат улар билан бари бир «шуғулланади». У кишиларнинг ҳаётига ва тақдирига давлат, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали таъсир кўрсатади. Сиёсат кишиларга сиёсий ахборот кўринишида «кириб» боради.

2. Баҳолаш функцияси. Сиёсий онг социал-сиёсий воқеликни нафақат билади, изоҳлайди, балки, уни баҳолайди. Кишилар у ёки бу сиёсий ҳодисалар ва воқеаларни англаш жараёнида, уларга ўз муносабатларини билдирадилар, ўзлари учун муайян хулосаларни чиқарадилар.

3. Йўналтириш функцияси. Сиёсий онг кишиларга ўзларини жамият ва давлат олдида нафақат бурчларга, мажбуриятларга, балки муайян ҳуқуқлар, эркинликлар ва сиёсий манфаатларга эга бўлган фуқаролар эканликларини англашга ёрдам беради. Ўз навбатида фуқаролик ўзини-ўзи идрок этиш кишиларни социал воқеликни бўш, бир томонлама англашдан ижтимоий-сиёсий ҳаётда аниқ ва фаол иштирок этишга ундайди.

4. Тартибга солиш функцияси. Сиёсий онг воқеликни идрок этиш асосида ҳамда унинг томонидан ишлаб чиқилган сиёсий ғоялар, меъёрлар, тасаввурлар ва эътиқодлар негизида кишиларнинг ижтимоий ҳуқ-атворларини тартибга солади.

Сиёсий онгнинг даражалари ва шакллари

Сиёсий онг – бу фавқулодда мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. У турли-туман даражалар ва шаклларда, аввало, махсус ва оммавий сиёсий онг шаклларида мавжуд бўлади.

Махсус сиёсий онг - бу қоида бўйича, мафкуравий жиҳатдан бир хил бўлган онгдир. Дастлаб у кам сонли кишиларнинг мулки ҳисобланади. Унинг ташувчилари – сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий ташкилотлар ҳамда бирлашмалардир. Улар муайян йўналиш бўйича оммавий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият зарурлигини белгилайди.

Махсус сиёсий онгда бош масала – ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг оддий вакиллари онгига муайян кўрсатмаларни, қоидаларни ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва жорий этишдир.

Оммавий сиёсий онг жамият эҳтиёжларининг даражаси ва мазмунини бевосита ифода этади. У сиёсий воқелик ҳақидаги жамият билимларининг характери ҳам акс эттиради. Бундай билимлар, бир томондан, турли мафкуралар орқали ишлаб чиқилади ва сиёсий маданиятда мустаҳкамланади. Иккинчи томондан эса ушбу билимлар ижтимоий гуруҳларнинг амалий фаолияти томонидан қўлга киритилади.

Оммавий сиёсий онг аниқ-тарихий ва ўзгарувчан характерга эгадир. У тез-тез кўтарилиш ва пасайиш даврларини ўз бошидан кечиради. Унга кўплаб омилар: у ёки бу партияларнинг сиёсий йўли ва тактик-стратегик фаолияти, турли ижтимоий алғов-далғовлар, муайян тарихий вазиятнинг мазмуни ва бошқа воқеа, ҳодисалар ўз таъсирни ўтказиб туради.

Сиёсий онг назарий ҳамда эмпирик даража ва шаклларга ажралади:

Назарий сиёсий онг – бу сиёсий характерга эга бўлган турли хилдаги ғоялар, концепциялар, қарашлардир. Унинг белгилари; яхлитлик, системалашганлик, башорат қилишга қобиляттилик.

Назарий сиёсий онгнинг хусусияти – унинг иқтисодий, ҳуқуқий, ҳарбий-стратегик ва бошқа реаллик билан чамбарчас боғлиқлигидир. Сиёсий онгнинг ушбу шакли сиёсий назарияларнинг керакли сиёсий дастурлар, декларациялар ва доктриналар бўлиб шаклланганлиги билан ҳам фарқ қилади.

Амалиётга жорий этиладиган ушбу дастурлар, декларациялар ва доктриналар сиёсий онгни сиёсатнинг етакчи элементи сифатида мустаҳкамлаб қўядилар. Сиёсий муносабатлар ва сиёсий институтлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг характери ўз навбатида бу элементга боғлиқдир.

Назарий онг даражаси ва шаклида сиёсатни англаш қуйидаги имкониятларни яратади:

а) унинг муҳим мақсадлари, ҳам фундаментал (стратегик), ҳам кундалик (тактик) вазифаларни белгилаш ва ҳал этишга;

б) уларга эришишнинг восита ва усуллари аниқлашга;

в) долзарб муаммоларни ҳал қилишда ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъмин этишнинг йўналишлари ва йўллари аниқлаб олишга;

г) сиёсий қарорлар ва мақсадли дастурларнинг бажарилиши устидан социал назоратга концептуал ёндашувларни ишлаб чиқишга;

д) амалий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сиёсатга тузатишлар киритишга имкон беради.

Эмпирик сиёсий онг – бу бевосита амалиётда, сиёсий жараёнда алоҳида кишиларнинг, майда ва йирик социал бирликларнинг жонли иштирок этишларига асосланган сиёсий онг даражаси ва шаклидир. У назарий сиёсий онгнинг замини бўлиб хизмат қилади.

Эмпирик сиёсий онг – сиёсий воқеликни ҳиссиётлар, тасаввурлар, иллюзиялар, кечинмалар шаклида акс эттиради. У **биринчидан**, оммада сиёсат ва сиёсий арбобларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш учун озуқа бўлиб хизмат қилади. **Иккинчидан**, жамият сиёсий маданиятининг маънавий негизи бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий онг ижтимоий сиёсий онг ва оддий (кундалик) онг даража ва шаклларига ҳам эгадир.

Ижтимоий сиёсий онг – бу расмий сиёсат бўлиб ишлаб чиқиладиган, асосланадиган, амалга ошириладиган ва сиёсий муносабатлар тартибга солинадиган сиёсий онг даражасидир. Унинг ташувчилари – давлат институтларидир. Бу институтлар сиёсий муносабатларни турли конун лойиҳалар, дастурлар, қарорлар, конституция ва уларнинг моддаларига тузатишлар ва бошқаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш орқали амалиётга татбиқ этиш йўли билан тартибга солади.

Сиёсий онг учун сиёсий воқеликни оқилона - прагматик услубда идрок этиш – ҳокимиятни эгаллаш, қўлда ушлаб туриш жараёнида муваффақиятга эришишни мўлжаллаш ҳам характерлидир.

Оддий сиёсий онг – бу ижтимоий қатлам ёки кишилар гуруҳларининг кундалик ҳаётида бевосита пайдо бўладиган ғоялар ва қарашлар йиғиндисидир. У мазмунига кўра кўп жиҳатдан эмпирик онгга ўхшашдир. Лекин, оддий онг эмпирик онгдан фарқ қилади. У муайян мафкуравий ва назарий элементларга эгадир.

Оддий онгга равшан кўзга ташланадиган ижтимоий-руҳий белгилар – зиддиятчилик, ўзгарувчанлик, тизимга кирмаганлик, ҳиссиёт, кайфият, эҳтирослар хосдир. Бу унга ўзига хос динамиклик (тез ўзгарувчанлик) сиёсий вазиятнинг ўзгаришини аниқ хис этишни бахшида этади.

Сиёсий онгнинг оддий даражаси рационаллик, эмоционаллик, ҳаётий тажриба ва анъана, дақиқалик кайфият ва беқарор стереотипларнинг ўзаро боғлиқлиги билан

фаркланади. Шунинг учун ҳам у беқарор, ҳиссиёт ва бевосита тажрибанинг ўзгаришига боғлиқ тебранишларга маҳкум.

Шундай қилиб, сиёсий онг фавқулодда мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. У нафақат сиёсий воқеликни акс эттиради, балки уни яратади, ўзгартиради.

Сиёсий тарбия – жамият аъзоларида сиёсий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган назарий ва амалиёт фаолият бўлиб, унинг ёрдамида сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларда бўладиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг моҳияти ва мазмуни жамият аъзолари томонидан у ёки бу даражада англаб етилади ва уларда сиёсатга онгли муносабатда бўлиш қобилиятлари шакллантирилади.

Жамият ўз аъзоларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш билан бирга улар олдига юксак мажбуриятлар ҳам қўяди. Бу масъулият жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан чуқур ҳис этилмоғи керак. Хусусан, раҳбарлик лавозимидаги кишилар учун сиёсий тарбиянинг аҳамиятини ҳис этиш ниҳоятда зарурдир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишиларнинг энг буюк, энг муқаддас вазифаси – уни тарбия қилган, билим берган, юксак мартабага олиб чиққан халқига сидқидилдан хизмат қилиш»дир⁴⁵.

Сиёсий тарбиянинг усуллари куйидагилардан иборат:

1) ишонтириш; 2) жамият аъзоларига сиёсий таъсир этиш; 3) намуна бўлиш усуллари ва ҳ.к.

Сиёсий тарбиянинг воситалари: радио, телевидение, босма нашрлар, сиёсий адабиётлар, музейлар, сиёсий мавзуларга доир бадиий ва ҳужжатли фильмлардир.

8.2. Маданий сиёсат ва унинг ривожланиш хусусиятлари

Сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятнинг маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг таъсирида жамиятнинг маданий ҳаётда рўй берадиган хилма-хил муаммолар ҳал қилинади ва муҳим ўзгаришлар қандай натижаларга олиб келишидан қатъий назар, у маданий сиёсатнинг жамият маънавий ҳаётида намоён бўлишини акс эттиради.

Маданий сиёсат – жамият субъектларининг маънавий ҳаёт соҳасидаги назарий ва амалий фаолияти, улар ҳаракатининг натижалари ва оқибатларидан иборат объектив жараёндир.

Маданий соҳадаги сиёсатни ишлаб чиқиш объектив зарурият ҳисобланади. Маданий сиёсат сиёсатнинг бошқа турлари, кўринишлари ва шакллари сингари ўзининг аниқ мазмуни, моҳияти ва хусусиятларига эга. Маданий сиёсатнинг мазмунида бўладиган ҳар қандай ўзгариш унинг моҳияти ва хусусиятларида акс этади.

Маданий сиёсат мазмунан кенг қамровли бўлиб, у бир томондан, жамиятнинг маданий ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш билан боғлиқ муаммоларни, иккинчи томондан, сиёсат субъектларининг маданий соҳадаги ўрни ва ролига доир масалаларни ўзида ифода қилади. Бу масалалар ўзаро боғлиқ ҳолда маданий сиёсатнинг назарий ва амалий асосларини ташкил этади.

Маданий сиёсатнинг алоҳида хусусиятлари, бир томондан, жамиятнинг маданий жиҳатдан ривожланганлик даражасига, иккинчи томондан, сиёсат субъектларининг миллий маданиятга бўлган муносабатлари билан белгиланади. Маданий жиҳатдан ривожланиш даражаси қоққ бўлган мамлакатларда эса, маданий сиёсатнинг амалга оширилиши анча қийин кечади.

Маданий сиёсатнинг моҳияти, унинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Унда жамият аъзоларининг иродаси ва мамлакатнинг маданий истиқболи етакчи ўринни эгалайди.

Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришган кундан бошлаб, маданий сиёсатнинг асосий йўналиши маънавий соҳада йўл қўйилган ана шу хато сиёсатга барҳам

⁴⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 216-бет.

беришга ва унинг ўрнига ўзбек халқининг миллий- маънавий қадриятларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Умуман, маданий сиёсатнинг муҳим йўналишлари куйидагилардир:

1. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш (Биз бу ҳақда кейинги мавзуларда фикр юритамиз).

2. Фанни ривожлантириш ва унинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш.

3. Адабиёт ва санъатнинг халқчиллигини ошириш, унинг тарбиявий таъсирини кучайтириш.

4. Босма нашрлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ишини ривожлантириш ва такомиллаштириш ва бошқалар.

Сиёсий маданиятнинг моҳияти, тузилиши, даражалари ҳамда модель ва турлари

Сиёсий маданият ижтимоий воқелик сифатида синфлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Шу билан бирга сиёсий ҳаёт маданияти синфларнинг юзага келишидан аввал қадимги Шарқда, антик Греция ва Римда шаклланган.

Сиёсий маданият мавжуд ижтимоий бирликка хос бўлган сиёсий онг ва ҳуқ- атвор мажмуидир. Аммо бундай таъриф сиёсий маданиятнинг мазмунини тўла очиб бера олмайди. Бунинг учун сиёсий маданиятнинг асосий таркибий қисмларига эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Сиёсий маданиятнинг таркибий қисмлари:

1. Сиёсий тажриба: а) халқнинг ўзига хос миллий-маънавий қадриятлари; б) менталитети; в) тарихий хотираси ва анъаналари; г) миллий давлатчиликни амалга ошириш тажрибаси, ўз миллий қадриятларидан келиб чиқувчи сиёсий мўлжаллари.

2. Сиёсий онг: а) мафкуравий, ғоявий компонент; б) эмоционал-психологик компонентлардан иборат.

Сиёсий онг элементи жамиятда ҳукмрон бўлган ёки бирорта ижтимоий гуруҳга хос бўлган, жамият сиёсий ҳаётининг турли жиҳатларига сингиб кетган қарашлар ҳисобланади. (Масалан, сиёсий тартибот, қарорларни қабул қилиш, сиёсий ҳаётдаги билимдонлик).

3. Сиёсий қадриятларнинг мазмуни сиёсий воқеликдаги шахс, гуруҳ, жамият қадриятлари тузилмаси билан чамбарчас боғлиқ.

4. Сиёсий кўрсатма – субъектнинг сиёсий воқеликка муносабатларидир. Бу сиёсий билимни қабул қилишга интилиш, сиёсий фаолиятга бўлган фаол ва сушт эътибор, сиёсий фаолиятнинг турли жиҳатларига бўлган муносабат.

5. Сиёсий ҳуқ-атворни шакллантиришда сиёсий анъаналар муҳим роль ўйнайди. Анъаналарда жамият мақсадлари ва манфаатларига жавоб берадиган ўтмиш сиёсий тажрибалари жамланган бўлади. Сиёсий ҳуқ-атвор: а) сиёсий вазият, жараёндаги ҳатти-ҳаракат, фаолият йўналиши; б) ижтимоий-сиёсат фаолият услубининг намуналари, турлари, хусусиятлари.

6. Сиёсий белгилар, рамзлар (символ) ўзида жўшқинликни акс эттирган ҳолда, кишини ўзига жалб этиш хусусиятига эга бўлади. (Масалан, Тейлор сиёсий белгилардан усталик билан фойдаланган, Англияда муҳим сиёсий белги монархия ва ҳ.к.).

Сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётида бир қанча муҳим **вазифаларни** бажаради.

Биринчидан, сиёсий маданият жамиятда миллий манфаатларни рўёбга чиқаришни сиёсий жиҳатдан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу вазифанинг мазмуни ижтимоий-сиёсий формациянинг ривожланиши, жамият тараққиёти даражасига қараб ўзгаради. **Иккинчидан**, сиёсий маданият синфлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ва миллий тузилмалар манфаатлари йўлида сиёсий муносабатларнинг қайта ўзгариши ва қайта ўзлаштириш вазифасини бажаради. Бу вазифани амалда татбиқ этиш билимларни ижодий қўллаш, жамият сиёсий ҳаётини, сиёсий фикрлар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқа сиёсий кучларнинг фаолиятини чуқур англаб етиш билан боғлиқ. **Учинчидан**, сиёсий маданият тартибга солувчилик вазифасини ўтайди. Бундай вазифа барқарор сиёсий тизим,

сиёсий ташкилотлар бўлимини таъминлайди. Сиёсий маданият жамиятда барқарорликнинг қарор топишига кўмаклашади. **Тўртинчидан**, сиёсий маданият тарбиявий вазифани бажаради. Юксак, мақсадлар, қадриятлар, нормалар асосида шахс сиёсий маданиятини шакллантириш унинг моҳиятини ташкил этади. Бу вазифа сиёсий фаолликни, фуқаролик маъсулиятини тарбиялайди, ижтимоий-сиёсий фаолият кўникмаларини шакллантиради. **Бешинчидан**, сиёсий маданият алоқа вазифасини амалга оширади. Бунда, у фуқаронинг сиёсий тизим ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан алоқаси шакли сифатида намоён бўлади. Бу вазифани амалга оширишда таълим, тарбия тизими, оммавий ахборот воситалари, маданий-оқартув муассасалари, адабиёт ва санъат муҳим роль ўйнайди. **Олтинчидан**, сиёсий маданият олдиндан айтиб беришлик вазифасини бажаради.

Сиёсий маданиятга хос талабларга қуйидагилар киради:

- 1) Жамиятдаги воқеа, ҳодисаларга босиқлик билан муносабатда бўлиш.
- 2) Воқеа-ҳодисаларнинг сабабларини тўғри таҳлил қилиш.
- 3) Воқеа-ҳодисаларга нисбатан объектив ва адолатли муносабатда бўлиш.
- 4) Шахсий фикрни давлат, бошқа сиёсий ташкилотлар фикридан устун қўймаслик.
- 5) Давлат сиёсати, давлат тили, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзига ҳурмат билан қараш.

Сиёсий маданият юқори онглилик, маънавий бойлик маҳсулидир. Сиёсий онг қанчалик юқори бўлса, сиёсий маданият даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Сиёсий маданият элементлари:

Сиёсий ҳиссиёт, кўникмалар, билимлар, қарашларнинг мазмуни, характери, системаси ва даражасида кўринади.

Сиёсий хулқ-атвор ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашувида билинади.

Сиёсий анъаналар, одатлар, нормалар, сиёсий ҳаётнинг бир хил типи ва кўрсатмаларида мавжуд бўлади.

Сиёсий муносабатлар, сиёсий ҳаётнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг актив қисмидир. Аслида ижтимоий онгнинг уч тури мавжуд:

- А) ижтимоий онгнинг паст савияси типи;
- Б) сиёсий фаолиятда иштирок этмайдиган типи;
- В) ижтимоий табақаларни белгилаш, сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок этади.

Сиёсий маданият синфий жамият ташкил топгандан кейингина шакллана бошлайди. Сиёсий маданият аслида узоқ ўтмишдан тортиб то ҳозирги кунгача инсоният тараққиёти натижасида жамланган оламшумул тарихий тажрибанинг моҳияти, мағзи, жавҳаридир.

«Агар иқтисодий ўсиш жамиятимиз танаси бўлса, маънавият – маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва қонидир», деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов.

Сиёсий маданиятнинг икки тури мавжуд:

- А) Анъанавий сиёсий маданият ёки ёпиқ маданият типи ҳам дейилади.
- Б) Юқори табақа сиёсий маданияти, ёки очик маданият типи. Бу ўзгарувчан – прагматик бўлади.

Ҳозирги замон политологлари сиёсий маданиятнинг 3 та даражаси борлигини баён этганлар. Булар: 1. Тафаккур қилиш, англаш даражаси. 2. Фуқаролик даражаси. 3. Сиёсий даража.

Сиёсий маданиятнинг қуйидаги моделлари мавжуд:

1. «Тоталитар-авторитар» модели.
2. «Либерал-демократик» модели.
3. «Шарқона сиёсий маданият модели.

Сиёсий маданият турлари, кўриниш ва шакллари:

1. Ибтидоий: (бошланғич) тури – ибтидоий жамоадан қулдорчилик тузумига ўтиш даврида шаклланган. Ҳозирги сиёсий маданият унинг асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Инсон табиат олдида ожизроқ эди. Шу сабаб улар тўда, гуруҳ, табақа, элат, миллат, жамият бирикмаларида уюшиб яшади, бу сиёсий ҳаёт ҳозир ҳам бор.

2. Фуқаролик тури – энг кенг тарқалган, ҳар бир ижтимоий сиёсий тузум доирасида амал қилинадиган асосий тур бўлиб, расмий сиёсий муносабатлар жараёнларини қамраб олади. Фуқаролик сиёсий маданияти умумжамият ва умуминсоний сиёсий маданиятнинг таркибий қисмидир. Шахс билан гуруҳ манфаатлари, эзгулик билан худбинлик ва ҳ.к.

3. Фаоллик тури. Фаол сиёсий маданиятнинг туб моҳияти жамият истиқболини олдиндан идрок этиб, уни илмий-методологик таҳлил қила билишдир. Келажак сиёсий ҳаёт йўналишларини оқилона ҳисобга олган ҳолда, содир бўлаётган сиёсий жараёнлар оқимини объектив ва чуқур илмий назарий таҳлил қилиш асосида ривожлантириш билан бирга истиқбол мақсадларини аниқ ифодалаш юксак даражада амал қиладиган сиёсий маданиятнинг асосий мазмунини ташкил этади.

4. Гуруҳий шакли. Гуруҳий сиёсий маданият бир ижтимоий гуруҳнинг туб мақсад-манфаатлари, талаб-эҳтиёжларининг аниқ ифодаси сифатида намоён бўлади. Сиёсий партиялар ва ижтимоий-жамоат ташкилотлари сиёсий хатти - ҳаракатларининг мазмуни, кўлами, даражаси билан ҳам белгиланади.

5. Оммавий шакли. Сиёсий маданиятнинг оммавий шакли гуруҳий сиёсий маданиятнинг намоён бўлишига нисбатан камроқ, олдиндан режалаштирилмаган ҳолда жамият сиёсий ҳаётининг кескин паллаларида намоён бўлади. Сиёсий фаолият кескин ўзгарган пайтларда, масалан, нарх-наво оширилиши, сиёсий арбобларнинг қувғин қилиниши туфайли омма норозиликларида оммавий сиёсий маданият амал қилишига олиб келиши мумкин.

6. Алоҳида – якка кўриниши. Сиёсий маданиятнинг якка шаклда намоён бўлиши у ёки бу жамият муайян сиёсий мақом ва мавқега эга бўлган айрим шахслар фаолиятларида ўз ифодасини топади. Ҳар бир шахс ўзининг қайси сиёсий партия сафига кириб ёки унинг амалий дастурига қўшилиб, жамият сиёсий ҳаётида қандай тарзда қатнашиш мумкинлиги имкониятларини, усул ва воситаларини аввало ўзи белгилайди ҳамда ўзи танлайди. Бунда унинг сиёсий онги даражаси, сиёсий мафкурасининг мақсад-йўналишлари ўз ифодасини топади.

7. Демократик сиёсий маданият тури.

8. Авторитар сиёсий маданият тури.

9. Тоталитар сиёсий маданият тури.

8.3. Сиёсий мафкура тушунчаси, функция ва асосий йўналишлари

Сиёсий мафкура ҳақидаги масала – сиёсатшунослик фанининг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Агар ғоялар тизими тўла шаклланиб, такомилга етса, мафкурага айланади.

Сиёсий мафкура – сиёсий фаннинг энг мураккаб масалаларидан бири ҳисобланади⁴⁶. Бу ҳақда адабиётларда хилма-хил қарашлар мавжуд. «Мафкура» атамаси юнонча идея ва логос сўзларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, ғоялар ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Бу атама, илк бор 1797 йилдаги француз инқилоби даврида Дестут де Тресси томонидан илмий муомалага киритилган.

Қисқача қилиб айтганда, сиёсий мафкура – бу муайян ижтимоий гуруҳнинг ҳокимиятга интилишини ёки ундан фойдаланишини асословчи ва сиёсий ҳаракатнинг у ёки бу стратегиясини кўзда тутувчи ғоявий тизимдир.

⁴⁶ Қаранг: Политология. Маърузалар матни. Т.: «ЎЖАБНТ», 2000, 150–162-бетлар.

Сиёсий мафкура ижтимоий ҳаётда муайян функцияларни бажаради. Улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Мўлжаллаш функцияси. Бу функция шундай ифодаланадики, мафкура жамият, ижтимоий раванқ, шахс, ҳокимият ҳақидаги фундаментал тасаввурларни ўзига қамраб олиб, у инсон фаолиятининг маъно-мазмунини тизими ва мўлжалини кўрсатиб беради.

2) Сафарбар этиш функцияси. Фозил жамият идеалини таклиф қила туриб, сиёсий мафкура сиёсий фаолиятнинг бевосита мотиви сифатида чиқади ва уни амалга ошириш учун жамият ҳамда ижтимоий гуруҳларни сафарбар қилади.

3) Бирлаштириш функцияси. Таклиф этилаётган дунёнинг фундаментал манзараси чегарасида сиёсий ҳаракатга маъно-мазмун бера туриб, сиёсий мафкура унга шундай аҳамият берадики, у ўз миқёси билан ҳар қандай индивидуал ёки гуруҳий манфаатдан устун туради. Сиёсий мафкура хусусий манфаатларга қарши туради ва шу билан бирлаштирувчи омил бўлиб юзага чиқади.

4) Амортизациялаш функцияси. Сиёсий мафкура жамият, гуруҳлар, индивид эҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг реал имкониятлари ўртасида номувофиқлик вужудга келган вазиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга хизмат қилади.

5) Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялаш функцияси. Бунинг маъноси шуки, сиёсий мафкура у ёки бу ижтимоий гуруҳ манфаатлари асосида вужудга келади ва уларни бошқа гуруҳлар манфаатларига қарама-қарши қўйишга даъват этади.

Сиёсий мафкураларнинг асосий кўринишлари

Сиёсий мафкура замон ва макондан ташқарида бўлган мавҳум руҳий ҳодиса эмас. У муайян тарихий шароит билан боғлиқ – аниқ ижтимоий мазмунга эга бўлган маънавий ҳодисадир.

Ҳар бир тарихий давр ўзига хос ва мос мафкуравий оқимларни илгари суради. Бундан ҳозирги замон ҳам мустасно эмас. У ҳам кўплаб мафкуравий оқимларни юзага келтиради. Биз қуйида ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимларини: либерализм, консерватизм, социал-демократия ва бошқаларни кўриб чиқамиз.

1. Либерализм. Ҳозирги замоннинг энг йирик ва кўп тарқалган мафкуравий оқимларидан бири – **либерализмдир**. Бу атама латинча «либералис» сўзидан олинган бўлиб «эркин» деган маънони англатади.

Либерализм XVII-XVIII асрларда маърифатпарварлик ғоялари негизида тарих сахнасига чиқиб келаётган буржуазия синфининг мафкураси сифатида шаклланди. Бу мафкуранинг асосий қоидалари Ж.Локк, Т.Гоббс, Ш.Монтескье, А.Смит, Т.Жефферсон, Д.Милль ва бошқаларнинг асарларида асосланиб берилди.

Либерализмнинг пойдеворини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий қадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъуллиги, барча кишиларнинг ўзини ўзи рўёбга чиқариш ҳуқуқини тан олишлиги каби принциплар ташкил этади. Бу мафкура парламент тузумининг, муҳим сиёсий муаммоларни ҳал этишда мурсою-мадора, келишувнинг тарафдоридир. У давлатнинг ўсиб кетган иқтисодий ва социал функцияларига салбий муносабатдадир.

Эркинлик принципи либерализм тарафдорлари томонидан давлат чеклашларидан эркин бўлишлик сифатида талқин этилади. Бу ғояни англиялик мутафаккирлар Ж.Локк ва Д.Милль яхши ифода этадилар. Жумладан, Д.Милль бу ғояни қуйидагича изоҳлайди: «Инсон ўзига нима кераклигини ҳар қандай ҳукуматдан кўра ўзи яхши билади».

Либерализм тарафдорлари эркинлик учун кураш инсоннинг иқтисодий, жисмоний ва интеллектуал эркинлиги йўлидаги барча тўсик, чеклашларни тугатиш учун курашни англатади.

Либерализм мафкураси учун шахснинг эркин ривожланиши ва ўзини ўзи тасдиқлаш ғояси характерли бўлибгина қолмай, балки эркинликнинг бозор талқини хусусий тадбиркорлик эркинлиги сифатида характерлаш ҳосдир. Бу мафкура эркинлик ва хусусий мулкнинг ўхшашлигига асосланади. Унда хусусий мулк инсон эркинлигининг

кафолати ва ўлчови сифатида қаралади. Иқтисодий эркинликдан сиёсий ва фуқаролик эркинлиги келиб чиқади.

Иқтисодий назарияда либерализм тадбиркорлик, бозор ва рақобат эркинлигини тарғибот ва ташвиқот қилади. Шу билан бирга бу мафкуранинг тарафдорлари шахсни бозор тизимида амал қилишнинг салбий оқибатларидан сақлашни – ҳукуматнинг вазифаси деб биладилар.

2. Неолиберализм. Мафкуранинг ҳар қандай кўриниши ўзгармасдан қола олмаслиги каби либерализм ҳам ўзгармасдан қолмади. У ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таъсири остида XX асрнинг 30-йилларида **неолиберализмга** ўсиб ўтди. Бу янги мафкуравий оқимнинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар АҚШ Президенти Франклин Рузвельтнинг «Янги йўл»и билан боғлайдилар. Рузвельт либерализм мафкурасига асосланган сиёсатга қатор муҳим тузатишлар киритди. Бу тузатишлар давлатнинг иқтисодий ва социал ролини қайтадан кўриб чиқиш билан боғлиқдир. Неолибераллар давлатнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солиш, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш зарурлигини тан оладилар. Неолибераллар сиёсий дастурининг негизини бошқарувчи ва бошқарилаётган-ларнинг ўзаро келишуви, сиёсий жараёнда омманинг иштирок этиши зарурлиги, сиёсий қарорларни қабул қилиш амалиётини демократиялаштириш ташкил этади.

3. Консерватизм. Ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимларидан яна бири - **консерватизмдир**. Бу атама латинча «консерваре» сўзидан келиб чиққан бўлиб, у сақлаш, қўриқлаш деган маънони англатади. Консерватизмнинг асосий қоидаларини XVIII асрда англиялик мутафаккир ва сиёсатчи Э. Берк, Франциянинг жамоат арбоблари Ж.де Местр ва Л. де Боналдлар томонидан асослаб берилди. Бу қоидаларнинг негизида табиий равишда қарор топган нарсалар тартибининг бузилмаслиги, оила, миллат, дин, табақавий бўлиниши билан боғлиқ бўлган анъанавий қадриятларни сақлаб қолиш ғояси ётади. Ана шундан келиб чиқиб, консерваторлар ижтимоий тараққиётда янгиликларга нисбатан ворислик устуворлигини ёқлаб чиқадиладар. Уларнинг фикрича, сиёсий принципларни урф-одатларга, миллий анъаналарга, қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий институтларга мослаштириш лозим. Уларда зинапоя тарзидаги ижтимоий тузилишнинг юқоридан ўрнатилганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ ва шунинг учун уни инсон томонидан ўзбошимчалик билан ўзгартириб бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, тенглик принципи инсон табиатида зид келади ва уни жамият тузилишининг негизига қўйиб бўлмайди. Консерваторлар ҳар доим эгалитаризм билан боғлиқ бўлган «ҳаддан ташқари демократизм»га қарши чиқадиладар.

У буржуа муносабатлари қарор топиши билан йирик капитал манфаатларини ҳимоя қилувчи ғояга айланди. Консерваторлар ҳам либераллар сингари бозорда рақобат эркинлиги таъминланиши, иқтисодиётга давлат аралашини чеклашни талаб қилдилар.

4. Неоконсерватизм. XX асрнинг 70-йилларида консерватизмнинг тарихида янги фаза – неоконсерватизм (Д.Белл, З.Бжезинский, Н.Подгорец, Н.Кристолл, А.Хайек)дан бошланади. Бу янги оқимнинг пайдо бўлишини тадқиқотчилар АҚШда Рональд Рейган бошчилигида республикачилар, Буюк Британияда Маргарет Тэтчер бошчилигида консерваторлар, ГФРда Гельмут Коль бошчилигида ХДХ-ХСС блокнинг ҳокимиятга келиши билан боғлайдилар.

Неоконсерватизмнинг қарор топиши тасодифий эмас. У неолиберализм ва социализмга қарши туриш мақсадида шаклланди. Неолиберализм давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашини зарурлигини тан олади ва давлатнинг ижтимоий дастурларни ривожлантиришини қўллаб-қувватлайди. Неоконсерватизм эса давлатнинг иқтисодиётга аралашини чеклашни талаб қилади.

Антиэтатизм, давлатнинг ижтимоий вазифаларини чеклаш – неоконсерватизм ғоявий-сиёсий кўрсатмаларини белгиловчи аломатидир. Неоконсерваторлар қарашларига кўра «энг яхши ҳукумат шуки, у камроқ бошқаради».

Неоконсерваторлар аҳолининг кам таъминланган қатламлари фойдасига ресурсларни қайта тақсимлаш мақсадида йирик капиталга солинаётган солиқларга қарши чиқадилар. Улар тенг тақсимлашнинг ашаддий душмани сифатида давлатнинг ижтимоий дастурларини қисқартиришни талаб этадилар. Неоконсерваторларнинг фикрича, ҳозирги давлат кишилар учун натижалар тенглигини эмас, балки имкониятлар тенглигини яратиб бериши зарур. Давлатнинг «соғиладиган сигир»га айланиши инсонни бузади, ишдан чиқаради, ҳар бир киши ўз фаолиятида давлатга эмас, балки ўзининг кучига, яқинлари ва фуқароларига таяниши зарур.

5. Социал-демократия. Ҳозирги замоннинг энг таъсирли мафкуравий оқимларидан бири – социал-демократиядир. Бу мафкура марказда турувчи кучларнинг сиёсий доктринаси ҳисобланади.

Социал-демократия мафкураси XIX асрнинг охирида немис мутафаккирлари ва жамоат арбоблари К.Каутский ва Э.Бернштейн томонидан асослаб берилди. Бу мафкурага биноан янги жамиятга инқилобий йўл билан эмас, балки тинч, эволюцион йўл билан – буржуа жамиятини аста-секин ислоҳ қилиш орқали ўтилади. Социал-демократлар бу кўрсатмаларни амалга оширишни давлатни йўқсиллар фойдасига қайта тақсимлаш, иқтисодиётнинг давлат секторини ва кўплаб давлат ижтимоий дастурларини ривожлантириш билан боғлайдилар.

Германия ва Швецияда социал-демократик партиялар бошқаруви даврида ҳаётнинг юқори даражаси ва сифатига эришилди.

Социал-демократия - ҳозирги замоннинг энг таъсирли мафкураларидан бири ҳисобланади. У ижтимоий ислохотларни амалга ошириш йўли билан жамиятни ривожлантиришни ва халқнинг фаровонлигига эришишни кўзда тутди.

6. Миллий мафкуралар. Ҳозирги замоннинг мафкуралари қаторида **миллий мафкуралар** муҳим ўринни эгаллайди. Улар келиб чиқиши ва мазмун-моҳиятига кўра бошқа мафкуралардан фарқ қилади.

Президент Исмоил Каримов мафкурага шундай таъриф беради: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва минталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу мамлакатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»⁴⁷. Шу боисдан ҳам миллий мафкура ҳар қандай халқни – халқ, миллатни – миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган маъқдир.

7. Экологик-сиёсий мафкуралар. Экологик-сиёсий мафкуралар урушдан кейинги йилларда вужудга келди ва XX аср 70–80-йилларда кенг ривож топди. Бунга ривожланган мамлакатлардаги оғир экологик вазият сабаб бўлди.

8. Диний сиёсий мафкуралар. Диний-сиёсий мафкуралар диний ақидаларга таянади. Буни айрим мамлакатларда, хусусан Яқин Шарқ ва Осиёда (Эрон, Покистон, Афғонистон, Саудия Арабистони) ва бошқа мамлакатлар мисолида кўриш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги замоннинг мафкуравий оқимлари ранг-барангдир. Улар хилма-хил ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этади ва жамиятни тараққий эттиришнинг турли-туман йўллариини илгари суради.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари

Дунёнинг мафкуравий манзараси деганда одамларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун олиб борилаётган кураш қаерда, қандай кечаётгани, бу йўлда қайси жойда қандай усул ва воситалар қўлланаётганини тушунамиз. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасида инсон қалби ва онгига таъсир ўтказувчи турли хил воситалар билан кураш олиб боровчи мафкуравий полигонлар яққол кўзга ташланмоқда. «Мафкуравий полигон» тушунчасини биринчи марта Президентимиз Исмоил Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида ишлатган.

⁴⁷ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7 – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 89-бет.

Мафкуравий полигон деб, одамларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган ғоя ва мафкурани маблағ, замонавий техник воситалар билан кучлантириб, моддий ва маънавий ташвиқот қуролларини ишга солиб, дунёдаги ахборот ва фикр оқимини ўз фойдаси йўлида бошқариб турадиган ғоявий марказга айтилади.

Инсоният XX аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир.

1. Буюк давлатчилик шовинизми. (Шовинизм фран. буржуа миллатчилигининг ўта реакцион формаси) бошқа миллат ва халқларга нафрат ва душманликни авж олдиришга қаратилган. Шовинизм гўё тўлақонли бўлмаган бошқа миллатлар ва ирқлар устидан ҳукмронлик қилишга даъват этилган бир миллатнинг алоҳидалигини («мумтозлигини») тарғиб этади.

Буюк давлатчилик шовинизмининг бугунги кунда бошқача кўринишлари ҳам мавжуд:

1) Пансоветизм – узоқ вақт давомида бир иттифоқ доирасида яшаш натижасида ижтимоий-сиёсий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлақлаштиришга асосланган.

2. Диний ақидапарастлик – сиёсий мақсадлар йўлида мавжуд ижтимоий муаммоларни илк, яъни мазкур дин пайдо бўлган пайтдаги арконлар асосида ҳал этмоқ ниятидаги ҳаракат ва қарашлардан иборат. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб уларнинг ягона ҳалифалик остида сиёсий бирлашуви ғоясини асослашга ҳаракат қилади. Бу идеология диний асосда бирлашув ғоясини биринчи ўринга қўяди. Бу оқим маънавий заминда иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник ҳамкорлик, салоҳият тараққиётга йўл очса, бунинг нимаси ёмон деган «беозор» мафкуравий қарашни илгари суради.

Ислом ақидапарастлиги – замонавий исломда мавжуд 3 йўналишдан бири: бу **диний ақидапарастлик – Ислом фундаментализмидир**. Аслида у демократия ва ошкоралик даврида «соф» исломни тиклаш ҳаракати асосида Марказий Осиё мусулмонлари, кўпинча ёш мусулмонлар орасида пайдо бўлган диний оқимдир. Ислом ақидапарастлиги, яъни ислом фундаментализмининг **асосий ғояси** – «соф ислом» қадриятларига (принципларига) қайтиш, мақсади эса – исломий давлат ва тараққиёт йўлини жорий этишдан иборат.

Диний экстремизм – маълум сиёсий мақсадлар йўлида ва дин ниқоби остида мутаассиблар ёки уларнинг иродасига кўра иш кўрувчи гуруҳлар томонидан олиб бориладиган ўта ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини англатади. Бошқача айтганда, диний экстремизм – муайян диний йўналиш ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб унсурлар сиёсий фаолиятининг мафкураси⁴⁸.

3. Ислом модернизми – исломнинг диний таълимотдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларга тааллуқли ақидаларини янги замон шароитларига мувофиқлаштириш, замонавийлаштириш орқали тараққиётнинг янги йўллариини ишлаб чиқишдир.

4. Ислом традиционализми – бу оқим тарафдорлари ўрта аср ақидаларига қаттиқ амал қилиб, буларни ўзгармас деб ҳисоблаган ҳолда динни ҳар қандай ислоҳ қилишга, модернизмга қатъий қарши чиққанлар ва ҳозир ҳам шундай қилаётирлар.

1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Олий Кенгашининг 12-чақириқ 5-сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган эди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири 1998 йил 1 майда Олий Мажлиснинг 11-сессиясида қабул қилинди.

⁴⁸ Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. Маъруза матни. Т.: «Маънавият», 2000, 3–4-бетлар.

Ҳозирги давр ва мафкуравий полигонларда ғаразли геосиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги мафкуравий таъсир ўтказишда энг аввало «**бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил**» деган, қадимий тамойилга амал қилишга уринилмоқда.

Ғоявий бўшлиқ деб, эски ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлиқ тушунчаларнинг кадрсизланиши, бугунги ҳаёт, ўтмиш ва келажакка дахлдор кадриятлар, тушунча ва тасаввурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгида вужудга келадиган **бўшлиққа айтилади**.

Президент Ислам Каримов **мафкуравий иммунитетга** шундай таъриф берган эди: «Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида Она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур».

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди⁴⁹.

Қисқача хулосалар

Сиёсий онг – бу кишиларнинг сиёсий билимлар, тасаввурлар, маслақлар, эътиқодлардан иборат бўлиб, ўзлари яшаб турган сиёсий тузумга баҳо беришлари йиғиндиси.

Сиёсий онг – гуруҳий характерга эга бўлган онгдир. Ҳар бир киши маълум ижтимоий гуруҳ, табаканинг аъзоси, бирорта миллатнинг вакили, бирор давлатнинг фуқароси ҳисобланади.

Сиёсий маданият кенг маънода: фуқароларнинг сиёсий билимлари, мўлжал-баҳолари, сиёсий хатти-ҳаракатларининг даражаси ва табиатини англатиб, сиёсий муносабатларни йўналтириб туриш жараёнларининг ижтимоий-сиёсий кадриятлари мазмуни ва сифатини, анъаналари ва қонун - қоидаларини ўз ичига олади. Тор маънода: эса сиёсий маданият – сиёсий муносабатлар мазмуни ва сифат даражасини белгилаб берадиган ўзаро мулоқот тарзини белгилайди.

Сиёсий мафкура – у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи ҳамда кўпроқ миқдордаги кишиларнинг индивидуал ўй-фикрлари ва хатти-ҳаракатларини ҳокимиятдан фойдаланишнинг муайян мақсадлари ва вазифаларига бўйсундиришни талаб қилувчи системалашган ғоялар, қарашларнинг йиғиндисидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Сиёсий онг қандай функцияларни бажаради?
2. Сиёсий онгнинг гуруҳ, индивидуал характерларини изоҳланг.
3. Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишида қандай манбалар асосий омил бўлиб хизмат қилади?
4. Сиёсий онгнинг функцияларини баён этиб беринг.
5. Сиёсий маданиятнинг моҳиятини тушунтиринг.
6. Сиёсий маданият, сиёсат ва сиёсий барқарорлик тушунчалари ўртасидаги ички боғлиқни аниқланг.

9-мавзу. ХАЛҚАРО ТИЗИМЛАР ВА УМУМБАШАРИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СИЁСИЙ МУАММОЛАРИ

9.1. Халқаро тизим: моҳияти, тузилмаси, функционал жиҳатлари ҳамда давлатлар ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифалари

Давлатларнинг ташқи сиёсати объектив сиёсий ҳодиса ҳисобланади. Ҳеч бир давлат бошқаси билан у ёки бу даражада алоқа қилмасдан ёки ўзаро муносабатда

⁴⁹ Маърифат газетаси. 2001 йил 20 январь.

бўлмасдан самарали ривожлана олмайди. Давлатларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқалари қай даражада олиб борилишидан қатъий назар, бу жараён халқаро муносабатларнинг боришини белгилаб беради. Халқаро тизим сиёсат субъектига қарашларда турли хил тенденциялар кучаймоқда.

Биринчи, халқаро тизим субъектига номақбул қарашлар бўлиб, политолог, сиёсий арбоблар Збигнев Бжезинский ҳамда Генри Киссинджерларга мансуб бўлган «реалистлар мактаби» вакиллари қарашларидир. Унга кўра, халқаро сиёсат майдони, яъни халқаро ҳаёт улкан шахмат тахтаси бўлиб, у ердаги фигуралар, яъни иштирокчилар қандайдир кучли ўйинчилар изми ва хоҳиш иродасига боғлиқ бўлишади.

Иккинчи қарашга кўра, халқаро ҳаётга моҳиятан бир-бирига душман бўлган давлатлар фаолияти макондир, дейилиб, халқаро сиёсат эса яхлит тизим бўлмасдан бир-бирига азалий муҳолиф бўлган кучларнинг ўзаро муносабатидан шаклланади. **Прагматиклар ва идеалистлар, фрагментарчилар ва монистлар, бирқутбчилар ва кўпқутбчилар** ҳисобланади.

Давлатларнинг миллий манфаатлари уларнинг ташқи сиёсати орқали моддий кучга айланиб халқаро майдонда уларнинг у ёки бу даражада фаолият кўрсатишини белгилаб беради. Ташқи сиёсат зарурлигининг миллий манфаатлари орқали ифодаланиши барча давлатларга хос бўлган умумий ҳодиса ҳисобланади.

Ташқи сиёсатга хос бўлган **объективлик** хусусияти давлатларнинг халқаро майдонда рўй бераётган ўзгаришларга муносабат билдиришида ҳам намоён бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳар бир давлатнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса, у жаҳон сиёсатидан четда қолиб кетмаслиги зарурлигидан келиб чиқади.

Ташқи сиёсат **ўзгарувчанлик** хусусиятига эгадир. Маълумки, мамлакат ичида ва халқаро майдонда рўй берадиган янгидан-янги сиёсий воқеа-ҳодисаларга билдириладиган муносабат ҳамиша бир хилда бўлиб қолмайди. Гарчи бу муносабат давлатлар ташқи сиёсатининг бутунлай ўзгариб кетишига олиб келмаса-да, айти пайтда бу сиёсатга маълум даражада таъсир этиб, унинг янги вазият талабларига мос равишда ўзгариб туришига сабаб бўлади.

Ташқи сиёсат ҳам ички сиёсат сингари **барқарорлик** хусусиятига эга бўлади. Барқарорлик, бир томондан, ташқи сиёсий вазиятга, иккинчи томондан эса, сиёсий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади.

Ташқи сиёсатга турли давлатларнинг мақсад ва манфаатларидаги **умумийлик** ҳодисаси ҳам хосдир. Бир давлатнинг ташқи сиёсати бошқа давлатларнинг ташқи сиёсатига кўп жиҳатдан мос келади. Ҳозирги кунда тинчлик ва хавфсизлик учун кураш, ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, терроризм, оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришга қарши биргаликда кураш ва бошқа шулар сингари сиёсий муносабатларда кўпчилик давлатлар олиб бораётган ташқи сиёсатда умумийлик ҳодисаси устун ўринни эгаллайди.

Ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаларидан бири дипломатиядир.

Дипломатия — (французча) — давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларида бири. Дипломатик давлат раҳбарлари, ҳукуматлар, давлат ташқи ишлар органлари ва бевосита дипломатларнинг ташқи сиёсат мақсад ва вазифаларини амалга оширишга ҳамда ўз давлатининг ва хориждаги айрим фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берувчи расмий фаолияти шаклида олиб борилади

Ташқи сиёсат муносабатлари икки кўринишда бўлади:

1. Давлатлар ички кўринишида (Ташқи ишлар вазирлиги амалга оширади).
2. Ташқи кўринишда (ташқи сиёсатни амалга ошириш воситаси дипломатиядир).

Дунёдаги 120 дан кўпроқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда 43 мамлакат ўз элчихонасини очди. Эндиликда Ўзбекистон энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та

ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистоннинг элчихоналари ва бош консулхоналари ишлаб турибди⁵⁰.

Жаҳон урушлари натижасида вужудга келган халқаро ҳолат, вазият муаммолари олдин Версаль шартномасида (1919 йил 28 июнь), кейинчалик олдин келишиб олинганига кўра, 1919 йилда ташкил этилган ва 1939 йилгача амал қилган Миллатлар Иттифоқи доирасида кўриб чиқилиб, халқаро ҳуқуқ, ақидалар ва қоидалар шакллантирилган, Иккинчи жаҳон урушигача амал қилиб келган эди.

Халқаро сиёсий муносабатларда ҳозирги кунда амал қилаётган халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидалари 1945 йил 24 октябрда ташкил этилган БМТ Низомида ўз ифодасини топган. Унда давлат мустақиллигини ҳурмат қилиш, тинч-тотув яшашга риоя қилиш, ўзига юклатилган бурч ва вазифаларни оғишмай бажариш, низо-можароларни тинч, сиёсий музокара йўли билан ҳал қилиш, бир-бирига нисбатан куч ишлатмаслик, ички ишларига аралашмаслик каби қоидалар белгилаб берилган.

БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги асосий ҳужжатларни давлатлар ўз қонунлари руҳига сингдиришган:

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси» (1948 йил 10 декабрда қабул қилинган).⁵¹

«Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт» (1996 йил 19 декабрда қабул қилинган).

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт» (1966 йил 19 декабрда қабул қилинган).

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга факултатив Протокол» ва ҳ.к.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналиш ва тамойиллари:

Ўзбекистон давлатлараро муносабатларда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, илмий-техник соҳаларда икки ва кўп томонлама алоқаларни кенг йўлга қўйган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 4-боб 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлардаги ташқи сиёсатининг **ҳуқуқий принциплари** ишлаб чиқилди ва асослаб берилди:

1. суверенитети, тенглиги;
2. куч ишлатмаслик ёки таҳдид қилмаслик;
3. чегараларнинг дахлсизлиги;
4. низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
5. бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик⁵².

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатни амалга оширишдаги 6 та **амалий** принципини ишлаб чиқди.

1) Миллий давлат манфаатлари устун бўлган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш.

2) Умумбашарий қадриятлар устунлиги, халқаро майдонда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш. (Ўзбекистонни ядросиз минтақага айлантириш, ҳарбий блок, уюшмаларга кирмаслик. Низоларни ҳал этишда куч ишлатмаслик, таҳдид қилишдан воз кечиш, халқаро ҳужжатларни тан олиш, уларга риоя қилиш).

3) Тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик. Тенглар орасида тенг бўлиш.

4) Мафкуравий қарашлардан қатъий назар очиқ-ойдинлик, барча давлатлар билан

⁵⁰ Ғуломов С. ва бош. Ўзбекистон 11 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «ЎАЖБНТ» маркази, 2002, 35 – 36-бетлар.

⁵¹ Инсон ҳуқуқлари. Тошкент: «Ўзбекистон», 1997, 183 – 233-бетлар.

⁵² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 8–9-бетлар.

кенг ташқи алоқани ўрнатиш.

5) Ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиш.

6) Ҳам икки томонлама ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш⁵³.

1996 йил 26 декабрда «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

9.2. Ҳозирги жаҳон тараққиётида халқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари

Сиёсий муносабатлар халқаро муносабатларнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Бу муносабатлар тўғрисида француз политологи Раймон Арон шундай ёзади. «Халқаро сиёсий муносабатлар, бу социал бирликлар ва институтлар ўзаро алоқалари ва таъсир заминида шаклланивчи муносабатларнинг бир кўринишидир». Унинг фикрича, иқтисодий, маданий ва социал муносабатлар ўз эволюциясининг маълум бир босқичида, яъни сиёсий тизим давлатчилиқ ва бошқарув тизимининг барқарорлиги билан боғланган жойда ўз-ўзидан сиёсий тус олади.

Ҳозирги кунда халқаро муносабатларда ҳарбий, сиёсий ихтилофларга йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Терроризм айрим ёки бир гуруҳ кишилар томонидан у ёки бу давлатда ижтимоий-сиёсий тартибни бузишга, қўпоровчилик қилишга, шу ҳаракати билан халқларни кўрқитишга қаратилган ҳаракатдир.

Терроризмнинг кўринишлари турли хил бўлиб, улар ўз ичига сиёсий раҳбарларга суиқасд уюштириш ёки гаровга олиш, давлат тўнтаришини амалга ошириш, муҳим объектларни портлатиш, қўпоров ишларини амалга ошириш каби ҳаракатлар бўлиб, уларнинг барчаси халқаро муносабатлар соҳасида турли хилдаги зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Масалан, 1995 йилда Исроил давлатининг Бош вазири Исроил Рабиннинг ўлдирилиши Исроил билан кўпчилик араб давлатлари ўртасидаги муносабатларга кучли салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли ҳам Мисрнинг Шарм Аш-Шайх шаҳрида 1995 йилнинг май ойида ва 1999 йил 18–19 ноябрда ЕХҲТнинг Истамбул саммитида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро кенгаш ўтказилди. Бу кенгашларда кўпчилик давлатларнинг Президентлари қатнашиб, улар терроризмнинг ҳар қандай кўринишига биргаликда кураш ҳар бир давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиши зарурлиги, унга қарши кураш эса барча давлатларнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлашди. Кенгашда терроризмга қарши курашнинг йўллари ишлаб чиқилди. Худди шундай ҳолат 2001 йил 11 сентябрида АҚШда террористлар томонидан амалга оширилган ҳуружлар муносабати билан ҳам юзага келди.

Халқаро ҳуқуқ - давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари ўртасида олиб бориладиган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги алоқаларнинг қонун ва қоидалари мажмуидир.

Халқаро сиёсий муносабатларда вужудга келган можароли муаммоларни халқаро ҳуқуқ, қонун-қоидалари негизида тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Халқаро Суд фаолият кўрсатади.

Халқаро сиёсий муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар.

БМТ Устави ва бошқа ҳужжатларда халқаро сиёсий муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар қуйидагилардан иборат:

1) давлатларнинг суверен тенглигини ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик;

2) тинч-тотув яшаш сиёсатига оғишмай амал қилиш;

3) халқаро келишмовчиликларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш;

⁵³ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 50-52-бетлар.

4) давлатлар чегараларининг дахлсизлиги ва ҳудудининг бир бутунлигини тан олиш;

5) инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

6) миллатлар ва элатларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш;

7) халқаро мажбуриятларга виждонан амал қилиш.

Халқаро ташкилотлар деб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданий ва илмий-техник асосларда умумий мақсадларга эришиш учун давлатлар, миллий жамият уюшмалари бирлашувларидан ташкил топган ташкилотларга айтилади. Бу давлатлар ўртасидаги кўп томонлама алоқа қилишнинг энг муҳим кўринишларидан биридир.

Халқаро ташкилотлар аъзоларининг сони ва таркибига қараб иккига бўлинади:

1. **Умумий** (универсал) типдаги халқаро ташкилотлар (турли социал-сиёсий тузумдаги давлатлар иштирок этади).

2. **Бир хил типдаги** (регионал, субрегионал) халқаро ташкилотлар.

Халқаро ихтисослашган турлари

1. **Ихтисослашган халқаро ташкилотлар:** БМТнинг ЮНЕСКО бўлими, БМТнинг ФАО (Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича) бўлими, БМТнинг ЮНИДО (Саноат тараққиёт дастури), ЖССТ (БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти), БМТнинг Космик комитети, БМТнинг Парламентлараро халқаро ташкилоти, ЕХХТнинг Парламентлар Ассамблеяси, ЮНИСЕФ — БМТнинг Болалар муаммоси билан шуғулланувчи комитети, МАГАТЕ, ХВФ, ВОИС - БМТнинг Бутунжаҳон Маънавий Мулк Ташкилоти ва ҳоказо.

2. **Регионал (минтақавий) халқаро ташкилотлар:** АДИ, Америка Давлатлари Ташкилоти, Африка Бирлиги Ташкилоти, Осиё ва Африка Бирлиги Ташкилоти, Жанубий-Шарқий Осиё Давлатлари Уюшмаси, Болтиқ Денгизи Кенгаши, Ҳинд океани уюшмаси ва ҳ.к.

3. **Иқтисодий халқаро ташкилотлар:** Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё Бирлашган Иқтисодий Тараққиёти юзасидан «Поломбо плани», Марказий Америка Умумий бозори, Халқаро Энергетика Агентлиги, Осиё давлатлари Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Жаҳон Интеллектуал мулки ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, ЭКОСОС, МДҲ ва ҳ.к.

4. **Ҳарбий-сиёсий халқаро ташкилотлар:** НАТО, АНЗЮС, СЕАТО, СЕНТО, ғарбий Европа Иттифоқи ва ҳоказо.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов БМТ Бош Ассамблеяси 48 ва 50-сессияларида ва Минг йиллик саммитида сўзлаган нутқлари жаҳон афкор оммасининг эътиборини қозонди, мамлакатимиз обрў-эътиборини оширди.

Ўзбекистоннинг минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш, Афғонистонда биродарқушлик урушига барҳам бериш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш каби ташаббуслари халқаро жамоатчилик томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида тузилган 6+3 гурҳи, бу гуруҳнинг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви ва унда қабул қилинган Декларация катта эътиборга молик бўлди. Мазкур Декларация БМТ томонидан расмий ҳужжат сифатида тарқатилди ва бу нуфузли халқаро ташкилотнинг бир қатор резолюцияларига асос бўлди.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик ижобий самара бермоқда.

Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса махсус битимлар асосида

самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги алоқаларимиз минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшмоқда. ШХТ аъзо бўлган Ўзбекистон Хитой, Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ижтимоий иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда.

ЕХХТга аъзо давлатлар раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларининг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган (1999 йил 18–19 ноябрь) учрашуви давримизнинг энг муҳим анжуманларидан бири бўлди. Республикамиз Президентининг мазкур анжумандаги нутқи аниқ таклифлари ва мулоҳазалари билан йиғилганлар эътиборини қозонди. Айниқса, терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш борасидаги таклифи кўплаб давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва 2001 йил 11 сентябрдаги АҚШга қилинган террористик хуруж бу фикрни яна бир бор исботлади. МДХ доирасидаги ана шундай терроризмга қарши марказнинг таъсис этилишига ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг таклифи сабаб бўлди.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), қочоқлар иши бўйича БМТнинг Олий Комиссарлиги, БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича дастури (ЮНДКП), Жаҳон почта иттифоқи, Тараққиёт дастури каби БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари ишида фаол иштирок этаётганлигини албатта қайд этишимиз лозим.

1996 йил 21 июнда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи (ЕИ) ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди. Мазкур битим фундаментал, кенг қамровли бўлиб, жуда кўп соҳаларда томонлар орасидаги муносабатларни янги поғонага кўтармоқда. Улар орасида сиёсий, ҳукукий, иқтисодий, инвестиция, молия, божхона, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация, почта, стандартлаштириш, транспорт, статистика, туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўпгина соҳалар бор.

9.3. Умумбашарий муаммоларнинг турлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари

Умумбашарий муаммолар ҳозирги куннинг энг жиддий ва кескин муаммоларидан бирига айланиб қолмоқда. Улар жуда хилма-хил бўлиб, ўзининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларига кўра бир-биридан ажралиб туради.

Умумбашарий муаммолар моҳиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади: Инсониятни ядро ҳалокати уруши хавфидан сақлаш, ялпи ва умумий тинчликни таъминлаш, халқаро терроризм муаммоси, шу жумладан минтақалардаги террористик ҳаракатларга биргаликда кураш, гиёҳвандлик, аҳолининг сон жиҳатдан ўсиши, хомашё, энергетика, қашшоқлик, очарчиликка қарши кураш ёки озик-овқат, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини асраш, коинот ва жаҳон океанлари бойлиқларини тинчлик мақсадида ўзлаштириш, орол, СПИДга қарши биргаликда кураш, хавфли касалликларни бартараф этиш муаммолари, мустақилликка эришган мамлакатларнинг иқтисодий қолоқлигини бартараф этиш ёхуд кам тараққий этган мамлакатларни илғор мамлакатлар турмуш даражасига тенглаштириш ва бошқа муаммолар киради.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан бартараф этиш йўллари

Ҳозирги кунда жаҳон сиёсатида, халқаро муносабатлар жараёнида шундай объектив шарт-шароитлар вужудга келмоқдаки, бу шароитлар умумбашарий муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш имкониятларини кенгайтirmoқда.

Сиёсий нуқтаи назардан умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш давлатлар, сиёсий партиялар, халқаро ташкилотлар, жамоат ташкилотлари олиб бораётган назарий ва амалий ҳаракатларининг таркибий қисми ҳисобланади.

Жаҳондаги жуда кўплаб сиёсий **партияларнинг дастурларида умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш** ишига катта эътибор билан қараб келинмоқда. Германиядаги «Кўкатпарварлар партияси» атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида, Португалиядаги «Демократик янгиланиш партияси» мамлакатдаги тинчликсевар кучлар сафини

жипслаштириш мақсадида тузилган⁵⁴. Австралиядаги «Ядровий куролсизланиш партияси»нинг дастурида ядро куролларининг мамлакат ҳудудига жойлаштирилишига қарши кураш масалалари баён этилган. Бундай мисолларни жаҳондаги бошқа кўплаб сиёсий партиялар ҳаётидан ҳам келтириш мумкин.

Умумбашарий муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳам ҳал қилишда халқаро ташкилотлар ва уюшмалар муҳим роль ўйнайди. Уларнинг ҳар бири ўзининг мақсад, вазифаларига кўра атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, очарчиликка қарши кураш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ядро урушининг олдини олиш сингари умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу ишда, айниқса, БМТ ҳамда унинг ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби ихтисослашган ташкилотлари амалга ошираётган ишлар эътиборга лойиқдир. Улар уруш ва тинчлик, хавфсизлик, экологик, қашшоқлик ва очарчилик, касалликлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда етакчилик ролини ўйнамоқда. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан умумбашарий муаммоларни ҳал этиш базасида ҳамкорлик қилишга тайёр. Умумбашарий муаммоларга қарши курашда биргаликдаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий комиссиясининг тузилишини биз қутлаган бўлур эдик».

Халқаро терроризмнинг сиёсий ҳодиса эканлиги ва унинг инсоният ҳаётига таҳдиди

Терроризмнинг бугунги кунда ўзининг бир неча асрлар давомида синовдан ўтган аҳолининг айрим қисми онгини заҳарлаш йўли билан ҳокимиятни қўлга киритиш амалиётига содиқ қолгани ҳолда даврлар ўтиши билан унинг ўз кураш шакли, услублари ва воситаларини усталик билан ўзгартириб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Гап, Президентимиз талқини билан айтадиган бўлсак, **бугун инсоният террорчилар мисолида халқаро миқёсда уюшган, керак бўлса бир ёки бир нечта қудратли марказлар томонидан бошқарилаётган сиёсийлашган халқаро жиноий гурӯҳлар тўғрисида бормоқда.**

Замон ўзгариб умумбашарий, сиёсий ва мафкуравий курашнинг анъанавий шакллари иш бермай қолгандан сўнг, терроризм, эндиликда, бошқа йўللارни ахтариб топмоқда. Бугун дунёда барча террорчиларни диний қарашлари, мафкуравий мойиллиги ва тафаккуридан қатъий назар уларни асосан икки жиҳат, у ҳам бўлса беҳисоб пул ва ҳокимиятга интилиш қизиқтирадиган бўлиб қолди.

Моҳиятан, амалиётда демократия ва эркин иқтисодий муносабатлар тизимига, рақобатга тубдан қаршилиқ хусусияти, ватанфурушлик халқаро террорчилар сафига турли батамом бир-бирига ўхшамайдиган диний маслак, миллат цивилизацион мойилликка мансуб, аммо пул ва ҳокимият йўлида интилган кимсаларни олиб кирмоқда.

2000-2001 йилларда мамлакатимиз хавфсизлигига реал хавф солган, жанубий ва шарқий-жанубий чегараларимиз ёнгинасида ҳаракат қилган террорчилар ҳаракатида Чеченистон ҳудудида узоқ вақтдан буён олиб борилаётган сепаратистик жангчиларга хос бўлган ҳарбий-тактик жиҳатлар кўзга ташланиб қолди. Радио, компьютер орқали узатилаётган ахборот оқимининг таҳлили бу икки ҳудуддаги террорчилик ва экстремистик ҳаракатлар ягона халқаро марказдан бошқарилаётганлиги уларнинг ҳар иккаласига ҳам ягона маънавий раҳнамо ҳослигини кўрсатди. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террористик ҳаракат натижасида бинолар вайрон бўлди, кўплаб одамлар қурбон этилди.

Лекин қандай ва нима бўлишдан қатъий назар, бугун жаҳонда халқаро терроризмга нисбатан огоҳлик даражаси анча ўсганлигини таъкидлаш лозим. Нуфузли халқаро (БМТ Хавфсизлик Кенгаши, Халқаро трибунал, Интерпол ва бошқа носийси ташкилотлар) ва минтақавий (Европа Хавфсизлиги ва ҳамкорлик Ташкилоти, МДХ ҳамда бир қанча кўп

⁵⁴ . Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Т.: «Адолат», 1997, 312-бет.

томонлама ва икки томонлама шартномалар тарафдорлари) ташкилотлар фаолиятида терроризмни кескин қоралаш амалиёти устуворлик касб этмоқда.

«Тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро тотувлик ва минтақамиз халқлари ҳамда давлатларининг анъанавий дўстлигига, ҳамжиҳатлигига таҳдид солувчи бу жиддий хавфни бартараф этиш бўйича қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўриш – бугунги кунда энг долзарб вазифамиздир» (И.А.Каримов. Асарлар. Т. 8, 345-бет). Шу муносабат билан бир неча муҳим жиҳатларни алоҳида таъкидлаш ўринлики, у ҳам бўлса айнан ён қўшни ҳудудий туташ давлатлар билан **ҳамкорлик масаласи** билан боғлиқ. **Иккинчи**, қўшни давлатлар бирлиги, жипслигига ва ниҳоят, **учинчидан**, барча Марказий Осиё давлатларининг хавфни фақатгина бир жон ва бир тан бўлиб бартараф этишига боғлиқ.

1999, 2000 ва 2001 йилларнинг ёз фаслида Афғонистон ҳудудида ўзига уя қуриб олган террорчи тўдаларнинг Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудига суқилиб кириши ва бу ватангадо жангарилар тўдасига қарши кураш ҳамда уларнинг Қирғизистон ва Ўзбекистонга ҳам бевосита хавф солиши ҳудудий жиҳатдан бирдамликни тақазо этади.

9.4. Минтақавий можароларнинг фуқаролар уруши, сеператизм, қочоқлар каби кўринишлари

XX аср сўнггида жаҳон сиёсий харитасида амалга ошган серкирра жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Минтақамизда рўй бераётган ғоявий-сиёсий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Яқин йилларда бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган энергия, газ ва нефтга бой конлар Марказий Осиёда жойлашган. Бунинг устига биз Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг манфаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир қисмимиз. Бизнинг ҳудудимиздан кўпгина қудратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайди. Яна бир таҳдид манбаи Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамлакатлар қуршаб турибди⁵⁵. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник мурасасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадошдир.

Демак, минтақавий можароларнинг турли шакл, йўналиш ва кўринишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ватандошлараро, яъни фуқаролик урушлари. Масалан, Афғонистондаги фуқаролик уруши (тахминан 1979–2001 йиллар даври) туфайли, бу ерда наркобизнес, террорчилик, диний экстремизм сингари аксилинсоний унсурлар вужудга келган эди.

2. Миллатлараро ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар. Масалан, XX аср 90-йиллари ўрталарида Тропик Африканинг Буюк Кўллар соҳилларида асрлар давомида истиқомат қилиб келган икки халқ: тутси ва хуту этносларининг тўқнашувларида ҳар икки томондан 2 млн.га яқин тинч аҳоли она юртларини тарк этишга мажбур бўлган. Уларнинг кўпчилиги қочоқ мақомига эга бўлолмасдан, озиқ-овқат, бошпана, тегишли тиббий хизмат билан минимал миқдорда таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлгани ҳолда, бегуноҳ оч-ялонғоч ҳолда дунёдан кўз юмишган. Улар қочоқ мақомини қўлга киритишда расмийчиликка дуч келди.

Бундай мисолни Болқон минтақасида жойлашган Косово атрофида давом этган можароларда ҳам кўриш мумкин. 1999 йил 76 кун давом этган Югославияга берилган ҳаво ракета зарбаси туфайли Сербиядан қўшни Македония ҳудудига ярим миллиондан ортиқ тинч аҳоли ва оилалар зўрға от-улов, уй-рўзғор буюмлари билан қочиб ўтишди.

3. Сепаратизм (француз ва лот. Алоҳида ажралиб чиқиш, алоҳида бўлиб олиш) – ички конституциявий меъёрлар ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга тамомила зид ҳолда

⁵⁵ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Янги аср авлоди», 2001, 68–69-бетлар.

бир гуруҳ сиёсийлашган шахслар томонидан тарихан бир миллат истиқомат қилиб келган ҳудудни алоҳида давлат деб эълон қилинишига қаратилган амалий фаолият. Шунингдек, бу давлат чегаралари, миллий суверенитетни бузиб, сиёсий ғоя ва доктринанинг кўринишидир. Бундай ҳолатни Эфиопия, Россия, қисман Испания ва Индонезия (Шарқий Тимор) давлатлари мисолида кузатиш мумкин. 1990 йиллар ўрталарида Чеченистоннинг «Ичкерия республикаси» номи остида мустақил давлат деб эълон қилинганлиги бунга яққол мисол бўлади.

Минтақавий можароларнинг ечим услуги, механизмида сиёсий йўлнинг афзаллиги

Совуқ уруш даврида диний ва этник тўқнашувлар, ҳамма партизан урушларини таҳлил қилиш амалиётида ҳам уларнинг туб негизларидан онгли равишда йироқлашиш, сабабларини эса, ана шу синфийлик, синфий кураш бағридан ахтариш ва ниҳоят можароларни икки глобал тизим ўртасида давом этаётган «тарихий тўқнашувнинг» ўзига хос кўриниши сифатида талқин қилинган эди.

НАТО томонидан ҳаводан туриб зарба беришга келишилгандан анча илгари Югославияда можароли ҳолат мавжуд бўлиб, унга жаҳон ҳамжамияти бир неча бор ташвишланаётганлигини ҳаммага маълум қилган эди. Даставвал, Европада, НАТО доирасида ҳам Болқондаги тангликнинг ечимини тинч, яъни музокарага таянган йўл билан ҳал қилишга қизиқиш катта бўлган эди. Жумладан, бу борада нуфузли ташкилот Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳам ўз ваколатли гуруҳлари орқали можаронинг ечимига доир умумий консенсусга келишга йўналтирилган жиддий ишларни амалга оширди.

Лекин Евроатлантика Иттифоқига аъзо давлатлар Қўшма Штатларнинг бевосита бошчилигида қутилмаганда Югославияга нисбатан кескин ультиматум хусусиятига эга қарорга келишди. Бунга кўра, агар Югославия улар томонидан қўйилган шунингдек, манманликка асосланган талаблар маълум муддат ичида қабул қилинмаган тақдирда Белградга ҳаводан туриб зарба беришни бошлаш шарт эканлигини бутун дунё аҳлига маълум қилишади. Натижаси ҳаммага муълум.

Марказий Осиё ягона геосиёсий макон эканлиги

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка минтақавий, миллий маҳаллий можаролар, диний экстремизм ва жангари сепаратизм таҳдид солмоқда.

«Геополитик мақсадлар - муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиёсатни ифодалайди. Бугунги кунда халқаро майдонда турли шаклларда намоён бўлаётган бундай мақсадлар мафкуравий сиёсат билан қўшилиб бормоқда. Инсон қалби ва онги учун кураш - бу жараённинг асосий йўналишларидан биридир».

«Геосиёсат» тушунчаси ўзида («гео» - «ер», «сиёсат» эса - «давлат» ва «ижтимоий иш») маъноларини англатади. «Геосиёсат» атамасида геосиёсий муддаолар, уларнинг кўринишлари, турли хил давлат ва халқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндашув услублари, воситалари у ёки бу давлатнинг ҳудудий жойлашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсадлар ўз ифодасини топади.

«Геосиёсат» узоқ тарихга эга бўлсада, у тушунча сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган. Бу атама Р.Челлен томонидан муомалага киритилган бўлиб, ҳозирги даврда давлатлар ва дунё мамлакатлари халқаро сиёсатида, фалсафада, сиёсат фалсафаси ва фанларида кенг қўлланилмоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиёдаги минтақавий муаммоларни бартараф этиш ва уни сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишда «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» муҳим аҳамиятга эга. Аслида бу ташкилот 1996 йилда Шанхайда «Шанхай бешлиги» номи билан ташкил топган (дастлаб Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия ва Тожикистон кирган эди).

«Шанхай ҳамкорлик ташкилоти»: 2001 йил 15 июндан бошлаб.

«Шанхай бешлиги». 2001 йил 14-15 июнь кунлари Шанхай саммити бўлиб ўтди. Бундан 5 йил олдин ҳарбий соҳада ҳамда чегара ҳудудларида қуролли кучларни қисқартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш мақсадида асос солинган эди. «Биз, - дейди Президентимиз Ислоҳ Каримов, - Шанхай ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, биринчи навбатда, халқаро террорчилик, диний экстремизм, миллий айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарга қарши пухта ўйланган ва самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми деб биламиз».

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига ана шу 2001 йил 15 июнда Ўзбекистон ҳам кирди. Бу ташкилот аъзолари орасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой борлиги билан эътиборга молик.

Бу ташкилот олдида турган долзарб муаммолар:

1. Афғонистон можароси, бу ердаги хунрезлик тугамас экан, таҳдид сақланиб қолаверади. Натижада ўз-ўзидан янгидан-янги муаммолар келиб чиқаверади.
2. Террор, экстремизм, айирмачилик ва наркобизнес бир-биридан айрим муаммолар эмаслиги яхши маълум. Наркотик моддалар савдосидан келган миллиард долларлар эвазига қўпоровчилар ёлланмоқда. Унга қарши баҳамжиҳат курашилмаса, натижа кутилганидек бўлмайди.

Хуллас, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шунинг билан бирга бу - минтақада яшаётган халқларнинг азалий қон-қариндошлиги, ҳамкорлиги ва маънавий - руҳий яқинлигини мустаҳкамлашда ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолаверади.

9.5. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик стратегияси: ишлаб чиқиш жараёни, амалиёти

«Асосий стратегия» ёки «Миллий хавфсизлик стратегияси» номи билан бугун дунёда қабул қилинган бу нуфузли ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёни барча мамлакатларда деярли бир хил андозаларга эга бўлиб, унинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

а) стратегияни амалга ошириш учун зарур бўлган воситалар, ресурслар тизимининг баёнини бериш;

б) уни амалга ошириш борасида инобатга олиниши керак бўлган «хавф»ни ҳисоблаб чиқиш;

в) пировард мақсадни белгилаш.

Бундан ташқари, миллий хавфсизлик стратегиясининг функционал ҳолати ҳамда амалга оширилишига бевосита дахлдор бўлган икки муҳим омил; **бир томондан**, ресурсларнинг объектив чегарага эга эканлиги бўлса, **иккинчи томондан** хавфсизлик муҳитининг асосий параметрлари ва даражасини инобатга олиш лозим бўлади.

Барча мамлакатлар томонидан маъқулланиб, эътироф этилган, юқорида келтирилган тизим америкалик стратегия назариётчиси Генри Бартлетт томонидан муомалага киритилган бўлиб, «Бартлетт модели» номи билан машҳур⁶.

Ўзбекистон Республикасига татбиқан юқоридаги моделни олиб кўрадиган бўлсак, дунёдаги кучлар марказининг бир нуктадан иккинчи бир нуктага ўтиши, яъни халқаро ҳаётнинг ўзгарувчанлиги, унда доимийликни инкор этишини ҳисобга олган ҳолда хавфсизлик стратегиясининг асосий, шунингдек, тахминий контурлари қуйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин.

Биринчидан, бугунги кунда миллий хавфсизлигимизда у ёки бу даражада ҳисобга олиниши лозим бўлган куч марказларининг жойланиши: Америка қўшма Штатлари лидерлигида фаолият юритаётган Шимолий Атлантика давлатлари иттифоқи бўлиб, унинг режаси, хатти-ҳаракатида рўй бераётган бирон-бир кескин ўзгариш Ўзбекистонга нисбатан хавфсизлик маконида у манфий ёки мусбат томонга ўзгариш ясаши мумкин.

⁶ Политология. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, «ДАЖБНТ», 2002, 267–272-бетлар.

Лекин бу НАТО ва Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонга нисбатан хавфсизлик маконида устувор, шунинг билан бирликда яккаю ягона омил эмас. Ўзбекистон миллий хавфсизлик стратегияси нуқтаи назаридан Хитой, ғарбий Европа, Россия, Ҳиндистон, Япония, Покистон, Эрон ва Туркия сингари минтақавий куч марказларида содир бўлган салбий ва ижобий жараёнлар ҳам ҳисобга олинмоғи керак.

Иккинчидан, ҳисобга олиниши зарур бўлган омил: бутун жаҳон тараққиётини у ёки бу даражада белгилаб турувчи тенденциялардир. Уларнинг орасида энг муҳими икки, бир-бирига қарама-қарши, доимо қўшалок тарзда намоён бўлувчи, бир томондан муносиб хавфсизликни таъминлашга бўлган барча халқлар хоҳиш-иродасининг кучайганлиги бўлса, иккинчи томондан эса, қуролланиш пойгасининг жонланиши учун беихтиёр шарт-шароит яратилаётганлиги билан белгиланади.

Учинчи омил, асосан «совуқ уруш» давридаги кескин қарама-қаршиликларнинг ўрнини глобал ноаниқлик эгаллаётганлиги билан белгиланади. Гап шундаки, ким-кимнинг таъсир доирасида деган савол бўлиши мумкин эмас.

Тўртинчи омил, дунёнинг турли жойларида рўй бераётган воқеаларга янгича қараш диний ва демографик тенденцияларнинг хавфсизлигимизга у ёки бу даражада таъсир ўтказиши билан боғлиқ. Чунки мамлакат хавфсизлиги, истиқболи нуқтаи назаридан дунёнинг барча жойларида рўй бераётган нохуш мафкуравий, диний ва демографик жараёнларни ҳисобга олиш билан бирга прагматик ташқи сиёсат ва фаолият юритиш муҳимдир.

Бешинчи омил, субъектив ташқи таъсир остида минтақамизда пайдо бўлаётган айрим муаммоларнинг миллий хавфсизлигимизга таъсири билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик стратегиясининг ишлаб чиқиши тўғрисида сўз борар экан, унда бугунги кунда миллий ғоя билан боғлиқ жиҳатнинг кучайганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Қикача хулосалар

Халқаро муносабатларда ташқи сиёсатнинг белгиловчилик роли шундаки, бу муносабатларнинг қандай ривожланиши биринчи навбатда давлатлар фаолиятига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги халқаро сиёсий муносабатлар жаҳон майдонида рўй бераётган сиёсий воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларнинг хусусиятларини ўзида ифода қилмоқда.

Халқаро муносабатларда қайсидир давлат томонидан олиб бориладиган терроризм энг хавфли ижтимоий-сиёсий ҳаракат бўлиб, халқаро муносабатларни тартибга солишга ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро сиёсий муносабатларнинг муҳим субъекти сифатида ўзининг тинчликсевар сиёсати, халқаро терроризмга, гиёҳвандликка қарши кураш каби таклифлари билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини қозонмоқда.

Умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқиши ва кескинлашишига фан-техника ютуқларидан самарасиз фойдаланиш ҳам сабаб бўлади. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда технологик жараёнларни зарарсизлантиришга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш инсон ва табиат учун катта хавф туғдиради ва бундай хавф-хатарнинг кўпчилик мамлакатларда рўй бериши орқали инсониятни таҳликага солган кескин муаммолар пайдо бўлади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи сиёсат қандай тамойилларга асосланади?
2. Халқаро ташкилотлар ташқи сиёсатда қандай ўрин тутади?
3. Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатига хос бўлган жиҳатлар нимада?
4. Халқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятларини аниқланг?
5. Халқаро сиёсат нима?
6. Умумбашарий муаммо нима?
7. Тинчлик учун курашда Ўзбекистоннинг иштирокини аниқланг.

8. Умумбашарий муаммолар қандай намоён бўлади?
9. Экологик муаммоларнинг сиёсий жиҳатлари нимада?
10. Минтақавий можаролар ечимининг мураккаблик сабаблари нимада?
11. Бугунги кунда геосиёсий мақсадлар қайси шаклда намоён бўлмоқда?
12. Ҳозирги дунёдаги геосиёсий мақсадлар ва мафкуравий сиёсат.
13. Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга интилишлар.
14. Миллий хавфсизлик ва уни барқарорлаштирувчи омиллар ҳақида гапириб беринг.

Х О Т И М А

Демак, хотима ўрнида шуни айтиш мумкин, **биринчидан**, сиёсатшунослик фани ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга. Унинг пайдо бўлиши, шаклланиши сиёсий қарашлар ва таълимотларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ.

Иккинчидан, мамлакатлар ва халқлар тарихида мустақиллик демократик жамиятга ўтиш жараёни билан бевосита боғлиқ. Мавжуд ўтиш жараёни Ўзбекистон халқлари ҳаётида ҳам янги даврни бошлаб берганлиги билан характерланади. Политология фани ана шу янги даврнинг, мустақилликнинг мевасидир.

Учинчидан, сиёсатшунослик фани мавжуд сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнларни таҳлил этишда ва унинг ўтмиши, ҳозирги замон ва келажакда ривожланиш истиқболларини, муаммонинг ечимини кўрсатиб беришда муҳим ўрин тутди.

Тўртинчидан, мамлакатдаги сиёсий жараёнлар, унинг сиёсий тизими, демократия ва сайлов, сиёсий ҳокимият ва унга бўлган муносабатга хос бўлган хусусиятларни қиёсий-сиёсий таҳлил этган ҳолда ҳулосалар бериш ривожланиш истиқболини белгилашда ўзига хос ўринга эга.

Бешинчидан, сиёсий ҳаётни ўрганиш унда иштирок этаётган субъектлар фаолиятига таянишни тақозо этади. Шунда сиёсий маданият ва мафкура масалаларининг сиёсат билан муносабати халқларнинг сиёсий онги, сиёсий жараёни идрок этишда ўзига мос тарзда кўзга ташланади.

Олтинчидан, сиёсатшунослик халқаро тизимлар ва умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганиш мустақиллик муносабати билан Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг субъектига айланганлиги билан боғлиқ. У сиёсий таҳдидларга, сиёсий, ғоявий фикр ва башоратга эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Сиёсатшунослик фани ўз истиқболига эга. Мустақиллик эса унга янгидан – янги имкониятларни очиб бермоқда. Бу сиёсий фан сифатида сиёсатшунослик фанини чуқур ўрганишни, сиёсий таҳлил, янги сиёсий ғоя, фикр ва қарашларни ўртага ташлаш, сиёсий жараёнларнинг ютуқларини, айни пайтда унинг мураккабликлари ечимини сиёсий нуқтаи назардан кўра олиш орқали, мамлакатимизда ва дунёда умумбашарий барқарорликни таъминлашга, сиёсий фанлар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001.
2. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 3—28-бетлар.
3. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.Т.: "Ўзбекистон", 1999, 29-58-бетлар.
4. "Сиёсий партиялар тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги қонуни. "Маърифат", 1997 йил 8 январь.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги 1997 йил 29 августдаги қонуни. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.Т.: "Шарқ", 1997, 20-29-бетлар.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги 1997 йил 29 августдаги қонуни. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: "Шарқ", 1997, 30-63-бетлар.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т. I - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.2 - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3 - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
10. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4-Т.: «Ўзбекистон», 1996.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5-Т.: «Ўзбекистон», 1997.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6-Т.: «Ўзбекистон», 1998.
13. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7-Т.: «Ўзбекистон», 1999.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8-Т.: «Ўзбекистон», 2000.
15. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9 Т.: «Ўзбекистон», 2001.
16. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992.
17. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10 – Т.: «Ўзбекистон», 2002.
18. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: «Ўзбекистон», 2002.
19. Каримов И.А.Биз танлаган йўл – демократик ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 64–69, 214–247, 266–274-бетлар.
20. Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004, 3–31-бетлар.
21. Каримов И.А. Тинчлик хавфсизлигимиз ўз куч-қуватимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамызга боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон», 2004. 400-бет.
22. Каримов И.А. Империя даврида иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 64-бет.
23. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 96-бет.
24. Каримов И.А.Янги шаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан куриб бўлмайди. Т.: «Маърифат» газетаси, 2005 йил 19 февраль.
25. Каримов И.А. Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин. Президент Ислом Каримовнинг Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқарии сессиясидаги нутқи. «Ҳалқ сўзи», 2005 йил 23 апрель.
26. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
27. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

28. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
29. Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). Учебник. Т.: «Мехнат», 2004. 3-16-бетлар.
30. Политология асослари. Т.: «Университет», 1992, 206–214-бетлар.
31. Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Дарслик. Тошкент: «Адолат», 1997, 279–285, 290–301-бетлар.
32. Политология курси бўйича маърузалар матни. 2-қисм. Тошкент: М.Улугбек номидаги ЎзМУ, 2000, 50–55-бетлар.
33. Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1999, 179–219-бетлар.
34. Эргашев И. ва бошқалар. Политология. Маърузалар матни. Тошкент.: ЎАЖБНТ, 2000, 202-213-бетлар.
35. Машарипов О., Хошимов Т.Р., Рафиқов Ғ.А. Политология. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДИУ, 2000, 154–200-бетлар.
36. Рафиқов Ғ.А., Содиков А., Раҳмонов Б. Политология фанидан маърузалар матнлари. Т.: ТДИУ, 2000, 90–99-бетлар.
37. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Олий таълим муассасалари учун қўлланма. Тошкент: «Янги аср авлоди», 2001, 55–78-бетлар.
38. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорларининг танқидий мулоҳазалари. Тошкент: «Ўзбекистон», 2001, 166–311-бетлар.
39. Политология. Ўқув қўлланма. Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашр., «ЎАЖБНТ» маркази, 2002, 209–272-бетлар.
40. Усмонов М., Ҳамидов Х. Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини семинар машғулотида ўрганиш бўйича методик материал. Т., 1998. – 67 б.
41. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Т.: ТошДШИ, 2003, 333-360-бетлар.
42. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Политологияга кириш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 369-385, 427-445-бетлар.
43. Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Т.: «Ўқитувчи», 2004, 31-44-бетлар.
44. Саифназаров И. ва бошқалар. Халқимизнинг ҳамжихатлиги терроризмга қарши кафолатдир. Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 3-52-бетлар.
45. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., СултоновТ.,Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
46. Бекмуродов А. Ш. , Алиев Б., Бобоев А ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Тошкент. 2005.
47. Т. Султонов, А. Ҳайитов. Демократик жамият сари: парламент сайловлари ва сиёсий партиялар. ТДИУ 2005й.
48. Б. Алиев ва б. Праламентаризм тараққиёти бўйича тест саволлари. ТДИУ 2005.